# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
# ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Наманган Давлат Университети

**доц. Д.Рахимбоева, катта ўқитувчи А.Отамирзаев**

## *МАДАНИЯТШУНОСЛИК*
***фанидан***
***(маърузулар матни)***



***Наманган-2007 йил***

# КИРИШ

Мазкур фан жаҳон маданияти ва цивилизацияси, миллий маданият, маънавий-маърифий қадриятлар ҳақида кенг ёритилишини ўз олдига мақсад қилиб олган. Бу ўз навбатида ва демократик ҳуқуқий, инсонпарвар жамиятни барпо этишда улкан аҳамият касб этади.

Ҳар бир талабадан маданият тушунчаси, унинг ривожланишининг асосий қонуниятлари, жаҳон маданиятининг назарий муаммолари, мустақиллик шароитида ўзбек маданияти ривожланишининг назарий асослари тўғрисида объектив билим салоҳиятини шакллантириш босқичма-босқич вазифаларидир.

## 1-Мавзу; Маданиятшунослик фанининг предмети.

## Маданият тушунчаси талқини.

### Маъруза режаси.

1. Маданиятшуносликнинг предмети. Маданиятшунослик билимлари типологияси
2. Маданиятшунослик фаниниг ўқитилиши.
3. Маданият тушунчаси талқинида тарихийлик ва илмийлик.

Маданиятшунослик-маданият ривожланишининг энг муҳим қонунларини ўрганади. Унинг манбаи инсоният яратган барча маданий қадриятлардир.

Маданиятшуносликнинг асосий вазифасига инсоннинг табиат жамиат билан биргаликда фаолятини ҳамда кишиларнинг маънавий турмушига оид барча жараёнларни тадқиқ қилиш кирадиᅟ. Шунинг учун унинг тадқиқот манбаи бўлиб, қуйидаги соҳаларни ўз ичига олади. Яъни:

- Инсон яратган санъат соҳаси.
- Кишиларнинг муомала воситаси бўлган тил.
- Жамият бойлиги ва мезон бўлмиш билим.
- Жамиятда содир бўлувчи демографик ва этник жараёлар хизмат қилади.

Маданиятшунослик умумназарий фан бўлиб, унга хос бўлган хусусият-инсоннинг маданий ҳаёт ходисасини тартиб тизимига солиб ёндашиши ҳисобланади. Шунингдек маданият гуманитар билимларни ўзига мужассам қилган ҳолда намоён бўлиши билан бирга билишнинг ўта мураккаб объекти ҳамдир.

«Маданият» бу инсонларнинг ижодий фаолият жараёнида яратган моддий ва маънавий соҳалардаги ютуқлар мажмуи бўлиб, кундалик тажриба ва муомала ва муносабатларнинг шаклланиши; шунингдек маданият маълум бир жамият учун хизмат қилувчи билимларнинг аниқ бир даражаси ҳамдир. Маданиятни

ўрганишда обеъктив қонунларнинг ва сабаб ходисаларидаги боғликлик ҳақидаги анъанвий бир хил тасвирдан файдаланмаслик ҳам мумкун. Маданиятни тартибли тадқиқ қилиш кутилган ва фавқулотда жаррёнлар ҳақидаги тасаввурлардан фойдаланишни тақоза қилади. Системали ёндашув бир-бирига таъсир этувчи турли маданият соҳаларининг ўзига хос хусусиятларини қисмларга бўлиб эмас, балки маданиятни бутунича тасаввур қилиш имконини беради. Системали ёндошув тадқиқотнинг жуда кўп услубларидан фойдаланишга имкон беради. Яъни баъзи бир усуллар билан олинган натижаларни бошқаларига қарама-қарши қўймасдан мулоқотлаштирмасдан хулоса қилади.

Айнан ситемали ёндошув маданятни ўзини ҳам худди ўзига хос шаклда ва кишилар ҳаёт фаолияти соҳаларни ҳам тушуниш имконини беради. Булардан маданият соҳалари, маданият институтлари ташкил топиб, улар аниқ тузилмага ва аниқ вазифаларга эга бўлган ҳолда маданий намуналарни ташкил қилиб маданият тизимини белгилайди.

Маданиятшунослик фаниниг қуйидаги

билимлари мавжуд;

1. Маданият фалсафаси-Маданиятдаги мураккаб ва кўп мақсадли жараёнларни таҳлил қилишда ёндашувнинг энг муҳим тамойилларини намаён қилиб қиёсий таҳлил, таснифлаш билан боғлиқ. Маданиятни фалсафий англашда фалсафий асослаш билан боғлиқ материалистик, позитивизм, обеъктив идялитик ва бошқа кўплаб анъаналар ажралиб чиқади. Буларнинг ҳар бирида инсоннинг табиати ва ижтимоий гурух оламида жисмони маънавий ва руҳий ҳаёт фаолиятининг шаклларини ва ривожланишининг назарий тушунтириш ва ўзига хос таҳлилий усуллари бор.

2. Маданиятнинг тузилиш шакли инсонга боғлиқ бўлмаган ва жамиятда мустақил мавжуд бўлаган маданиятнинг ўзига хос шакли унинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Маданият ривожи жамиятнинг манбаи ва омилларини очишга уринади. Унинг мавжудлик даври у ёки бу маданиятнинг пайдо бўлишидан инқирозгачадир.

3. Маданият социологияси-Бирон бир жамиятдаги мавжуд маданиятнинг аниқ жараёнларини ўрганиш билан шуғулланади; Бу ҳар хил социолог ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган маданият жараёни муносабатларида, социомаданият тоифаларида намоён бўлади.

4. Маданият тарихи-ҳар бир алоҳида маданиятни ноёб ва асл ходисаси каби ўрганади турли маданиятни ўзаро таққослайди, уларнинг ўзаро муносабатлари ва ўзаро таъсири, уларнинг замон ва макондаги фикрларини қадри ва меъёри илмийлиги маҳоратда намаён бўлади.

5. Маданият экологяси-замонавий инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларини инсоннинг индивудал ҳаётини, жамият ҳаёти, табиат билан ўзаро муносабатлари қамраб олади бу маданиятшунослик тадқиқотидаги энг янги фаол ривожланаётган соҳалардан бири.

Зеро маданият бу инсон яратган нарсалардир. Маданиятшунослик инсоннинг олам билан фаол муносабатини ва муносабатлар унинг ҳаёт тарзини намаён бўлишини, шахснинг ижтимоий ва маданий ролини маданиятлар типологиясини ўрганади.

Маданият тушунчаси XVIII асрнинг охирига эътиборан ҳозирги мазмунини касб этган ҳолда фақат XX асрга келиб ижтимоий ва гуманитар фанлар тизимидан мустаҳкам ўрин олди. Кишилик жамиятининг беқиёс қўлламига эга бўлган ва доимий равишда ўзгариб борувчи маълумотларни тартибга солишга ёрдам берувчи умумлаштирувчи тушунчаларга бўлган эхтиёж маданият тушунчасини кенг тарқалишига сабаб бўлади. Қадимги Римда «маданият» тушунчаси ҳаётни маънавий жихатдан янада яхшилашга тозалашга қаратилган ғамхўрлик деган маънода ҳам фойданилган Маълумотларга кўра машҳур Рим файласуфи нотик-Цисерон ҳам «руҳият атамасини» ишлатган. Европа халқларида XVIII асрнинг охирларигача маданият атамаси ақлий аҳлоқи маданият тушунчаси билан ёнма-ён ишлатилган. Кўриниб турибдики «Маданият» тушунчаси хилма-хил талқинига қарамай қадимдан ҳозирги кунгча ўз моҳиятини ўзгартирмаган.

Ҳозирги даврда маданиятнинг илмий тушунчаси инсоният тамонидан яратилган ва яратилиши давом этаётган маънавият рухиятининг ўзига хослигини англаши натижасида вужудга келди. Оддий бир маромда ривожланувчи жараёнда инсон ўз ижтимоий шакллари ундан фарқ қилмаган. Маданиятнинг автономияси намоён бўлиши учун муайян даражада техниканинг ривожланиши ва меҳнатнинг ижтимоийлашувига эришиш талаб этилади. Шу асосида маданият аста-секинлик билан инсониятдан табора кўпроқ мустақил бўлиб боради. Инсоннинг эса тобеллиги ортади. Шунинг учун маданиятни феномен сифатида идрок этиш унинг ровоожланиш қонунларини тушуниш ва тушунчалар асосида маданиятни бошқаришга ўрганиш зарурият бўлиб қолади.

Инсоният жамияти доимий ривоожда бўлиб у ўзгариб такамиллашиб боради. Турли тарихий даврларда ва хилма-хил маданиятларда одамлар дунёни ўзгача англайдилар ва қабул қиладилар, ўзларига хос равишда тасаввурлари ва билимларини хосил қиладилар. Биз ҳозирги даврдаги мавжуд номларга ўхшаш бўлган тўсикларни ўтмишда одамлар қандай қилиб енгиб ўтганларини ўргана бориб ўтмишга саволлар билан мурожаат қиламиз, ўтмиш бизга жавоб қайтаради ва шу билан ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ўртасида доимий мулоқат бўлиб туради. Маданият-жамиятнинг махсули, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳими жабхаларидан биридир. Маданиятсиз жамият бўлмагандек , маданият ҳам жамиятдан ташқари мавжуд бўлмайди. Мураккаб ижтмоий вокеалик сифатида маданиятнинг ўзига хос хусусияти шундки, у инсоният ва авлодларининг меҳнати ва билимларини ўзига сингдириб олади. Маданият ижтимоий ҳаётнинг ворислиги, қадриятларини тўплаш ва уларни келгуси авлодларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган соҳаларни ифодалайди.

Ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида маданиятни жамиятни тутган ўрни, жамиятнинг мазмунига ва таҳлил қилинаётган ижтимоий борлиқнинг хусусиятларига боғликдир. Ижтимоий жараён, кишиларнинг хатти харакати, яъни социял фаолияти маданий идеалларни, қадриятларни, нормаларни қарор топтирилиши ёки бархам берилишида восита вазифасини, шунингдек

кишиларнинг ижтимоий ва шахсий муносабатларининг шахслараро ва гуруҳлараро алоқалари шакли вазифасини хам бажаради.

Маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий ва функционал аспектларида ифодаланади. Шу жихатдан жамият маданиятни вужудга келтиради. Жамиятда вужудга келган маданият қанчалик мураккаблашиб бойиб борса, унинг инсонга ва жамиятга таъсири мукаммаллашиб ва нисбий мустахамлиги кучайиб боради. Антик жамият алла қачон ўтмиш, тарихга айланган бўлсада унинг маданияти ҳозирги кунда ўз аҳамиятини сақлаб колмоқда ёки биз бу давр маданиятини ўша вақтдагига нисбатан кўпрок биламиз. Шунинг учун маданиятга жамиятнинг функцияси сифатида қаралмасада, жамият хар қандай конкрет маданиятнинг шаклланиши деб айтишимиз мумкун.

Маданиятнинг ўзоро муносабатларида ўзгаришларга олиб келади, анъанавий ва индистирял жамиятларда инфармацион фаолият мустақил соҳани ташкил эткан бўлса, «кампьютер ревалюцияси» шароитида инфармациялар, билимлар ишлаб чикарилиши, янги технологиялар яратиш алохида турдаги фаолият сифатида шаклланади. Маънавий маданият информациялар захиралари тўпланиш оқибатида цивилазация тараққиётида ташкилотчи ва харакатга келтирувчи факторга айтилади. Бунинг оқибатида фаолият ва маданиятнинг ўзаро муносабатларида ўзгаришлар бошланади. Агар дастлаб маданият фаолиятининг мазмунига тўлиқ боғлиқ бўлса, цивилизация жараёнлари оқибатида фаолият маданиятини табора кўпроқ иштирокида шаклланиши кузатилмоқда.

Шунингдек жамият тараққиётида яъни тарихий инерциянинг
катта таъсирини ҳисобга олиш керак инерцеянинг таъсирида инсоният бажарилиши лозим бўлган вазифалардан тамоман бошқа нарсалар билан машғул бўлади. Чунки колектив тафаккур қийинчиликлар билан қайта қурилади. Моддий бойликларни қисқа вақт ичида йўқ қилиш ёки бузиб ташлаш мумкин, лекин маънавий қадириятлардан тезда воз
кечиб унинг янгисини қабул қилиб бўлмайди.. Россия ва советлар империяларининг миллий маънавий қадириятларимиз, урф одатларимиз ва

анъаналаримизни «замонавийлаштириш» соҳасида олиб борган сиёсати оқибати нима билан тугаганлиги ҳаммамизга маълумдир.

Биз маданият ва ижтимоий фаолият сифатида бир-биридан мустақил мавжуд бўлмаслиги, маданиятнинг мавжудлиги тараққиёти ва муаммолари масалаларини қисқача кўриб чиқдик. Маданият ва шахс нафақат мазмунан бир-бирига яқин бўлган, балки ички ва ташқи тамонлари жихатидан ўзаро мос келувчи тушунчаларидир.

Индивид ижтимоий турмуш ва маданиятга қай тарзда жалб қилганлигига, унинг табий имкониятлари харакати хиссиёти тафакури соцсиал аҳамиятли мазмун билан тўлдирилганлигига ва маданий шакл касб этганлигига қараб шахс сифатида қарор топди. Маданият индивидуал ва ижтимоий ҳаёт билан узлуксиз бирликни ташкил топган вақтгача мавжуд бўлади.

Маданият кишиларга тана аъзолари, инстиктлар ёки туғма истедодлар каби табиатан берилмайди, ҳар бир индивидуал ўзига шахс тажрибаси асосида мустақил равишда теварак атрофдаги кишиларнинг, жамиятнинг ва ўтган авлодларини тўплаган тажрибаларини ўзлаштиради.

Индивидум ижтимоий амалиёт махсули бўлган маданиятни ўзлаштириш билан бирга унга акс таъсир этади. Шунингдек инсон маданият номаларига амал қилган ҳолда нафақат табиатни, жамиатни балки шахсий «табиат» ни ҳам ўзгартирди. Маданият шахснинг ички дунёси мазмунига «иккинчи табиати» га айланади.

Шахс маданият билан ўзаро муносабати хеч қачон тўлиқ ва уйғун бўла олмайди ижтимоий индивидуал ҳаёт, шунингдек маданият стихияси бир-бири билан мос келмаслиги мумкин. Маданият доим инсоният билан чамбарчас боғлиқ бўлади ва у сиз яшай олмайди. Лекин воқеаликни мураккаб, яхлит бирлиги сифатида у ўз ривожланиши қонунларида ва борлиққа нисбатан мустақилдир. У маданий меросни ўзида мужассамлаштирган конкрет социал гурухларнинг маънавий ҳаётига нисбатан чуқуррокдир. Маданият доимо қадирятларини энг йирик заҳираси, тажрибалар хазинаси бўлиб қолади. Инсоният авлодлари ундан фойдаланадилар ва унга ўз хиссаларини қўшадилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек индивид билан мадният
ўртасидаги муносабат мураккаб жараён ҳисобланади. Индивидни ижтимоий ҳаётда иштирок этишига имкон беришга хос бўлган психо-социял ва маданий ва дунёқараши ижобий, салбий қарашларининг йиғиндисидан ташкил топган. Шунинг учун ҳам маданиятни нафақат қадрлаш ва уни сақлаш, уни танқидий ўрганиш талаб этилади.

Қайд этилган сабаблар таъсирида муайян ишлаб чиқариш усули хукумронлиги, шароитидаги тарихан таркиб топган. Ижтимоий ва маданий муҳитда жамият билан индивид ўртасида нисбатан ўзгарувчан муносабат бўлади. Бу мувозанатни хосил бўлишида маданиятнинг иштироки салмоқлидир. Маданият шахсга таъсир этади ва унинг психологик холатини шакллантиради. Шахснинг характерида дунёни билиш хисси ўрнашиб қолади.

Биринчидан-Маданият таъсир этиш объекти сифатида уни ўзлаштиради;

Иккинчидан-Маданий қардриятларни ташувчи ва ифодаловчи сифатида конкрет маданий муҳитда фаолият кўрсатади.

Учинчидан-Маданий ижодиёт субъекти сифатида мадниятни ривожлантиради.

Маданият шахснинг ўзаро муносатлари унинг шахс ҳаётида тутган ўрни тўғрисидаги мулоҳазаларимиз хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, табиат стихияли қонунлар асосида ривожланиб борса инсоннинг ички дунёси, «ички табиат» ини шакллантириш мақсадли йўналтирилган, асосида ташкил этилиши мумкин. Бунда маданият инсониятга шундай имкониятни яратувчи муҳим воситалардан бири бўлади.

Маданиятшунослик курси тарих фасафа социалог этнографик
Социалогия каби бир қатор фанларнинг келишувида вужудга келган янги социял гуманитар фан ҳисобланади.

Курснинг асосий маасласи бу инсон тўғрисидаги унинг табиати
ва имкониятлари тўғрисидаги масаладир. Табиатнинг мавжудлик қонуни хилма-хил бўлганидек, инсоннинг ички табиати яъни маданияти табий муҳит,ижтимоий борлиқ ва тарихий даврлар таъсирида доимий равишда ўзгариб туради, бу ўзгариш фақат илгарилаб бориш янги қадриятни вужудга келишидангина иборат

эмас. Бу бирон бир соҳадаги бузилишлар инқирозлар элементларининг кучайиши билан ҳам характерланиши мумкин. Ҳозирги замон илмий техника революциясининг табиий муҳитга маънавий ҳаётга ва бошқа соҳаларга салбий таъсири фикримизни яққол далилидир.

Маданиятшунослик-курси маданий тарихий даврларни таҳлил қилишда уни билишнинг уч босқичини табиий бирлигини олиб қарашга харакат қилади.

А) Конкрет даврнинг яхлит қиёфаси яъни бадиий образни яратишга интилади.

Б) Инсоният борлиғининг умумий динамикасида даврнинг маънавий ўрнини аниқлайди.

В) Конкрет даврнинг мазмунини таҳлил қилади яъни унинг ҳозирги давр тафаккурида қандай ўринга эга эканлигини унинг муаммоларини бизга қандай таъсир этишини бизга қай тамонлари билан яқинлигини ҳозирги вазиятни қайси социал ва индивидуал камчиликлари унда активлашганини кўрсатади. Маданиятлари тарихий даврларига қараб ўзгариб туради. Даврларнинг алмашиши билан маданият сифат ўзгаришлари юз беради. Конкрет тарихий даврда яшаган кишиларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари билими маънавий қадриятлари ва бошқалар тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлишимиз учун биз шу даврнинг маданиятига мурожат қилишимиз лозим. Шунинг учун маданиятшунослик курси турли халқларнинг маданий ровожланиш тарихи жаҳон маданий тараққиётининг таркибий қисми ўрганиш билан бирга конкрет тарихий даврнинг ижтимоий тараққиётга тутган маънавий ривожланиши босқичлари умумий қонуниятлари ўзига хос хусусиятларини ҳам ўрганади.

Маданиятшунослик тингловчиларни турли тарихий даврлар маданиятлари ва бошқа социял гурухларининг урф одатлари турмуш тарзи тўғрисидаги билимлар билан бойитади. Кишиларини гражданлик ва маънавий етукликка эришишлари фикрлари ва қадриятлар плюрализмига кўра билиш фан тараққиётини тўғри баҳолаш қобилиятини хосил қилиш муҳимдир.

Ю. М. Лотмон тасдиқлайдики, «маънавият энтропияси информациясига айлантиришнинг энг мукаммал меҳанизмидир». Бу меҳанизм информацияни сақлаши ва узатилиши билан бирга унинг кўлламаларини кенгайтиради. Ўз-ўзини

доимий равишда мукаммаллаштириши ва риожлантириб бориши унинг қонунидир. Шунинг учун маданият бир вақтда стабиллик ҳам динамизм хусусиятларига эга. Маданият санъатга ўхшаш бўлиб уни инсоният тамонидан яратилган яхлит бадиий асар сифатида қабул қилишими керак. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки маданиятшунослик курси гуманитар фанлар қаторида олий ўқув юртларида ўрганилиши ҳозирги давр талабиги мос келади. Жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни фақат иқтисодий сиёсий тадбирлар ва хуқуқ тартиботни мустахкамлаш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун жамиятнинг маънавий ҳаёти ҳам қайта қуриш талаб этилади. «Маънавият йўқ жойда» деган эди президентимиз И. А. Каримов-ҳеч қачон бахт саодат бўлмайди.

Маданиятшунослик талабаларга жаҳон маданияти ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон маданиятини ривожлантириш тарихий хусусиятлари ўзаро алоқадорлиги муаммолари ва истиқболлари тўғрисида билим кўникма малакаларни бериш айни пайтда миллий маданиятига ва ўзга давлатлар маданиятига қардриятларига уларни хурмат рухида тарбиялашда, маданият ёдгорликларига ижодий муносабатда бўлишлари маънавий жихатдан ривожланишларида кўмаклашади.

**Мавзуга доир таянч сўзлар ва иборалар.**

Маданиятшунослик, маданият, маданият фалсафаси, маданиятсоциологияси, маданият психологияси, маданиятшунослик
методи, маданиятшунослик манбаълари.

**Назорат саволлари**

1. Маданиятшунослик фаниннинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
2. Маданиятшунослик ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида
   қандай ўрин тутади.?
3. Маданиятшунослик  фан сифатида асосий вазифалари қайсилар?
4. Маданиятшунослик қандай манбаларга асосланади?

**Тест саволлари**

1. «Маданият генезиси» деганда нимани тушунасиз?

   А) Маданий мерос

   Б) Маданий тараққиёт

   С) Муомала маданияти

   Д) Маданиятнинг пайдо бўлиши

   Е) А ва С

2. Музейшунослик маданиятшунослик манбаларининг қайси туркумига киради?

   А) Тарихий-назарий фанлар

   Б) Амалий-тарихий фанлар

   С) Ёрдамчи маданиятшунослик

   Д) Фалсафий фанлар

   Е) А ва Д

Мавзуга доир адабиётлар


1. С. Абдухалиқов Маданият тарихи ва унинг асосий масаласи, Тошкент. 1998.
2. Э. Аҳмедов «Габидулин Р» Културология, Миравая культурў.
3. Гуревич П. С. Културология.М, «Знание», 1996.
4. Гриненко. Хрестоматия поисториикультурии.
5. Э. Умаров, М. Абдуллаев, Э. Хакимов, Културология. Тошкент. «Янги аср авлоди».

# 2-Маъруза мавзуи: Маданият ривожланишининг умумий қонуниятлари

Маърузанинг  мақсади ва вазифалари: Маданиятнинг икки асосий тури моддий ва маънавий маданият ҳақида тасаввур бериш, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига боғлиқлигини очиш; Маданиятнинг вазифаларини ўрганиш орқали маданиятнинг алоҳида шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш; Маданиятни қадирият тушунчаси билан боғлиқлиги унинг шахсини шакллантиришдаги ўрни билан  таништириш.

**Маъруза режаси:**

1. Моддий ва маънавий маданият ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги.
2. Маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамияти.
3. Маданият бойликлари. (Маданият қадрият).

Маданий жараённинг ўзига хослиги шундаки, маданият ходисаси ҳар доим шакл ва мазмун, ва муноабат, нарсанинг мавжудлиги ва унинг размий мазмуни уйғунлигига эга бўлади. Моддий маданият ва маънавий маданият-Маданиятнинг асосий икки соҳаси бўлиб,бир-бири билан ўзаро алоқада, ўзаро таъсирда ва бир-бирини тақоза қилган ҳолда ривожланади. Моддий маданият хар доим маълум бир маданиятнининг тимсоли ҳисобланади, ўз навбатда маънавий маданият ҳам қайсидир нарса, белги, тасвир, рамзларда моддий уйғунликда мужассам бўлади.

Моддий маданиятнинг маънгавиятдан тарихан айрилиғи фақат инсоният тараққиётининг бошланғич даврларигагина  хосдир. Жамиятда маънавий фаолият махсус соҳага айлангач аҳлоқий мезонлар,дин,санъат,хуқуқ,сиёсат, фан шаклланиб маълум доирадаги кишилар бусоҳа  билан шуғиллана бошлади.

Узоқ вақтлар фанда маданият деганда фақат маънавий маданият назарда тутилди. Негаки,борлиқни хақиқат, яхшилик, гўзаллик белгилайди деб ҳисоблашган, шунинг учун биринчи ўринда илмий тадқиқотларнинг асоси фан,аҳлоқ,нафосат бўлиб келди.Натижада жамиятнинг моддий ҳаётини, унинг

иқтисодиётини ўрганишга эътибор берилмади. Моддий маданияттадқиқот учун қизиқарсиз ҳисобланади.

Индустриал жамиятнинг вужудга келиши, техникавий тараққиёти ва технологияларини тезда алмашиши маданиятшуносликни инсониятни барча моддий маданиятини ўрганишга мажбур қилди.

Кишиларнинг амалий қайта ўзгартирувчилик фаолияти, уларни ижтимоий ишлаб чиқариш ва такрорий ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги моддий маданиятни ўзига хос соҳаларга бўлиниши маданиятшуносликда муайян тадқиқотларда зарурат туғдирди.

Моддий маданиятнинг биринчи катта соҳаси бу меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришнинг барча воситалари,турар жойлар, алоқа воситалари, техника қурилмалари. Хуллас,суньий шароитдаяратилган нарсаларнинг барчаси, моддий маданиятнинг бу қисми ишлаб чиқариш техника маданияти ёки жамият ҳаётининг моддий техника асоси деб аталади.Ишлаб чиқарувчи техника маданиятнинг махсус қисмини ишлаб чиқариш технологиялари, меҳнат фаолятида иштирок этувчиларнинг ижодий қўллами, уларнинг техник билими,ишлаб чиқариш маданияти, жисмоний ва руҳий имкониятлари ҳисобланади.

Моддий маданиятнинг иккинчи сохаси ижтимоий ҳаётни, унинг барча тармоқларининг меъёрий харакатини таъминловчи кўп ижтимоий институтлар, ташкилот ва муассасалар фаоляти билан боғлиқ. Бутурдаги хокимият тузилмалари ва унга муносиб бошқару шакллари, ижтимоий ташкилотлар, таълим, ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш, соғлиқни сақлаш ва дам олиш, кўнгилни олиш муассасалари тизими каби барча ижтимоий институтлар амалда жамият маданиятини сақлайди, ўзгартирвади ва қайта шакллантиради.

Моддий маданиятнинг учинчи соҳаси (ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи) инсоннинг ўзи ҳисобланади. Моддий маданиятнинг бусоҳаси нафақат инсониятнинг биомавжудодлик муомалаларини тадғиқ

қилмасдан, балки авлодларнинг ўзаро муносабатлари муомилларини таҳлил қилади.

Инсон улғайиши ва жамоага мансублиги мезонидан бошқа
жамият маданияти аъзоси сифатида шаклланиши мумкин.Икки хил , баъзан инсонни икки турдан ҳам кўпроқ маданиятга мансублиги уни кўп тамонлама маданий холатга ммансуб қилади.Аммо бунда маълум хавф ҳам яширин бўлади.Яъни улғаювчи авлод жамиятга аралашуви жараёнида бегона маданиятнинг аралашуви ёшларни ўзнинг маданият манбаидан айрилишига, ўз этика анъаналарини тушунмаслигига олиб келади. Ўз миллий маданиятдан махрум киши манқуртга айланади ва хар қандай маданиятга ҳам бефарқ муносабатда бўлади.Шунинг учун мерос маданиятнинг узлуксиз анъанавий янгилаш жараёнини таъминлаш ўта муҳим.

Моддий маданиятнинг учинчи соҳаси доирасида инсон ҳаёт
Фаолиятининггинети(ирсий), жисмоний (соматик), табий биологик хусусиятлари ҳақида, жамиятда юзага келадиган ва тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари акс этувчи маданий анъаналар ва соғлом одатларга тўғри келадиган инсоннинг тартибли овқатланиш ва турмш тарзи ҳақидаги билимлар мажмуи бўлган инсон экалогияси муаммолари ҳам мансуб.

Маънавий маданият анча илгаридан ўрганила бошлаган.инсоният тарихининг бошларидан кишилар маънавий маданиятни белгилашга,унинг шаклланиш сабабларини аниқлашга,маънавий бойлик ижодкори ва яратувчилари қанақанги сифатларга эга бўлишлари кераклигини ваммаънавий ижодкорлар жараёнини тушунтиришга уринганлар.Илгари мавжуд бўлмаган маданият ходисасини вужудга келтиришга хизмат қилувчи ижодий кучлар хаёлат фантастиакси тадқиқотларга катта эътибор берилди.Оламни маънавий ўрганиш мавжудликнинг инсоний усули ҳисобланган махсус идеял тамонидир.инсондаги барча қобилият табиатан мавжуд бўлиб,унинг шаклланиши инсоннинг инсоннинг пайдо бўлиш давридан бошланган. Инсондаги аждодлардан қолган ёввоийлик хусусиятлари табиат билан доимий ўзаро хамкорликда уни ўзлаштириш давомида йўқолиб,билими ривожланиб борди.

Ундаги жисмоний ва руҳий жихатлар такомиллашиб, Интелектуал ва шахсий имкониятлар кучайиб борди. Инсон жисмоний ,фикрий ва хис қилувчи мавжудод сифатидаги дастлабки давриданоқўзига хос дунёсини ярата бошлади: Моддий ваидеал дунёси тараққиётнинг хар бир даврида фикрлаш ва хис қилиш тарзинингмахсус ақлий тасаввур тизими тўпланди.Бунда барча умуминсоний маданият сингари турли халқлар тамонидан яратилган мустақил маданиятлар манбаи ҳам мавжуд.Инсоннинг идеал дунёси-бу узлуксиз харакат шаклининг бенихоя ранг-баранглиги, муркккаб меъёр, муносабатлар даражасига эга бўлган образлар ривожи ва вазифаси, типларнинг воқелик билан алоқасидир

Маънавий фаолиятнинг турли шакллари мавжуд, бироқ, уларнинг барчаси илк бутунлик элементлари бўлиб қолади Фан,дин, саъат, фалсафа, аҳлоқ,хуқуқ, сиёсат,мафкура,миллий ўзлик маънавий маданиятнинг аниқ шакллари ҳисобланади. Алоҳида шаклдаги маънавиятнинг хусусияти махсус тузилиш маълум вазифалармажмуидан иборат, хар бирининг ўзига хослигида ифодаланади. Маънавий маданиятнинг айрим шакллари (фан,саъат) «чегараланганликда» фарқланади, яъни маънавий маданиятнинг аниқ соҳасига айланади,.бошқа шаклларда (аҳлоқий эстетик) фаолятнинг барча турлари қоришиб кетади. Г. Маликовский такидлашичамаданиятдаги хайратланарли функцианал хаққонийликшакли, дунё хеч бир ортиқча,шунчаки нарса йўқ, барча маданият ходисаси ўзаро фойдали алоқадорликда кечади.Тадқиқотчилар маданиятнинг турли функцияларини кўрсатадилар. Хусуса файласуф Э.В.Соқолов маданиятни икки хил функцияга ажратади: Бутун бир жамият муносабати бўйича функцияси, иккинчи бевосита шахс билан алоқадорлик функцияси.

Э. В.Сақалов маданиятнинг асосий функциясини қуйидагича белгилайди:-оламни ўзлаштириш ва ва қайта ўзгартириш; бунда у мавжуд нарсаларни жисмоний талабларни, шунингдек ижоддаги ҳаётий қонунлар билан қондириш зарурати билан боғлиқ.

Химоя-мослашу вазифаси; жамиятва атроф муҳит ўртасидаги мувофиқликни сақлаш. Ушбу функция узоқ вақт қийин шароитларда барча

химоя воситаларини ишлаб чиқишда ва куўниктиришда (олв,турар жой,кийим,деҳқончилик ва бош.) одамнинг омон қолишини таъминлайди. Кейин вақтларда ўта жиддий бўлиб турган муаммо одамлар жамиятининг тўҳтатиб бўлмайдиган бузғунчилик харакатидан табиатни химоя қилувчи воситаларни яратиш,бунда экологик мезон, экалогик тафаккурнинг кенг кўламда ёйилишнинг амалга ошириш зарур. Сигнификатив функция (белгилаш рўйхатга олиш мазмунида):-мазмун,маъно,ном,белгилар қўлламини ишлаб чиқиш воситасида дунёнинг қиёфасида,воқелик белги тизимининг яратилиши. Сезгилар ҳам, ташқи идрок ҳам,натурнинг бевосита кечинмалари ҳолидаги йиғиндиси ҳам йўналишини аниқлаш тизимини инсонга аниқлаб бермайди.Бу вазифани маълумотларни ўзида сақламасдан, назарий моделлар ва аҳборатлар билимини тўплашни вужудга келтириш учун фақат материал бўлиб хизмат қилувчи мазмун бажаради.Ахборотларни ўзлаштириш ва йиғиш,хабарларни йиғиш ва сақлаш воситаситабиий хотира ёки нарсаларга ёзиш (қўлёзмалар, картиналар,пластинкалар китоблар, кинотасмалар, оҳанграбо рақамли ёзувлар)бўлиши мумкин. Хар қандай холатда аҳборотларни ташкил қилиш унинг қадри ва мазмуни бўйича тартибга солишнинг маълум усули ва белгилари зарур. Ҳозирги даврда тил белгилар тизимининг кенг кўлами ва ўта аҳамиятлиси бўлиб қолмоқда.

1) Коммуникатив(алоқа алмашув)-моҳиятни аниқлашда билимлар, фикрлар,маънавий кучларни алмашлаш. Ижтимоий ҳаёт доимий равишда энергия, аҳборот,ўзаро амалий хукмронлик тақоза қилади, негаки, фақат турли типларнинг муносабати (анъанавий,функцианал аҳамиятли, шахсиятлараро, ишлаб чиқарувчи маърӯфий маданий) жамиятнинг тузим сифатида мавжудлигини унинг кейинги тараққиётини таъминлашга қодир.

2) Нормативлик (мезон меъёрий) кишилар хулқини тартибга солиш, уларнинг кучини бир меъёрда ва жамиятнинг бир бутунликда сақлаш мақсадида мувофиқлаштириш. Меъёр қоида қандайдир харакат ёки предметлар, нарсаларни яратиш соҳасида яратиш, аниқ кўрсатмадир. Онгли равишда ўрнатилган ёки кўп асрлик анъаналарга таянувчи,мажбурий тақиқиловчи меъёрлар мавжуд (хуқуқий,

аҳлоқий-этикавий меъёрлар), бироқуларнинг мазмуни бор жамиятни барбод қилмаслик учун кишилар фаолиятини тартибга солиш,аниқ чегаралар билан белгилаш.

Руҳий ёки «лойиҳавий» мўтадиллик-байрамлар, диний маросимлар,ўйин тамоша жараёнларида руҳий зўриқишларни бартарафқилиш. Қониқарсиз истаклар,рўёбга чиқмайдиган ниятлар, амалда тақиқиланувчи мавжудлиги руҳий зўриқишлар пайдо бўлишига олиб келиб, нафақат маълум бир шахс саломатлигига зарар етказади.Балки оммавийлик касб этиб,жамитя харакатини издан чиқариш мумкин. Шунинг учун маданиятда кераксиз хиссиётдан халос бўлиш меҳанизми ишлаб чиқилган.

Маданиятнинг қуйидаги функциялари бевосита шахс билан боғлиқ:- «Гоминизация» уруғдош хусуситяларни ўрганиш. Маданият «ақлли одам» учун хос бўлган-нутқ,нарсаларин рамзий ифодалаш (ёки мавҳум тафаккур) хусуситяларини ҳарбир одам ўрганишига имкон яратади.Социализация(умумлаштириш)-жамият ҳаёти учун унинг хақиқий аъзоси сифатида зарур ҳисобланган маълум миқдордаги шартларини ўзлаштириш. Бу функция идрок, тафаккур, нутқ сўзларини қўлланилиши, оҳанг, имо-ишора ва шама,типик ходисалар муносабат тарзи, шунингдек, талаб вақадирият йўналишлари тизимининг шаклланитириш каби андазавий усулларининг мустахкамлашиши билан боғлиқ.

-Инкультурация-аввало ўз халқининг, умуминсоний маданий меросга (аралашиш) муносабатда бўлиш.

-Индивидуализация-маданият маълум шахслар қобилияти, иқтидори, хусуситятиниўта ривожлантиришга мўлжалланган. Шахс маданияти қолган барча маданиятлар доирасида –(жамият инсоният)энг асосий бўғин бўлиб,бу ҳар бир аниқ шахслар маданиятининг баркамоллик даражасидан жамитя ёки бутун инсоният маданияти билан боғлиқ бўлишини билдиради.

Ҳар қандай жамитя маънавий маданиятнинг таркибий қисми,бой билим олами бўлиб, у инсонни қаерда яшаши ва харакат қилишини, умуман, дунёдаги ва жамитядаги ўрнин белгилашга ёрдам беради. Маданий қадриятлар инсон учун ўта

шахсий моҳият вамазмун касб этиб,инсон у орқали бошқакишилар билан, бутун жамитя билан муносабат ўрнатади. Қадриятлар жамиятга манзур бўлувчи аҳлоқ шаклларини яратишда ва англашда инсонга ёрдам беради. Тахинга лойиқ жойи шундаки,инсонда бошқаларга нисбатан мунозарали эмас, балки мулойим муносабат шаклланади. Мунозаралар туғилган ҳолларда жамиятни мустаҳкамлашга муносиб бўлган бартараф қилишнинг қулай усуллари топилади.

Қадрият тушунчаси маданиятшуносликнинг асосий тушунчаларидан.
Айрим тадқиқотчилар уни даврнинг эҳтиёжини белгилайди, яъни, тарихий хусусият касб этади деб ҳисоблашади. Бошқа бир тадқиқотчи Рикертаксинча қадрият, доимий унверсал хусусиятга эга дейди. Ниҳоят, Т. Парсонис қадриятни-меъёрий андоза деб атайди. Мазкур турдли хил, қарама-қарши фикрлардан қадриятнинг маъноси кўп қиррали эканлиги англанади.

Қадрият кишилар ҳаётида ўта аҳамиятли ходисадир. Уни маданият соҳалари рўёбга чиқарган ход
иса сифатида бооғлиқликда англаш мумкин. Моддий нуқтаи назардан қадрият хусусий(яъни оддий хис қилиш органи)-буҳаётий, маиший, техник қониқиш,қадрият ва бошқа маънавий-илмий,аҳлоқий эстетик, диний ва бошқаларгабўлнади. Айрим қадриятлари (хўжалик,техник,сиёсий) тарихий хусусият касб этиб, яънимаданият,давр ўзгариши билан улар ҳам ўзгариб туришини батафсилроқ ўрганиш чоғида аниқлаш қийин эмас,бошқа қадриятлар эса универсал хусусиятга эга.

Юқорида такидланганидек қадрият ижтимоий фаолятни тартибга солиб,индивидлар, гурухлар ва жамиятнинг муҳим ютуқларига эришувини белгилайди. Ижтимоий қўлламдагимазмун даражаси бўйича қадрият узвийликка эга. Қадриятнинг дастлабки даражаси оддийлари орасида ажратган аниқ нарсалар,холатлар, харакатларнинг афзалликлари билан боғлиқ. Иккинчи даражаси эса маълум индивидга яқин бўлган ижтимоий гуруҳлар қизиқишига мос келувчи образлар харакати ёки фаоллиятнинг танланиши билан боғлиқ. Учинчи даража бу энг юксак умуминсоний мақсадларга танланиш бўлиб, бунда эзгулик,хақиқат,гўзаллик, адолат, тартиб, бойликка қарама-қарши ёузлик, ёлғон,

хунуклик,бетартиблик,қашшоқлик мужассамлигида намаён бўладиёки бу тағдир билан боғлиқ ўта юксак танлаш ҳисобланади.

Қадриятларнинг исрархияга асосланга мураккаб тизимида индивиддаги сингари турли тоифадаги умумийликнинг ҳам ўзига хослигиасосий такрорий ва четдаги,устунлик холатидаги тарзларга ажратиш мумкин.Қадриятлар рўйхати хар бир жамиятнинг милий ва ўзига хос цивилизацияси билан боғлиқ холда кескин фарқланади. Ҳамма даврларда барча халқларда энг юксак қадрият эзгулик, ҳаёт, меҳнат, севги,хақиқат, бахт сингари мезонларда ифодаланган.

**Мавзуга доир таянч сўзлар ва иборалар.**

Маданият, инсон фаолияти, руҳий фаолият, маданият концепциялари, маданиятнинг белгилари

**Назорат асволлари**

1. Маданият тушунчасига берилган таърифларнинг хилма-хиллигини қандай изоҳлаш мумкин?
2. Маданият тушунчасига берилган таърифларни илмий адабиётларда учрайдиганларидан мисоллар келтиринг.
3. Маданият консепцияларининг қайсиларини биласиз?

**Тест саволлари**

1. Ҳозирги адабиётларда маданиятнинг нечта дефиницийси мавжуд?

А) 600

Б) 5 та

С) 250 та

Д) 500 дан зиёд

Е) 100 дан зиёд

2. Маданият семиотик консепциясини аниқланг.

А) Ахборот белги концепцияси

Б) Инсоннинг сифатли тавсифи

С) Маданиятнинг моҳияти

Д) Моддий ва маънавий қадриятлар

Е) Шахсий-атрибутив концепция

**Мавзуга доир адабиётлар**


1. И. А. Каримовнинг основнў принципў общественно-политического и экономического развития Узбекстана. Ташкент. «Узбекистан». 1995.
2. Абдуҳалиқов С. Маданият тарихи ва унинг асосий масаласи, Тошкент.1998 й.

3. Аҳмедова э., Габидулин Р., Културология, миравоя культура. Тошкент. 2001 й.
4. Гуревич П. С. Культурология. М. «Знание», 1996.

Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. Тошкент. «Янги аср авлоди».


## 3-Маъруза мавзуи: Маданий ва маърифий мерос

Маърузанинг мақсад ва вазифалари: айрим халқ,этнос ва бутун инсониятга мансуб маданий мероснинг аҳамиятини очиш, маданий изчилликнинг қонунийхаракат меҳанизмини кўрсатиш, маданий мероснинг жамиятни маънавий янигилаш ва миллий мафкурани шакллаантириш жараёнидаги аҳамияти ва моҳиятини алоҳида такидлаш.

**Маъруза режаси:**

1. «Маданий мерос» тушунчасининг мазмуни.
2. Маданий мероснинг меҳанизми.
3. Ўзбекистон жамиятни маънавий янгилаши жараёнида маданий мерос.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида ва жоҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш мақсадидасиёсий,ижтимоий,иқтисодий сооҳаларни янгилашга харакат қилмоқда. Кишилар тафаккурида қайта ўзгариш янги миллий мафкура-мустақиллик мафкурасини яратиш жараёнлари кечмоқда. Бу жараёнлар XXI асрга ўтиш палласида амалга оширилмоқда. Бухақда Ўзбекистон президенти И. А. Каримов Олий мажлиснинг XIV сессиясидаги нутқида айтган гаплари ўта ибратлидир: «Бу фикр маданий ва маънавий

меросимиздаги муаммоларни хал қилишни бу масала бўйича тасаввургат эга бўлишимиз зарурлигини англатади.

Маданий мерос-бу ўтмишдан қолган қадриятлар, ғоялар.тажриба билимлар уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларинг ижодий фаолият усуллари вауни ташкил қилиш ҳамда унинг натижалардир.

Эришилган ютуқлардан келиб чиқиб жамият ўз мақсадларини амалга оширишни қисқа йўлларини танлайди. Бундан ташқари маданий мерос кишиларнинг савиясини бехад кенгайтиради,улар ҳаётини ақлий ва хиссий жихатдан бойитади ва билимнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўтмиш билан батамон узилиш мумкин эмас. Инсоният тарихида мутлоқо янги маданият яратишга уринишлар бўлган, бироқ бундай уринишлар хунук натижаларга олиб келган. Бунга 1920-йилларда  совет Россияда «Пролетар маданияти» ни яратишга уринишни ёки  «маданий инқилоб» мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу инқилоблар жараёнида янги маданиятлар яралмади, аксинча бори ҳам йўқ қилинди: Қўлёзмалар,китоблар,суръатлар ёқилди; меъморий ёдгорликлар бузилди,энг ачинарлиси маданий қадрият эгалари халок қилинди. Оқибатда ўтмиш билан боғлиқ узвийлик бузилиб жамият орқага кетди.

Маданиятнинг меъёрий ривожланиши уни асраб келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришини билдиради. Бироқ бужараён оддий ва бир хилда содир бўлмайди. Маънавий қадриятлдарнинг мундарижаси,уларни қайта кўриб чиқиш, қайта бахолаш, уларнинг ўзаро боғликлик усуллари, муносабат типлари билимларни асраш ва узатиш ҳаёт меъёрлари, дил мазаси,воқеаликни эстетик идрок қилиш хусусяти ўзгармасдан қолмайди,улар узлуксиз харакатда бўлади.

Мерос серқирра ва кўп қиёфалидир. Унинг аниқ намаён бўлиш типларнинг кўплиги,тенденциялар хилма-хиллиги фарқланади. Хар бир янги авлоднинг ворислик механизми ўтмишдошларнинг тажрибасидан маданиятнинг турли соохаларида фарқланади: Санъатдаги ўлчам фандагидан бошқача, табиий фанлар гуманитар фанлардан фарқлиМеро ҳар қандай соҳада инсоннинг хақиқий ўзлаштиришида намаён бўлади ва маҳаллий ёки дунё миқиёсидаги жараёнлар шаклида ҳам ифодаланиши  мумкин.Бу фаолият маданий босқичларда бир

меъёрда текис йўналиш шаклларида бўлмай,унинг бир босқичдан иккинчи босқичга сакраб ўтиши нотеки бўронлар хусусиятига эга.Инониятнинг маънавий ютуқларини мерос қилиб қолдиришга ворислик шаклда жарёнлар муффасал йўналишида амалга ошади. Масалан қадимги миср заковати «инжил», «бибилия», «1001 кеча эркаклар» каби маданият ёдгорликларига ижодий таъсир қилади. Яна ер юзидаги барча халқларнинг замонавий билим соҳаларига замин бўлган Бобил астрономияси, хинд математикаси, антик фалсафа, Рим хуғуғи хағида ҳам шундай гапириш мумкин.

Агар маданият ва маънавият соҳалари таркибида тил, удумлар,анъаналар вабошқалар бўлса маълум халқнинг маданият тарихи доирасида мерос қолдириш жараёни яхшироқ кечади. Бошқа сохаларда эса-техника,фан, санъат каби соҳалардаги бир халққа тегишли мерос бошқа халқларга ҳам тегишли мулкга айланади.

Кейинги авлодларга мрос қолдириш учун маданиятда белгиланган усул ва механизим мавжуд. Улардан баъзилари қадимдан мавжуд бу намойиш қилиш оғзаки узатиш фольклар санат бошқа усуллар кейинроқ пайдо бўлди. Бу кино манавий меросни фойдаланиш имкониятларини ўзгартириш шароити бир хилда эмас. Улар ижтимоий иқтисодий сиёсий ғоявий омиллар билан белгиланади. Бу омиллар мероснинг хажми танлаш хусусияти интенсивлигига боғлиқ. Бизга маълумки совет жамиятида коминистик ғоя хукумронлиги даврида халқлар хусусан Ўзбекистонда хам ўзининг хақиқий тарихий миллий ва манавий меросидан махрум этилган эди. Умуман маданий меросдан мут лақо махрум бўлган ёки фойдаланмаган жамият ёки халқлар тарихда бўлиши мумкин эмас.

**Маданий мероснинг механизми қуйидаги хусусиятларга эга.**

1. Маънавий мероснинг узвийлиги. Аждодлар яратган жаъмики бойликка янги авлод меросхўр бўлади, тарихий аҳамиятини йўқотган маданият ўрнида яна вужудга келади, булардан кўп нарсалар ўзлаштирилади. Ўтмиш тажрибаси бугун ва келажак учун ҳар доим асқотиши мумкин, шунингдек, бугун ўтилган нарсалар

бутунлай йўқолиб кетмайди. Масалан, В. Шекспир юз йилгача унутилиб кейинги авлодлар учун жаҳон адабиёти ва драматургиясининг классиги сифатида танилди.
2. Ўтмишдан келажакка ўтиш жараёнида мероснинг ўзгариши. Маданий мерос бугунги ўтмиш даврида хусусияти ўзгариши мумкин. Яъни, бугун хукумрон бўлган нуқтаи назар ва билимлар талабига мос келувчи янги талқиндги мазмун касб этади. Мана шундай кўринишда келажакка мерос бўлиб ўтади. Бизнинг кунимизгача Суқрот ва демократ асарларни асил нусхаси сақланиб қолмаган, бироқ хар бир авлод уларнинг ғоясини ўзи учун янгитдан кашф қилади ва уларнинг фалсафасини талқин қилувчи минглаб китоблар яратилади.
3. Ўтмишдан қолган барча нарсалар бутунлай ўтмайди, балки янги давр талабига рухига жавоб берувчи, мохиятга зарур нарсаларгина олинади. Ҳозирда эскирган ва керакмас деб хисобланган нарсалар, келажакда балки янги мохият ва муҳим аҳамият касб этади. Алла қайси даврда қолиб кетган кийиниш усули кутилмаганда одатга айланиши мумкин. Янги ҳаёт қадим донишмандчилигидан ғоя олади.

Ҳар бир этнос, халқ ўзининг мустақил, бетакрор, бехат ноёб маданиятига эга. Халқлар ҳаётининг минтақий тарихий ўзига хослиги ҳар бир халқ маданиятининг ривожланиши учун шароит яратиб беради, у ёки бу этнос ҳаётининг сақланиб қолиши ва барҳаётлигига имкон туғдиради. Шу тарзда миллатлар олами-умумий коинот шаклланди, унда инсон ва уни тарихан ўраб турувчи табиат уйғунлашиб этносларнинг ижтимоий руҳиятига таъсир кўрсатади, миллий хусусият шаклланди ва унинг амалий фаолият йўналишини аниқлайди.

Мана шу бошланғич маданият оламида инсон туради, у ерда унинг ўрни мақсади шаклланади, унинг диди, ҳаётий орзуси пайдо бўлади. Инсон маданиятларга меросхўр сифатида миллий мулкини ўзлаштиради. Намунавий хулқ қадриятларини асрашда ва келажакка қолдиришда жамиятда одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, аниқ барқарорлик бўлиши зарур. Маданиятнинг мавжудлиги ва ривожланиш анъанасида, маданиятларни асраш усулида бу барқарорлик бор.

Анъана, маданиятда янги одатлар билан уйғунлашиб кетади. Инсонга нафақат билим, фаолиятида анъанавий ибратлар ва яхши ўзлаштирилган маҳорат ва кўникма ҳам зарур. Бироқ ижодкорларнинг бошланиши фикрлаш жихатидан дастлабки эслаб тасвирлашда кўра сермахсулликни вужудга келтиради. Маданиятнинг ривожланиш жараёни ижодкорликнинг субъекти саналган шахснинг шаклланиши жараён билан бирга кечадиган ходисадир, яъни, инсон нафақат жамитяда мавжуд бўлган маданий меъёрлар, анъана ва иборалар балки маданий жараёнларнинг ривожланиб бориши ҳам қўллайди.

Юқорида таъкидланганидек миллий маънавий мерос муамммоси мамалакатимизда жамият учун ўта муҳимлик касб этмоқда. Чоризм мустамлакачилиги даврида Туркистон халқларининг маданиятига улар қалоқ маданият деб паст назар билан қаралган. Кейин советлар даврида Ўзбекистон халқининг маданий меросига бир ёқлама муносабат хукмронлик қилди. Тарихий хақиқат, адабиёт ва санъат асарлари «синфий кураш», «халқчилик» каби ғариб назарий билан баҳо берилди. Фақат коммунистик ғояга мос келувчи нарсаларга ютуқ сифатида қаралди, қолган барчасига хато деб ёки мутлоқо кишилар хотирасиддан ўчириб ташлашга уринди.

И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида такидланганидек идиалогиянинг ўта қатъий исканжасига қарамасдан Ўзбекистон халқи ўзиниг тарихий ва маданий қадриятларини сақлаб қолишга муваффоқ бўлди. «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан, давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифа аждодларимизнинг кўп асрлик буюк, бебаҳо маънавий маданиятини тиклаш бўлди.

Жамитятимиз жадал тус ўззгаришлар холатини бошдан кечирмооқда. Бундай даврда хар кишига мустаҳкам таянч зарур. Фақат миллий ғоя шунда таянч бўлиши мумкин. Фақат миллий ғоя ислохатлар йўлида мувафоқиятли бориш миллатни бирлаштириши ва жинслаштириши мумкин. Ўзбекистоннинг келажаги тўғрисида

И. А. Каримов ўзининг мулохазаларида биринчи даражали қилиб миллий ғояни шакллантиришни қўяди. Унинг асосида халқнинг хақиқий тарихини

қайтариш, миллий анъаналани тиклаш, маданий ва маънавий меросни уйғотиш ётади. Худди шу ғоя XXI асрда Ўзбекистоннинг озод фуқароларининг маънавияти шаклланишида катта аҳамият касб этиб, ўз ватанини гуллаб яшаши учун бор кучини аямасдан ўзхалқининг ўтмишидан фахрланувчи миллат вакиллари учун хизмат қилади.

Ўзбекистон халқининг маданий мероси минг йиллар давомида яратилган. Унда турли даврларда Ўзбекистон худудида эътиқод қилинган зардўштийлик, ислом ва бошқа динлар яратган маънавий аҳлоқий қадриятлар мужассамлашган; Унда бутун дунёни машҳур ал-Бухорий, ат-Термизий, Б. Нақшбандий, А. Яссавий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, А. Навоий каби кўплаб буюк мутафаккурларнинг билими ва ғоялари мужассам, бу меросда Амир Темур ва Бобурнинг давлатчилик ва сиёсий қурилиш тажрибалари, буюк меъморчилик ёдгорликлари, тасвирий санъат, Мусиқа, амалий санъат асослари: халқ урф-одатлари ва анъаналари, миллий спорт турлари уйғунлашди.

Мустоқиллик йилларида халққа унинг маънавий маданий бойликларини кўрастиш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Дастлабки энг муҳим қадам «Ўзбек тили ҳақидаги» қонуннинг қабул қилиши бўлади. Бу билан ўзбек тилидаги халқнинг бебаҳо маданий ва миллий бойлиги мақоми тикланди. Бухоро ва Хива шахарларида меъморчилик ёдгорликларини таъминлаш борасида фаол ишлар олиб борилиб, ёдгорликлар шу даврда жаҳон аҳамиятидаги мақомга эга бўлди. Бу шахарларни 2500 йиллиги Тошкентнинг 2000 йиллиги каби катта тантана билан нишонланди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан миллий маданиятни асровчи янги музейлар қурилмоқда. Темуурийлар даври тарихий музейи. Олимпиа шон-шарафи музейи, Ўзбекистон тарихий музейи янги мазмунда бойтилди, мақомчилик музейи ва бошқалар дунёга машҳур бўлди.

Халққа ўз тарихи ва хотираси қайтарилмоқда. Миллий ва жаҳон маданияти ривожига улкан хисса қўшган ватандошларимизни хизматлари ҳақида юбилей тантаналари ўтказиилди. Ўтган йилларда Новоий, Бобур, Қодирий, Беҳзод, А. Фарғоний юбилейлари нишонланди. Алохида тантаналар билан халқаро миқиёсда Улуғбекнинг 660 йиллиги, А. Темурнинг 660-йиллиги, Имом Бухорийнинг 1225

йиллиги ўтказилди. Яқинда Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик таваллуди ва «Алпомиш» эпосининг 1000 йиллиги кенг нишонланди, Айниқса қатағон қурбонларини бегунох хотирасини тиклаш катта аҳамиятга эга бўлди. Улар орасидаги кўплаб маданият арбобларинг номлари бор: Жадидичилик харакатининг йўлбошчилари, шоир ва ёзувчилар-Мунавварқори Абдурашидхонов, А. Фитрат, А. Чўлпон, Размий Боту ва бошқалар. Миллий анъаналарни тиклаш бўйича ҳам кўплаб ишлар қилинди. Наврўз, хайит каби қадимги халқ ва диний байрамлар расман ҳаётга қайтарилди. Хайр мурувват удумларини давом эттириш ва ёш авлодни баркамол ўстириш мақсадида Ўзбекистон республикаси соғлом авлод учун жамғармасини ташкил қилиб, дастлабки орденини ҳам атади. Ногирон болалар учун «меҳрибонлик» каби саҳоват фестивали мунтазам шундай ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистонда халқаро кино-театр ва шарқ тароналари каби мусиқа фестваллари ўтказиш анъанага айланиб қолди. Халқ бахшичилик санъатига эътибор кучайиб Республика конкрислари ўтказилди . Шунингдек миллий куришимиз халқаро мақомга эга бўлиб, биринчи жаҳон чимпианати ўтказилди. Халқ ичида яна бир хурматга эга бўлган касб эгалари ўқитувчилар бўлиб, улар ёш авлодни тарбиялашда мухим аҳамитяга эга. Давлатимиз улар меҳнатини қадрлаб, ўқитувчилар кунини байрам қилиб белгилади.

Юқорида таъкидланганидек маданий қадриятдаридаги ворислик жараёни нафақат миллий маданиятлар ривожидаги ворислик бўлмай, балки бошқа халқлар маданиятидаги ютуқлар умумлаштиришдан ҳам иборатдир. Марказий осиё минтақасида яшовчи халқлалрнинг маданияти қадим замонлардан Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан яқин маданий алоқалар асосида ривожланган. Маданий ҳамкорликнинг кенг кўлами, этник ва диний мазмундаги чекланганлик ватанимиз маданиятининг асосий хусусиятидир. Ҳозирги даврда ҳам милий маданиятни тиклашга асосий эътиборни қаратган ҳолда Ўзбекистон халқи жаҳон маданияти ва цивилизасиясини замонави ютуқларини эгаллашга харакат қилиб, жаҳон маданияти ривожига хисса қўшмоқда. Бу борада жадал амалий ишлар қилинмоқда: халқаро конкрис ва фестиваллар ўтказилди, Чет мамлакатлар

маданият куйлари, санъат асарлари кўргазмаси намоиш қилинди, хинд маланияти маркази, француз маданият уйи сингари доимий фаолият кўрсатувчи маданият марказлари очилди, ўз ўрнида Ўзбекстон маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари назарий асослаш ваунинг жаҳон маданиятидаги ўрнини муносиб баҳолаш иштиёқи ҳам кучли. Бунинг далили сифатида «Мирзо Улуғбек ва унинг жаҳон цивилизациясига қўшган хиссаси» (1995). «Ўрта осиё ва жаҳон цивилизацияси» (1998). Каби мавзуларда ўтказилган мавзуларда халқаро конфренция ва семинарларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон ўзининг бой маданий анъаналари ва жаҳон маданияти жараёнларидаги фаол иштироки унинг халқаро миқиёсдаги мавқеи тобора ошмоқда. Бунинг яққол мисли 1997 йилда ЮНЕСКО ижроя кенгаши аъзоларига Ўзбекистоннинг сайланиши ва 1998 йил и15-ноябрда Тошкентда ЮНЕСКО ижроя кенгашининг 155 сессиясининг ўтказилишидир. Нда ўзбекистоннинг таклифи билан

«Жаҳон маданият ва ЮНЕСКО нинг аъзо давлатларидаги фаолияти» деган хужжат қабул қилинди. Жаҳон маданиятининг адралмас қисми ҳисобланган миллий ва маданий меросни асраш ва ўрганиш режаси бўйича Ўзбекистон ЮНЕСКО билн ўзаро муносатларини кенгайтириш ва Республикада замонавий таълим тизимини такомиллаштириш мўлжалланилган.

**Мавзуга доир таянч сўзлар ва иборалар.**

Маданиятнинг тузилиши, моддий маданият, ижтимоий маданият, маънавий маданият.

**Назорат саволлари**

1. Маданиятнинг тузилиши нима?
2. Моддий маданиятнинг асосий категорияларини номлаб беринг?
3. Маънавий маданиятнинг қандай турлари мавжуд?
4. Маданиятнинг асосий вазифаларини аснаб ўтинг ва уларни тушунтириб беринг.

**Тест саволлари**

1. Маданиятнинг гносеологик вазифаси деганда нимани тушуниш

Мумкин?

А) Жамиатда тартибни ўрнатиш

Б) Инсоннинг жамиятни ва табиатни ўрганиши.

С) Тадқиқот масаласи

Д) Ахборот алмашиш

Е) Техникадан унумли фойдаланиш

2. Одамларнинг ўзаромуносабатда бўлиши, оилавий муносабат, маиший турмуш, таълим, маориф, спорт соҳаларининг фаолияти каби маданиятнинг қайси туркимига таалуқли?

А) Моддий маданият

Б) Сиёсий маданият

С) Маънавий маданият

Д) Ижтимоий маданият

Е) Тарихий маданият

**Мавзуга доир адабиётлар**


1. И. А. Каримов Истиқлол ва маънавият. Тошкент. 1994.
2. Абдухалиқов С. Маданият тарихи ва унинг асосий масаласи, Тошкент. 1998.
3. Аҳмедова э., Габидулин Р., Културология, миравоя культура. Тошкент. 2001 й.
4. Гуревич П. С. Культурология. М. «Знание», 1996.
5. Гриненко. Хрестоматия по истории культурў.
6. Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. Тошкент. «Янги аср авлоди».

# 4-Маъруза мавзуи: Архаик (ибтидоий) маданият

## Маърузанинг мақсад ва вазифалари:

Инсониятнинг барча кейинги лавридаги маданият тарққиётининг ибтидоси бўлмиш архахик маданиятнинг аҳамиятини кўрсатиш.

Маданиятнинг пайдо бўлиш жараёни аниқлаш;

Моддий ва маънавий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши, ибтидоий одам дунёқарашини ўзига хослиги, борлиқни англашнинг дастлабки муракаб шаклини пайдо бўлиши;

Ўзбекистон худудидаги архаик маданияти

ҳақида тасаввур бериш.

РЕЖА:

1. Архаик маданиятнинг дастлабки намуналари.
2. Сўнги полеолит даври маданияти.
3. Янги тош асри (неолит) маданияти.
4. Жез даврида янги трдаги маданиятнинг шаклланиши.

Архаик ёки ибтидоий маданят- мавжу инсоният маданиятнинг ибтидоси ваунинг узоқ давом этган давридир. Бу давр инсонияти тарихи умумий қўлламини 99% ини қилган ҳолда замонави маданиятга беқиёс таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ўша вқтда вужудга келган архиак маданиятнинг айрим кўринишлари бўлмиш фикрлаш тарзи, феъл атвор ҳозирга қадар йўқолган эмас. Инсоният ҳаётининг кейинги бошланғич даври кейинги барча ўзгаришлар замин тўғдиргани бу даврни ўрганиш инсонят эволюцияси асосларини, унинг маданияти негизини тушунтириш вашархлашга ёрдам беради.

Ибтидоий босқичдаги маданият ривожининг қиёфасини қайта тиклаш ўта қийин вазифа. «Шахсий гувоҳнома, таржимаи хол, қиёфадан маҳрум, сукунатдаги ўтмиш, ходисасиз, «узоқ»

(Ф. бродель) «Мудрок» (Э. Леруа-Ладюри) тарих учн идеал наъмуна касб этиб, табии-илмий мантиқни яратиш,усуллар миқдори ёки ижтимоий- иқтисодий

тушунчалар ва дастлабки (ибтидои жамоа) ижтимоий тузим таълимоти изохлаш учун мўлжаллангандир» (Културология 1998).

Олимлар тўплаган маълумотлар 4 хил бўлиб:

1. Анторопологик ва арҳеалогик топилмалар- ибтидоий одамнинг жисмоний вамаданий ривожланишини,овчилик жамоасининг турмуш тарзини ёруғ оламга чиқарди. Бу маълумотлар ўзига хос белгилари билан эмперик (тажриба) таҳлилни юзага чиқаради ва ибтидоий босқични умумий қабул қилинган тавсифига асос солди:

2. Палеолит- қадимги тош асри.

3. Неолит янги тош асри.

Полеолит босқичининг ўзи ҳам илк ва сунги юқори даврларга бўлинади. Шунингдек, полеолит ва неолит босқичининг ўртаси мезеолит-ўрта тош асри даврига бўлинади.

4. Этнографик маълумотлар-замонавий халқлар ва ҳозирги вақтда овчилик ватермачилик билан кун ўрувчиларнинг ҳаёти ҳақида. Бумаълумотлар сақланиб қолган архиак маданият кўринишининг этник, ижтимоий ва руҳий ўхшашликлар бўйича қайта тиклашга ёрдам беради.

Тош асрининг даври бундан 2,6 млн. йилдан (кефиянинг Рудольф кўли соҳилидан топилган қадимги тош қуроллари) то эрамизгача 2000 йилгача мехнат қуролларни жездан тайёрлай

Бошлаган даврдгача) бўлган вақтни ўз ичига олади. Ўз навбатида полеолит босқичидаги энг узоқ давр полеолит бўлиб, бундан 40-35 минг йил олдин тугайди. Илк полеолитда антродогонез содир бўлиши қазиб топилган гоминит Қолдиқларининг алоҳида турлари яшаган даврлар учун хизмат қилади. (Зинжантроп,астралопитек, питекантроп, синантроп, неандертал ва бошқалар) шунингдек, маданиятнинг алоҳида илк наъмуналари вужудга келди, қўпол тош қуроллари тайёрлаш (кесгич, тош найза, қирғич) оловдан фойдаланиш,оддий турар жойларнинг қурилиши, муомала воситаларининг ривожланиши, атроф муҳит дастлабки мураккаб тасаввурларнинг вужудга келиши.

Дицентризм фарази инсониятни пайдо бўлиши икки ўчоқ-Африка ва Осиё билан боғлайди, Зеро ҳозирги вақтда энг қадимги одам қолдиғи ҳам Африка минтақасидан топилган. Марказий осиё, хусусан Ўзбекистон худудида гоминитлар ҳам худди илк бор полеолит даврига оиддир. Археологик У. Исмоилов Селунғир ғоридан «фергантроп» қолдиғини ёёши 700 минг йилга тенг.

Илк полеолитнинг охирги даври кўпинча алоҳида даврга ажралиб ёки мусте деб номланади. Бу қонуний ходиса бўлиб, мустье даврида маданий ижодкорлик жараёнининг ўсиши сезилади, яъни бу даврда неандерталлар пайдо бўлди. Неандерталлар худудларга тарқалиб мураккаб ва турли хил қуроллар тайёрланган, энг муҳими улардан маълум маросим ва маданиятни ривожлантириш бошланди. Неандерталлар яшаган ғорлардан айиқнинг бош суяги топилган, махсус ўрнатилган бош супа оловдан қорайган, унда маълим бир маросим ва ўтказилган. Неандерталлар қабри кўпинча шарққғарқ йўналиши бўйича жойлашиб, мурда ёнбош ухлаётган холатда, тизалари энгагига қайрилган,ёнига тош қуроллар қўйилган. Бу маросим удуми ўлимдан кейинги ҳаёт мавжудлиги ҳақидаги тасаввурнинг маданиятдаги энг мухим қадимги ва барқаро пайдо бўлганлигидан далолат беради. Неандертал қабри Ўзбекистоннинг Тешиктош ғоридан (Сирдарё вилоятидан) ҳам топилган, шунингдек, ўша даврга оид бўлган кўплаб манзилгохлар очиб органилган (Оманқўтон, Зирабулоқ, Обираҳмат, Қўлбулоқ, Учтут ва бош).

Илк полеолитда малданий мушитнинг мавжудлиги алоҳида жойлар билангина чегараланса сўнги полеолитда эса маданият тизими сифатида шаклланади. Сўнги полеолитнинг бошларида гоминит эвалюцияси замонавий «ақлли одам»тури пайдо бўлади. Сўнги полеолитда турли-туман тош ва бошқа қуроллар нотекис тарзда кўпайиши натижасида таркибий қуроллар-тасма, учлик,шунгдек тўқимачилик пайдо бўлади. Нихоят, дастлавки тартибли ижтимоий ташкилот уруғ ташкил топди. Бу инқилобнинг махсули инсонларнинг антропологик, руҳий физологик, руҳий ижтимоий ва маънавий бирлиги бўлиб, инсонлар уюшмасини иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, тил, маънавий ривожланишидаги тафаввутларга қарамасдан тарихда сақланиб қолди.

Гоминитнинг уч(йиллик эволюцияси) миллион йиллик эвалюциияси нихоясидаги кучли эврилиш натижасида англаш, нутқ, дин, санъат, вужудга келади. Архиак маданиятнинг хусусияти ҳақида уни хақли равишда «гомо сапиенс» яралганлигига этнографик ва археологик маълумотларга асосланиб тасаввур қилиш имкониятларига эгамиз. Биринчи навбатда биз, ибтидоий одамнинг ўзига хос фикрлаш хусусияти ҳақида хукм чиқаришимиз мумкин.

Ибтидоий одамнинг фикррлашини аниқлаш, таъсирчанлик бутунликда фарқланади. Ибтидоий одам аста секин турли ташқи ходисаларни сеза бошлайди. У иссиқ ва совуқни, тўқлик ва очликни, яхшилик ва ёмонликни хис қилади, ёруғлик ва қоронғуликни ажратади. Ходисаларни рўй беришини кузата бошлайди. О. Фрейденберг айтганидек, унда кузатиш таъсироти устун бўлган. Иб тидоий оамнинг тасирчан аниқ, тасаввури хали ходисаларни умумлаштириш қоьбилиятидан йироқроқ эди. У теварак атрофдаги воқеа ходисаларнинг моҳиятини таҳлил қилмасдан фақат юзаки қайд қилади, нарса ва жараёнларга, уларнинг хусусиятларга бир хил ёндашган. Ибтидоий тафаккур учун сабабий боқланишлар ўта шартли бўлиб, қандайдир ходисанинг сабаби тез-тез қайтариб туриши натижасида вақт ўтиши билан идрок қилинган.

А. Н. Рамоновни таъкидлашича, «ёзувсиз маданиятнинг ўзига хос хусуситяти-нутқнинг ннокатегориал шалидир». Бу мустақил фаолият нинг ижодий манбаларини чекловчи жараён ҳисобланади. Инсонга керакли барча янгилик ва билим фақат фаолият жараёнида намоиш қилиш усулида берилган. Шунинг учун ибтидоий маданиятнинг маросимга ўхшаш шакллар устунлин қилади. А. Рамонов айтганидек, маросими-аниқ ва мақсадли фаолият бўлиб, уни амалга ошиши ижтимоий гурухлар нуқтаи назарида ишлаб чиқариш фаолияти каби сақлаш учун ҳам ўта муҳим хисоьланади. Маросим праматикона ва маълумот берувчи эмас, балки уларга берилаётган маълумот берилаётган маълумот эмас, балки уларга берилаётган маълумот тўлиқ ҳолда бўлиб сз ҳам, санъат ҳам аралаш холда бир бутунликда намоён бўлади.

Сўнги полеолит анимистик эътиқодлар ва сехр-жоду маънавий маданиятнинг негизи сифатида қатъий расмийлаштирди. Қадимги эътиқодларнинг шаклланиши

манбаидан табиатнинг ташқи кўриниши ва одамлар жамоаси ҳақида тасаввурларнинг уйғониб кетиши ибтидоий одам учун хос бўлган инсон ва табиатнинг субьекти ва объекти бирлиги таъсирида, эхтимол жамоа нима билан шуғулланса ўшанга боғлиқ бўлган хайвонлар, ўсимлик, тошлар, яъни унинг фаолияти доирасида нима мавжуд бўлса барчаси учрайди. Дунёда яшаётган барча сеҳргарликни келтириб чиқаради. Сехргарликни энг қадимги турларидан бир овчилик сеҳргарлиги бўлиб, ўлжа яқинлашиши билан уни тутиш машқини ўрганади. Бироқ, барча харакатлар фақат машқ билан тугамайди:- буни амалга ошириш жараёни асосий масала ҳисобланади.

Дастлабки сеҳргарлик харакатлари мазмунида тотемизм- хайвонлар аждодига топишни келтириб чиқаради. Ибтидоий жамоа турмуши, ови, уруши, хайвонларни тутиб ейиши, туғилиш ва ўлимни умуман инсон ҳаётини тотемистик, яъни, тотемлар кураши тўқнашиши орқали тасаввур қилади. Бу тасаввурлар оқибатида космогоногик манзара асос ослади, қаерда тотем-коинот борки ейди,йўқолади ва терилади, қарилари коинот ўрнига ёшлар келади. Уларнинг ўирн алмашиши ва яшариши тирилишнинг борлиги ўлимдадир.

Сеҳргарликка ўхшаш ҳаёт нафақат файдо бўлаётган тушунчаларни ўзида жамлайди, балки маданиятнинг энг қадимги шакли бўлиб қолди. Ундан ҳозирги вақтгача оламни ўзида акс этган дин, санъат, фан соҳалари пайдо .бўлди.Барчаси суякка чизиш ва нақш солиш, хайкалтарошлик, белги мухр босишбўёқли хошиялар чизиш, ғор деворларига бетартиб чизиқ шакллардан боҳланади ва натижада машҳур Альтамир, Ласко, Манотаспон ва бошқа ғорлардаги тасвир ва бошқа галереялар вужудга келади. Ғор тасвирлари табиий, аниқроғи хётий акс эттирилган,отлар, ёввоий қора молар, момантлар ўта ёрқин тасвирланган. Полеолит кишисининг тасвир фаолиятида нафосат уйғунлиги ёки расм ёзувлар (линтография) эмас, балки тасвирни «фотаграфик» тарзида ифодалаш устун бўлган. Бу тасвирлар маросим тавсилотларидир. Машҳур санъатшунос А. Арнихеймнинг такидлашича полеолит даврида ҳаётий зарур вазифани бажарган. У кишига мислсиз куч бахш этиб, тирк мавжудод нарсалардаги маъносизликларга «сеҳр бахш» этиш имкониятини эратган. Ибтидоий одам чизилган тасвирга

жониворларнинг жони ўтади, шу туфайли уларга таъсир қилиш мумкин деб ўйлаган. Архиак санъат инсонни хайвонлар рухияти билан қизиқишдаги алоҳида восита бўлиб, унда хаққоният ва маросим уйғунлашиб кетади.

Ўзбекистон худдида уни полеолит давприга оид ғояга солинган тасвир наъмуналари учрамасада, ушбу даврга тегишли 30 дан ортиқ ёдгорликлар ўрганилган, жумладан Самарқанд манзилгоҳи, Оҳангарондаги тош қуроллар, тайёрланган «устама», Кўкбулоқ ва Оқтош манзилгоҳлари.

Г. Чайлднинг таъкидлашича бундан 10 минг йилча олдин неолит ёки аграр инқилоб содир бўлади. У энг аввало, Олд Осиё ва яқин Шарқда содир бўлиб, дехқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Ўтроқ турмуш тарзи ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланиши учун шароит яратди. Тўқимачилик, қулолчилик, уй-жой курилиш пайдо бўлди. Табиий танланиш ўсимлик навлари ва хайвонлар зотининг ўзгаришига аста-секин, анъанавий такрорланувчи мувафиқликни пайдо қилди. Агар соҳа астраномик кузатишларни тартибга солишни талаб қилади. Бу даврда инсоният тафаккурининг ривожланиш мифалогияни шакллантирди.

Миф ва мифалогияни қадимги эътиқодлардан фарқи, оламдаги барча мавжуд муносабат ва қадриятларни ўзига олади. Бу ўша даврлари билишни ўзига хос назарий асоси ва махсус шаклидир. Негаки билим ёрқин-ранг-баранглик, ифодалилик, жўшқинликдир. Мифалогия дастлабки босқичда кишилар учун билим ўрганиш ва мустаҳкамлашнинг ягона манбаи ва усули эмаслиги даргумон. Бироқ, Л. С. Василев таъкидлашича, билимни мустаҳкамлаш бу мифни ўрганиш йўли билан эмас балки унинг удумлари, маросимларининг амалда такрорланиб тарқалиш содир бўлади. Миф ва маросим архиак маданиятнинг гўёки икки тамони яъни-сўздаги харакатдаги, назарий ва амалий. Мифалогик билим илмий хақиқатга маълум миқдорда даҳлдордир.

Мифалогик билимнинг иккита асоси ижтимоий вазифалари мавжуд:

1. Ушбу умумийликнинг асосий вазифаси, уларни одатий уишилар онгига киргизиш ва мустаҳкамлаш, хусусан, шаклланган қоидаларни тасдиқланган,

қунунийлаштириш ва хатто жамоани тиклаш  ва барқарорликни таъминлаш учун уларни анъанага айлантриш;

2. Жамоанинг қўрқувидан халос қилиш мақсадида ва руҳий ҳаловатни кафолатлашда атроф-муҳит билан, бутун ташқи олам  билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ва таъминлаш.

Миф оламни мавжуд ғоялардан бузилган тарзини ўзида намаён қилиб, ноаниқ ва қуруқ муҳакамаларнинг шаклланишига имкон беради яъни, даслабки даврда инсонни уни улғайиб кундалик фикрини чалғитиб хаёлий ноэти оламга оолиб киради. Миф олами жамоа бўлиб, ноъанавий хис қилишдир, негаки, шу алфозда у хар доим илк диний тасавурлар негизи ҳисобланган. Миф дунёқарашнинг зарурий , муқаррар шаклидир. Умум таъсаввурлар  умум шаклланишига сабаб бўлолмайди ва хиссий тажриба-кузатишлар учун ҳам, ноаниқ- мафҳим мулоҳазаларга ҳам асос бўлолмайди. Гуруҳлар тушунчаси энг аввало бутун бирликни ўзига қўшиб хиссий қайғуришга таянади.

Ахборотлар хажмини беҳад ўсадиганлиги уни узатишнинг янги каналларини яратишини талаб қилади. Мифларнинг пайдо бўлиши мавҳум тушунчалар вужудга келганлиги ҳақида,инсоннинг нутқиривожланаётганлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Бунга бир мисол тасаввур санъатининг ривоожланишидир: расмлар бир қатор аниқлашиб, соддалик вашартлик кучайиб боради. Тасвир кўпроқ  размийлик белги хусусиятини касб этиб, бунинг ёрдамида ахборот беришмумкин бўлади. Топилган нетроглифлар  инсонлар жамоасининг ҳаёт ходисалари ҳақида етарли, муфассал хикояларни ўзида сақ-ланиб келган. Бундай тасвирлар мисол қилиб Сурхандарёнинг Зараўтсой дарасидаги қоятош расмларни кўрсатиш мумкин. Билимларни сақлаш ва узатишининг яна воситаси жамоанинг алоҳида аъзолари, бошқа кундалик ишлардан озод қилиниб,фақат маълумотларни йиғиш, сақлаш  ва узатиш билан шуғилланган. Бундай кишилар  шаманларга айланган. Шаманларни кўп ёёши уруғ,ҳаётий билим ва тажрибалар эга табиатни кузатиб ўзлаштирган маросим ва уддумларни билувчии кишилар бўлган. Масалан шимолий Америка хиндуларининг аджидве қабиласи ва шаманлари ўз яшаётган жойининг ов қилиш шартларини хайвонларини ўзига хос феълини пухта

ўрганган, овдан қайтган овчилардан ҳар доим суриштириб ўз билимини оширади. Ўлаштирган маълумотларни шаманга тўғри қарор чиқариш имкониятини бериб, шу тариқа у қабила уруғ аъзолари ичида обрўга эга бўлишига ва натижада сеҳрганликн удумларини бажарувчи асосий ижросида айланиб қолади.

Марказий осиё минтақасида Неолит минтақасида Неолит даври анча олдин бошланган. Бунга мил. Авв. Viг йилида Конпетдот этагида вжудган келган Жойтун маданияти гувоҳлик беради. Ўтроқ деҳқонлар ва чорвадорларни нг бу маданияти асосан самонли лойдан қурилган уйлардан ибоорат манзилгоҳ бўлиб, Эрон ва Месопатамия маданияти ривожи ҳақида катта умий ибодатхона деворларига ишланган ранг тасвир далил бўлади. Ми. Ав. IV-IIIйилликда Хоразм худудида неолит даврига оид Калтаминор маданияти шаклланди.

Неолит инқилоби моҳиятига кўра архиак маданиятнинг охири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш фаолиятининг янги тури дехқончилик вачорвачиликка ўтиш билан инсон табиатда мустақил фаолият кўрсатиш қобилиятини намаён қилди, бу инсоннинг ижтимоий ва маънавий ғалабаси эди. Агар архиак маданиятда жамоат фикри етакчи қилиб урук аъзоси, уруғ манфаатлари доирасида фаолят кўрсатган бўлса, энди бу индивидал онг ва қизиқиш кучая бошлади. Неолит даврининг охири ва жез асрида маданият архиак маданият бархам топди. Бу даврда жамоа мулки ўрнига хусусий мулк вужудага келиб хунармандчилик ажралалиб чиқади ва айрибошлаш шаклланди. Ижтимоий тузим шакли мураккаблашади Мустақил хўжалик юритишда мувафиқлаштиришни кучайтириш зарурати, кўпича жамоанинг бошқа аъзолари ва қабила оилаларбилан қариндошлик ришталарини боғланганлиги махсус бошқарув аппаратларини тузишини талаб қилади. Энди оқсоқолар ва қабила йўлбошчилари йиғининг аҳамитяти сезиларли ошди, буқабила йўлбошчиларига сиғинишни шакллантира бошлади. Йўлбошчи қабиланинг бах-саодат соҳиби, аждодлар руҳи унга тухфа қилинган масус фаҳзилат оад эгаси сифатида демократия белгиларига хурмат сақлайди. Йўлбошчиларга сиғинишда йўлбошчининг жамоа ҳаётида тутган муҳим ўрнини этироф қилиш ифодаси туради: -У нафақат қабила худудини қўриқлашни ташкил қилиб қолмай харбий юришга ҳам бошчилик қилади ҳам, Шунингдек муҳим

жамоат ишларини бошқариш учун хонадонларни бирлаштиради ва жалб қилади. (Канал, қизиш, мулохаза тўсиғлар ўрнатиш, яйлов,ўрмон, дарёлар каби умум фойдаланадиган мулклар учун).

Билимнинг ошиши натижасида мураккаб буюмлар яратила бошланди қайиқ ва елканли кемалар, тақвим, ҳисоб ва ўлчов тизими вужудга келди.Хусусий мулкчиликни пайдо бўлиши хуқуқнинг шаклланишига олиб келади, айримлари ҳозирча сақланиб қолаётган анъаналар ва қадимги фольклор наъмуналари вужудга келди. (мифлар, достон, хикоялар, маросим қўшиқлари), ёзувнинг илк тизими шаклланади: пиктографик (расм-ёзув), белги ёки хиндуларни тугунлиги ёзувлвари Молниментал меъморчилик ҳам вужудга келди. Илк монментал иншоотлар катта тош бўлак ва плиталардан қурилган мегалитлар ҳисобланади. Мегалит иншоотларининг турлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан мангирлар баланд баланд тошдан иморат қилиб, баландлиги 20 метрдан ошади, улар алоҳида ёки хиёбонларга қатор қилиб қағурилган. Долменлар (тош мақбаралар) сағана ёки мақбара (кулба)шаклида қурилган. Кромленлар эса атрофига тошлар ётқизилган иншоотлардир. Энг машҳур кромлен Буюк Британиядаги Стойнхендж ҳисобланади. (Мил. Авв.11 аср бошларига оид) Мегалнитлар сааждагоҳ ва ибодатлар жойи саналсада,аслида улар бошқа мақсадлар учун мўлжалланган. Мегалитлар халқларни бирлаштириб, жамоанинг барча кучларини жипслаштиришга, янги ижтимоий тузим вужудга келаётган ҳолларда инсонларни умумлаштиришда ((Соцализация) мақсадаларига хизмат қилади. Негаки давлат тузилиши жараёнида турли ижтимоий қатламларни бўлиниши содир бўлади; бошқарувчилар, маънавий маданият билим эгалари коҳинлар ва оддий бажарувчилар.

Ўзбекистон худуддида жез даври мил. Авв. 11 минг йиллик бошларини ўз ичига олади. Худди шу даврда икки турдаги мустақил маданият шаклланиб аниқ ажралади, ўтроқ деҳқончилик воҳаларидаги маданият кўчманчи даштлар маданияти. Ўтроқ деҳқончилик маданияти дастлабки Сурхандарё воҳасилдан Сополитепа Жарқурғон маданиятларида, Фарғона водийсидаги Чуст маданияти Замонбобо,Тозабоғёб, Суярғаб ва Амиробод каби жойларда вужудга келди.

Ўзбекистон жануби Сурхандарё вилоятьида ҳозирда ҳам машҳур бўлган усталар, заргар ва санъаткорлар-қурувчилар яратган маданият энг қадимги маданиятдир. Мил.авв.XVIII-X минг йилликка оид сополитепа ва жарқўрғон манзилгоҳларида қадимги шарқ туридаги илк шахарнома цивилизацияси шаклланиши ва ривожланиши кузатилди. Сополитепа Лабиринтнома (қаср)тўғри бурчакли кўча тармоғи ва истехком тизими бўлган манзилгоҳлар мажмуидан ташкил топган. Жарқўтонда ҳам монеументал меъморчилик шаклида ҳом ғишдан қурилган. Ҳар бир гузарда юмалоқ ўчоқ шаклида деворлар токчасида олов меҳробдан иборат сиғинадиган маркази бўлган. Иккала манзилгоҳда жез эритиш, тўқимачилик,кулолчилик, заргарлик, суяк,тош, ёғочга ишлов бериш гуллаб яшнаган. Турли кулолчилик буюмларини кулолчилик дастгоҳида пишириб тайёрлаганлиги, шаклнинг чиройлилиги кулолчилик соҳасинингт техника ва техналогиясини юқорилигидан далолат беради. Топилган наъмуналардан маълум бўлишича Ўзбекистонннинг жанубида яшовчи аҳоли қадимги шарқ, айниқса хинд водийсидаги Хараппа цивилизацияси намуналари билан кенг ҳамкорликда бўлган. Буни сополитепа ва жарқўтон шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа деҳқончилик маданиятида ҳам учратиш мумкин.

Бронза даврида шаклланган «дашт кўчманчилар» маданияти мил. Авв. III минг йиллик охири II м.й. бошларигат оид бўлган бухоро воҳасидаги Замонбобо манзилгоҳида ўрганилган. Замонбобо катта ярим ертўлаларда яшаб бронза ва тош қуроллари ишлатишган. Кулолчилик дастгоҳисиз қўлда таги юмалоқ,ясси сопол идишлардан фойдаланилган. Жез даврида маданият ёдгорликлари Амударё ва Зарафшоннинг куйи оқимидан, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси Самарқанд вилоятидан топилган. Улар чорвадор қабилалар маданиятининг вужудга келиши ҳақида қимматли  маълумотлар беради. Чорвадор қабилалар жез даврида ўтроқ турмуш тарзига ўта бошлади, қисман деҳқончилик билан шуғилланади, кейинчалик кўчманчи чорвадорларга айланишган.

Архиак маданият ўрнига қадимги цивилизация маданияти ўрнатилди: мураккаб ижтимоий тизимга эга бўлган дастлабки давлатлар, диний ва қонунчилик шаклларнинг ривожланиши, шаҳар ва ёзувлар, бироқ архиак

маданият иссиз йўқолмади. Унинг айрим қирралари жаҳон халқлари мифларида, фолькларида ,инсон рухиятини чуқур архитеплар да сақланган. К. Юнгнинг назариясига кўра архитеплар-онгсиз жамоанинг руҳий тузимидир. Улар замондан ташқари намаён бўлиб, шунга мувофиқ тарзда қиёфалар, яшаган ва яшовчи кишиларнинг туйғуси ва фикри шаклларида, расмий тасвирларида,мифлардан акс этган жамоага хос бўлган тарихий тажрибаларда оламни англашни ибтидоий шакллари сақланган. Кишилар кўпинча ўзлари пайқамаган ҳолда уёки бу анъаналар билан, улардаги архитипик ва рамзлардан ажралаган ҳолда яшайдилар. Барча замонавий маданиятлар асосидаги бучуқур негизни сезиш ва ўрганиш ҳозирда содир бўлаётган жараёнларни яхши таҳлил қилишимизга, маълум маънода келажакка назар ташлашимизга ёрдам беради.

**Мавзуга доир таянч сўзлар ва иборалар.**

Маданиятнинг асосий шакллари, сиёсий маданият, сиёсий онг, сиёсий фаолият, миллий истиқлол ғояси, хуқуқий маданият, иқтисодий онг, муносабат, фаолият, маънавият, маънавий маданият, эстетик маданият, санъат, илмий билиш, илмий хақиқат, илм-фан, дин, диний маданият, виждон эркинлиги.

**Назорат саволлари**

1. Сиёсий маданиятнинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.
2. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий маданият қандай роль ўйнайди?
3. Аҳлоқ маданиятнинг маънавитя тизимидаги ўрни қандай?
4. Эстетик маданият нима?
5. Илм-фанни маданий қадрият дейиш мумкинми?
6. Шахсни маънавий тарбия қилишда диннинг роли.

**Тест саволлари**

1. Асосий сиёсий институт бу нима?

А) фуқоролар

Б) Жамият

С) Давлат

Д) Армия

Е) парламент

2. Қуйидаги иқтибоз Ўзбекистон республикаси Конституциясининг нечанчи моддасига тааллуқли Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди?

   А) 31-модда

   Б) 61-модда

   С) 18-модда

   Д) 24-модда

   Е) 107-модда

**Мавзуга доир адабиётлар**


1. И. А. Каримов  Истиқлол ва маънавият. Тошкент. 1994.
2. И. А. Каримов  Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. 2003.
4. Миллий истиқлол ғояси:  асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент. 2000.
5. Основў  философии (под.ред. Ашмедовой М. А ). Тошкент. 2004.
6. Тайлар Э. Первобў  тная  культура. Москва. 1992.
7. Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Тошкент. 1998.


## 5-Мавзу: Шарқ уйғониш даврининг ўзига хос хусусиятлари

## Маърузанинг мақсад ва вазифалари:

Шарқ халқлари маданият шакллари тараққиётининг вужудга келиш жараёниларини ўрганиш. Унинг бир тамондан умумий ва ўхшаш жихатларини, бошқа тамондан хайратланарли, ўзига хос қиёфасини ўрганиш нафақат замонавий шарқ халқларининг балки бутун инсоният маданиятининг ҳам ривожланиш манбалари ҳақида тўла тасаввур олиш учун зарур ҳисобланади.

Маърузанинг бош вазифаси қадимги шарқ маданияти цивилизациясининг ўзига хос қиёфаси билан тингловчиларни таништириш ҳисобланиб, бу маданиятнинг умуми йва фарқ қилувчи жихатларини кўрсатиш; қадимги шарқ халқлари маданиятидаги турли соҳаларда қўлга акиритган энг муҳим ютуқлар

билан таништириш, жаҳон маданияти тарихида қадимги шарқ маданиятининг ўрни ва аҳамитяини очиш.

**Маъруза режаси:**

1. Қадимги шарқ маданиятининг вужудга келиши шарт-шароитлари.
2. Қадимги шарқнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзига хослиги.
3. Қадимги шарқдаги йирик маданиятнинг (Миср, Месопатомия,

Хинд, Хитой) ўзига хос қиёфаси. Қадимги шарқ худудида мил. Авв. X-VII минг йилликда инсоният цивилизацияси ва маданият ривожланишининг ибтидоси билан боғлиқ бўлган энг муҳим жараёнлар рўй беради. Бу даврда шарқ маданий фаолиятининг турли шакллари ва соҳалари вужудга келади. Ёзув, адабиёт, санъат, фан, биринчи жаҳон дини буддизм пайдо бўлади. Бу бошланғич жараёнсиз инсоният маданиятининг кейинги барча тараққиётини тасаввур қилиш қийин.

1. Қадимги шарқ тушунчаси, шарқ ҳақидаги ҳозирги тасаввурларга мос келмайди. Негаки қадимги шарқ ер шарининг Мисрдан то Хитойгача кенг минтақасини ўз ичига олиб, бу ерда

мил. авв. VII минг йилликдан бошлаб инсонияттарихида дастлабки цивилизация вужудга келади. Маданиятнинг шаклланиши энг йирик дорёлар-Нил, Дажла, Фрот, Ганг, Хуанхе ва Янци водийсида, деҳқончилик ривожланиши учун қулай имкониятлар мавжуд бўлган жойларда рўй берди.-Худди шу жойларда дастлабки давлатчилик тузилмаси, сиёсий, диний ва савдо маркази сифати шаҳарлар, ёзув вужудга келган. Бу ерда дастлаб маънавий маданият ишлаб чиқарувчи меҳнат фаолиятидан бевосита ажралиб мустақил фаолиятга айланади. Жамитя ҳаётида алоҳида кишилар ҳаётида бошқарув, таълим, маълумотларни тўпловчи ва узатувчи соҳаларда шуғлланувчилар ажралади ва кўпайиб боради.

Миср, Месопатомия, Хинд ва Хитой цивилизациялари энг йирик ва кўҳна маданиятга эга бўлди.ъ

И. П. Вейнбергнинг такидлашича қадимги шарқ маданияти Илк кашфиёти ваасосчи улкан миссияни бажарди; ёзувни ишлаб чиқиш ва давлатчилик

пойдеворини қуриш, ўзинирнинг этник, касбий, мулкий ва ижодий аҳволи билан фарланувчи кишиларнинг бирга яшашлари учун шароит яратди. Агар бошқа маданиятлар ибтидоий ва қадимги Шарқ маданиятининг тажриба ва ютуқларидан фойдаланган бўлса, қадимги шарқ маданиятининг ўзига эса ибтидоийликнинг бир тарзда шаклланди. Ибтидоий муҳитнинг таъсири учун кучли ва доимий бўлди. Ибтидоий даврдан мерос бўлиб мифалогик фиклаш усули, нутқ ва ва фаолят ўтди. Шуғ билан бирга қадимги шарқ мадният намуналари ўз дунёсининг бошловчиси янгиликларни ўзига хос жиддий хис қилади. Миср Сесопатамия, Хинд ва Хитой мифларида нафақат Дунёнинг яратилиши (осмон,ер, жониворлар, инсон) мавзуи балки, буривоятлар оламида ибтидоий дунёнинг кескин фарқловчи маданиятларинг яратилиши, мавзуи ҳам катта ўрин эгаллайди. “Энклар ва коинот” (Месопатамия), тангри птах ҳақида (миср), Хитойнинг афсонавий хукмдори ҳақида мифларда худолар илк аждодар деҳқончилик вахунармандчилик кашфиётлари,илк шаҳарлар бунёдкори, давлатчилик ва динни рнатувчилар, қонун ва ёзув ижодкорлари сифатида яъни ибтидоийликдан фарқланувчи цивилизациянинг барча ютуқларини яратувчилар бўлиб тасвирланади. Шунингдек мифларди бир-бирига мос келмайдиган,қарама-қарши ва бу икки дунёнинг удшманлиги мавзмуи ҳам тасвирланади.

Қадимги шарқ халқларнинг урф-одатлари ва эътиқодлари ҳақида маълумотлар турли манбаларда, адабиёт ва санъатёдгорликлари сақланиб қолганки, булар бизни тасаввур дунёмиздан кескин фарқ қилувчи оламга бошлайди. Қадимги шарқ маданиятининг шаклланишида мифалогик тасаввур катта рол йўнаган.

Мифалогик тафаккур- предмедлик, хиссий, жонли тафаккур етарли ривожланмаган мавхум тушунчаларги хос бўлиб, бундай тушунчаларин ишлатиш ва сўзда уларни ифодалашни сутлиги қийинлигидир. (Шумерликлар ўлдириш дейиш ўрнига бошга таёқ билан уриш дейишган).

Қадимги шарқ кишиси сабали натижа муносабатларни тушунган ва фарқлаган, бироқ уларни мужмал ва қонунга мос бўлмаган ходиса сифатида кўпчилиги эса шахси кудрат сифатида онгли ва ихтиёрий идрок қилади. Сабаларни излашдақандай деб эмас, балки ким деб сўрашади (Ходиса ким

айбдор), ихтиёрий аниқ мақсадда харакат қилаганни излашган.Сабабларни бундай идрок қилиш мифалогик тафаккур айрим ва бутунича, бир-бирига ўхшаш ҳар қандай ташқи мосликни қабул қилади. Функцианал алоқадорлик сифатида макон замондаги ҳар қандай ҳар қандай боғлиқлик сўзи билан мифалогик тафаккурнинг фикран боғликлиги ҳақида гапиришгга имкон туғилади. Фикрий боғликлик билан ўхшаш тафакур ҳам алоқадор. Қандайдир янги нарсаларни кўриб инсон ўзига дейди: “бу янги нарса нимага ўхшайди?”-ва унга ўхшаш нарсани ўзидан ва аждодларини тажрибасидан излайди. Хусусан, асл намуна тамоийили кенг тарқалган бўлиб, унга кра ҳаётдаги барча муҳим нарсаларни (эҳтиром, подшохокимитяти, инсон) илоҳий қудратнинг асл қудратининг асл намунасига мувафиқ яратилган.

Оламни мифалогик тасаввур қилиш унинг ниҳоятда тартибли, қатъий иерархик ифодаланиб, унинг асоси турли хил оппозицсия лар тизими ҳисобланади. Айнан шулар мифалогия рамзий тансифлашдаги дастлабки пойдевор хисоланибланади.(қарама-қарши типлар: юқори- куйи, ўнг-сўл,осмон-ер, мағриб-машриқ,кун-тун, биз-улар, катта-кичик, эрқ-хотин, ҳаёт-ўлим ва бошқалар). Шунингдек, ўнг, юқори, катта, яқин, ўз, ёруғ тамоилга кўра қарама-қаршиликнинг муносабат-ижодий тамонини, сўл, куйи, узоқ, бегона, қоранғу эса салбий жиҳатини ташкил қилади.

Мифалогик тафаккурнинг мувофиқ ва ўхшаш жиҳатилари унинг анънанавийлиги билан бевосита боғлиқ. Анъана бир-бирига боғлиқ ва яқин, бироқ моҳиятан бошқа бўлган ходисалар урф-одат, маросим, ибодат, удум, одоб сингарифаолиятда намаён бўлади. Буларнинг бари у ёки бу синсациядаги аниқ аҳлоқ дастурига эга бўлиб, харакатнинг нотўғри харакатларни огоҳлантиради, негаки анънанлар негизида социумнинг катта тажрибаси мужассамдир.

Қадимги Шарқ мадниятида анъаналарга асосланиш устун туради. Аждодлар анъанаси, тажрибаси мутлоқ хақикат хукмронлиги билан, Д.С. лихачев таъкидлашича «одоблилик» боғлиқ бўлган.

Қадимги шарқ кишисининг аҳлоқи харакат ва фаолиятда муқаддас анънаналарни қайта тиклашга, қаратилган «илохий ўрнатилган» меъёр ва қоидаларга бориб

тақалади. А. Я. Гуревич шундай дейди: «Кишилар харакатининг кўкдаги илохий тимсолга такрорланиши уларни илоҳ билан боғлаб, аҳлағда воқеаликка айланди». Кишиларнинг барча фаолияти (ишлаб чиқариш, жамоатчилик,оилавий) муқаддас маросимларда қанчалик иштирок этиши билан  мазмун касб этади. Анъанавий жамиятда «қадимги» ва «яхши» сўзлари синоним бўлиб, қадимги эзгуликни кафолатлидир. Шунинг учун уй ва анжом, кийим ва озуқа минг йиллар давомида кам ўзгарди, шунинг учун адабий жанрлар, санъат жанрлари ҳам барқарор бўлиб келган, янги эҳромлар, нафақат эскисини ўрнида қад ростлади, балки уларнинг «асл намунасининг» қайтадан тиклади.

И.В. Клочков ёзишича, янги замон кишилари дунёни харакатда, ривожланишида кўради, «Эволюция», «тараққиёт» тараққиёт тушунчалари қиёфасини яратиш учун йўл очувчи таснифлар ҳисобланади. Бундан барча янгиликка замонавий жамиятнинг очкўз қизиқиши бошланади. Дунёнинг бошқача қиёфаси анънанавий жамитя кишиларидан ташкил топади: Қадимги дунё яшайди, бироқ ўзгармай қолади.  Ривожланиш ғояси (тараққиёт ёки инқироз) кўринишидан унинг англаниши ши  мутлоқо бегона. Дунё жуда қадимдан худоларбелгилаган ўзгармас тартиб бўйича яшайди.

Мифалогик тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, қадимги шарқ кишиси ўзини ҳар доим социумнинг бир қисми деб хис қилган, социум эса коинот кучига боғликликда, табиатга аралашган ҳолда кўринади. Гарчи, қадимги шарқ маданиятининг турли қирраларида шахсни индивидуаллаштириш имконатлари мавжуд бўлиб, улар ҳар доим индивиднинг турмуш тарзини белгиловчи асосий соҳаларга нисбатан иккинчи даражали ҳисобланган.

Қадимги шарқ маконининг пайдо бўлиши чегараланиши алоҳида ўрин тутади. Қадимги шарқ мифалогиясида космонегиз жараёни хавосининг жаралиши сифатида намаён бўлади. (мислол учун, хиндларгга Индра ҳақида миф, Месопатамияда мардуқ ҳақида). Тартибли уюшган макон,бетартиб маконга қарама-қарши қўйилади. Табиийки  тартибли,ташкилий жихатдан уюшган «хунук» макони-кўчманчилик, ибтидоийлик дунёси жойлашган. Шунинг учун

санъат асарларида бошқа халқларнинг ўзига хос кийими, қиррасилда қарама-қарши оламнинг фарқи таъкидланади.

«Ўзининг» маконида ижобий хусусиятга эга бўлиши давлат асосий рол ўйнайди. Шуни такидлаш жоизки, қадимги шарқда давлат оддий сиёсий хокимият сифатида ўзини намойиш қилмади, давлат дин билан уйғунликда сиёсий-диний бирлик мажмуида муқаддаслик хусусиятига эга бўлди.Моҳиятан маънавий фаолият давлат манопологияси ҳисобланиб, у билан гўёки илоҳий ёки фидоийлик мартабасига эга бўлган задагонлар, кохинлар хукмдорнинг ўзи тамонидан амалга оширилган. Шоҳ ер осмон ўртасидаги бош воситачи ёки неб худосининг ўғли бўлган, худоларнинг ўзидан бошқаришга «мандат» олган. Вавилон шоҳи янги йил байрамида бош худо Мардук ибодатхонасига борган. Ибодатхонасига киришда кихин шоҳининг барча нарсаларини олиб қўйиб, (тожи хассаси, шоҳлик либоси), уни камситган ва урган, сўнг оёқ кийимсиз, оддий жулдир кийимда ибодатхонадан чиқишга рухсат берилган. Яъни дастлаб шоҳ оддий одамга айланиши, ибодатхонада эса уни худо мардук яна кейинги йил учун хукмдор қилиб сайланган. Фақат Миср фиръавини унинг отаси-Худо Амон-Рага, Хитой императори «Небнинг ўғли»-Небга сажда қилиши билан боғлиқ асосий удумларни ўтказиш хуқуқига эга бўлган.

Шоҳнинг асосий мажбуриятлари фуқороларга боғлиқ-ишлар бўлган: мамлакатда тартиб ва осойишталик, моддий фаравонлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш. Қадимги Мисрдаги «Героклионол шоҳининг ўз Мерикарга насихатлари» да айтилишича: «Хақиқат ўрнат ва ерда узоқ яшайсан. Шундай қилки , йиғлаётганини овут, бевага жарб қилма, инсонни отасининг мол-мулкдан бенасиб қилма» Яна хукмдор замирида тартиб- интизом бўйича юксак миссиясини бажариб, гоҳида еҳад катта хажмдаги қурилиш хўжалик фалоиятини амалга оширган. Улуғ ва бахайбат Миср пирамидалари, буюк хитой девори, баолбек эҳроми, Персепол сройи қурилишлари худолар олдидаги хукмдорларнинг «ижобий» хусусиятларидан далолат беради.

Диний ақидалар хукмдорлиги кишилар ҳаётини белгилайди. Инсон қаерда осмон бўлса-худолар дунёси ва ерни одамлар дунёси деб билди. Улар доимо

ўзаро муносабатда бир бутунликда олам дарахтининг танаси вашоҳлари каби виқор билан яшашган. Худолар инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига фаол аралашган, унинг туғилиши, ўлимини ва ўлимидан кейинги тақдирини белгилаган . Ўша даврларда диний таълимотдан ташқари хеч қандай бошқа дунёқараш бўлмаган. Инсон худолардан хатто арзимас нарсалар ҳақида маслахат сўраган ва унга хатлар ёзиб ибодатхонагга олиб борган. Мисол учун, Қадимги бобил аҳолисининг мактубларидан бирида шундай сўзлар битилган: «Менинг отам, Худо айт! Сенинг қулинг Апил-Адат шундай дейди: нимага сен менга эътибор қилмайсан? Мендан бошқа ким ҳам бор? Сени севучи худо Мардукка ёз менинг гуноҳимдан ўтсин».

Барча қадимги Шарқ цивилизациялари табиий- илмий билимлар тўплаб улкан натижаларга эиршиб ва жаҳон фани ривожланишига улкан таъсир кўрсатади. Бизгача етиб келган непирус ёзувлари мисрликларни математика ва геометрия (турли шаклнинг хажми ва юзасини ўлчаш), астрономия (аниқ қуёш тақвимининг тузилиши, мия ва қон томирлари ҳақида маълумот жароҳлик), Кимё(турли моддаларни хусусиятини ўрганиш вабилимлардан майтни кимёлашда фоойдаланиш) соҳаларидаги кенг тушунчалари ҳақида далолат беради. Атрофдаги мамлакатларга месопатомия математикаси ва астрономияси катта таъсир кўрсатди. Ҳозирга қадар биз Месопатамияда тузилган вақ ва бурчак ўлчови учун 60 бўлакли тизимдан фойдаланамиз. Месопатамияликлар математика ва астрономияга оид кашфиётлар қилиб, ой фазаларини бўлиш тизимини яратди, қуёш тизимига оид жарёнлар , юлдуз ва сайёралар рўйхати, кўплаб харакат холатларини аниқлаш бўйича янгиликлар киритди. Икки дарё оралиғи- астрологиянинг ҳам ватанидир.

Қадимги хинд ва Хитой фани ҳам кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Хиндистонда нолдан фойдаланиб ўнлик саноқ тизими яратилиши билан алгебра ривожлана бошлади(сон, туб сон, Синус каби атамалар хиндистонда пайдо бўлди). Ўлим сабабини аниқлаш мақсадида мурда танасини анатомик тадқиқ қилиш тажрибалари анатомия ва физологияни ривожлантириб, медицинада катта ютуқлар эришилди.

Хиндистонда тиббиёт тараққиёти ҳақида тиббиёга оид асарлардан биридажароҳликнинг 300 тури бўлганлиги ва 120 та жарроҳлик асбоби мавжудлиги эслатилди. Барчасига маълумки, Хитой, Ипак, чинни ва қоғознинг ватани ҳисобланиб, мил.авв.II асрда кашф этилган, шунингдек Хитойда пароҳ, компас (мил. авв. 613 йилга тегишли Хитой қўлёзмалари топилиб унда Галлей кометаси ҳақидаги энг қадимги маълумотлар учрайди. Мил.ав. Мил.ав. II асрда Хитойда осмон ёритқичларининг харакати тасвирланган биринчи осмон глобуси, 2500 ёритқичнинг ўрни кўрсатилган юлдузлар атологини яратилган. Янги тақвим жорий қилиниб (мил. ав. 104 й). Унга кўра бир йил 365 чи кунга тенг бўлган. Мил. ав. 28 йилда Хан империясининг астраномлари қуёшда доғлар борлигин кузатганлар. Хитой математиклари тарихда биринчи бўлиб ҳисобда манфий сонни қўллаганлар. Тиббиётда игна уколи, нуқтали даволаш каби ажобий ишлаб чиққанлар.

Бир тамонда Миср ва Месопатомия фани, бошқа тамонда хиндистон ва Хитой фанида аҳамитяли фанлар мавжуд бўлиб, биринчи-фан ўта амалий хусусият касб этган, иккинчидан-фанлар назарияси, Фалсафа тараққийси ғарбдан кескин фарқ қилган. Бу фарқни К. Ясперс тамонидан яратилган ўқдаври назарияси билан изоҳлаш мумкин. Бунга кўра мил.ав. 800 ва 200 йиллари оралиғида муҳим тарихий бурилиш содир бўлиб, мифалогик давр нихоясига етади, рацианал идрок шакланади, ҳозиргача мавжуд бўлган асосий тушунча ватансифлар ишлаб чиқилди. Бу даврда Хиндистонда Упанишада пайдо бўлди, будда яшади. Хитойда машҳур фалсафа мактаблари ривожланди, Эронда Зардўштийликни қабул қилиб, қонунлаштирди, фластиндан пайғамбарлар чиқди. Юнонистонда бу вақтда Гомер, Гераклит, Плотон ва бошқалар фаолият кўрсатди.

Хиндистон ва хитойда табиий техника фанлари эртароқ шаклланади ваўз навбатида сермахсул тараққий этди. Бироқ, бу фанлар ғарбдаги каби маданиятга сезиларли таъсир кўрсатмади. Бу олий хақиқатни англаш йўлидаги мустақил таълимот бўлиб қолиш билан боғлиқ. Масалан, Хиндистонда билим уч даражага ажралади:

1. Билмаслик (авидья)

2. Тушунча, «илмий» билим (вижняна).

3. Ҳамма нарсани билиш (пражня), яъни биринчи даража мантиқсиз фикрлаш, иккинчи-мантиқий, учинчиси мантиқий устун идрок қилишга мувофиқ келади.

Ерюзасидаги энг қўхна ва бир қадар ўрганилган, кўплаб халқлар маднитьининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган маданиятлардан бири қадимги Миср маданиятларидир. Қадимги Миср ёзуви кўплаб ҳозирги ёзув тизими учун асос бўлди. Қадимги Мисрликлар қўлланган сўзлар «папирус» «оазис», «химия», «базальт» ва бошқалар ҳозирда ҳам муомалада сақланиб келмоқда. Мисрда турли, ўта чалкаш топинишллар тизими мавжуд бўлган: Худоларга сиғинган, жонивор, ўсимлик, тупроқ, сув, Нилни муқаддаслаштирган. Қуёшга, тарик худо фиръавнга сиғиниш қонун тусига кирган. Мисрликлар маданиятида дафн маросимми алоҳида алоҳида ўрин тутган. Улар ўлимни инсоннинг иккинчи ҳаёт бошланиши деб билган. Мангу ҳаёт тушунчаси Осирис ва Изида ҳақидаги мифдан пайдо бўлагн. Қадимги юнон муаллифи «Мисрликлар ҳаёти ўлимга тайёргарлик кўринишдан иборат»-деб бекорга ёзмаган.

Мисрликлардан фарқли қадимги месопатомия аҳолиси ердаги ҳаётга кўпроқ эътибор қилишган. Ўлим билан қаммаси тугайди деб ўйлашсада, нарги дунёга ишонишган. Мисрликлардан фарқли равишда нарги дунёни инсон рухи мангу сув ва овқатга зориқиб яшайдиган қўрққинчли дунё деб тасаввур қилишган. Шаруппакнинг месапатамияликларга насиҳатида айтиладики «Ширин ҳаётдан ташқари бирон нарса азиз эмас». Месопатомияликларнинг қувончли ҳаёт ҳақидаги қарашлари «Гилгамиш» достонида ҳам тасвирланади. Улар шахсий ҳаёт муаммолари билан кўпроқ қизиққанлар. И. Клочков бу хақда «оддий бобиллик-бу хусусий кишидир» деб ёзади.

Хиндистон биринчи жаҳон дини буддизм ватани бўлсада, Хиндистоннинг ўзида индиузм билан иккинчи даражада турарди. Бу икки дин ҳам «веда» да акс эттирилган қадимги тасаввурлардан келиб чиққан. Хиндларин дунёқараши ва барча тушунчаларини белгиловчи асосий ғоя, хинд маданиятининг ўзига хос хусусияти-дунёда содир бўлувчи нихоя узлуксиз харакат ғояси ҳисобланади, яъни дунёнинг айланиши на ибтидо, на нихоя, на аниқ мақсадга эга.Дунёнинг доимий

айланишида айта янгилаш ва дунёвий илоҳий руҳ нишонаси-индивидуал руҳ бўлади. Улар доимо янги моддий кўринишда вужудга келади, бунинг учун инсон танаси бўлиши шарт эмас, руҳ жониворлар, ўсимликлари танасига жойлашиши мумкин хиндлар шу тариқа ўз дунёқарашидан нарги дунё ҳақидаги ғояни истесно қилганлар. Мутлоқ «дунёвий қонун» борлиқ хукмдори брахма-оламнинг обьектив ифодаси. Уларни таққослаган аниқ худодоларини роли унча катта эмас, фақат «дунёвий қонун» тамоилларини индивидлашган тимсолидир. Хеч ким, худо ҳам инсон камасини ўзгартиришга қодир эмас. Каманинг санскрит тилидан таржимаси фаолиятни билдиради. Бу тушунчанинг мазмунини аниқлаш мураккаб. Карма инсоннинг олдингиҳаётидан мерос бўлиб ўтади ва ҳозирги ҳаётнинг мазмуни ва фаолиятида намаён бўлади, у бўлғуси моддий тимсолнинг сифатини белгилайди. Гуноҳларни кечириш ҳақида тазарру ёки ибодат билан кармани ўзгартириш мумкин эмас, у фақат инсоннинг аҳлоқий феъл-атворини белгилайди. Шшу билан бирга, ҳар бир индиус ва буддис учун ўз-ўзини билиши ва ўзининг камолотга етиши, ўз руҳий холатини аниқлаши, ўз кармасининг тоза сақланиши ҳақида ўйлаш асосий ҳисобланади.

Бу Хиндистондаги динлар ҳаёт дан, фаолиятдан воз кечишга ундайди дегани эмас, балки улар дунёвий ташвишларга бефарқ бўлишга ундайди деса бўлади. Хинд маданиятининг бутун мазмунида зоҳир ва ботин, муаққат ва мангулик ўртасидаги муносабат мувозанатни сақлаш зарурати ҳақидаги фикр ётади.

Хитой маданияти ва цивилизациясининг минг йиллар давомида асосий руҳий, аҳлоқий ва ғоявий манбаи мил.ав. 550-479 йиляшаган буюк мутафаккир конфуций таълимоти ҳисобланади. Барча энг муҳим нарсалар ҳар қандай цивилизациясининг «қиёфасини»белгилайди-ҳаёт тамоилларини, давлат ва ижтимоий ташкилот шакларини, умум қабул қилган аҳлоқий меъёрлар ва қадриятларнинг барчаси Хитойда Конфуцийликни «хитой цивилизациясининг квинт эссенцияси» (моҳияти) деб атамайди.

«Осмон ваколати» йўналиши конфуций тамонидан янгича фикрда ривожлантирилиб, унда ижтимоий аҳлоқ асосий ўрин тутади ва сиёсий маданиятни белгилайди. Анъналарни хурмат қилиш, бурчни жиддий ҳис

қилиш,аҳлоқий сифатдан юқорилиги, ўзини жамият учун бахш қилиш, ҳақиқатни англаш учун доимо уриниш, ишонч ва олийжаноблик каби идеаллар бошқаришни истаганлар учун мўлжал бўлган. Бу идеаллар давлатнинг бош таянчи бўлиб, Хитой империяси тўралри учун гамуна бўлди.

Конфуцийликни Хитойда ппйдо бўлган иккинчи буюк фалсафий таълимот даосиз тўлдирди. Даосизмда турмуш, табиат, умулик муаммолари акс этади. Агар конфуцийчилик инсонни ижтимоий фаолиятини назарда тутса, даосизмда унинг руҳий ҳаёти, дунё қараши акс этади. Л. Васильев бу ики таълимтони «хар қандай конфуций руҳон даосизм»-дебатайди. Даосизмда қадимги Хитойдаги фикрларни бош кони акс этиб, жаҳон маданиятини янги ҳаёт билан бойитди. «Унинг ғоялари: ин-я тамойилларга асосланган дунёнинг дуалистик хусусияти; учун бшта асосий унсурдан иборат бўлган материя (ер,сув, олв, маъдан) дунёнинг ўзгарувчанг харакатидалиги, асосий унсирлар доимо сифат ўзгаришида бўлишини билдиради. Даосизмга кўра дунёнинг пайдо бўлиши учта кучнинг фаолиятидан келиб чиққан: Дао-Олий Мутлоқ, Илк ибтидо, дэ-дао нуриданпайдо бўлиши, Ци-Олий материя, у моддийдунёни яратиб, нарса ва мавжудодларни бунёд қилади.

Шарқнинг қадимги цивилизацияси моддий ва маънавий соҳалардаги кўплаб ўта муҳим янгиликларини вуждга келтиради. Хусусан, мил.авв. 1 минг йиллик маънавий ғалаёнлар жараёни билан ажралиб туради. Бу даврда дастлаб икки тамоил вужудга келади: умум инсоний бирлик ва шахснинг маънавий мустақиллиги. Ғоялар эркинлиги бошланиб инсон ўз ҳаётини унга асосланиб қурди.

Қадимги шарқнинг цивилизацияси ғарбга нисбатан эртароқ бошланди. Юнонлар маданияти Қадимги шарқнинг маданияти таъсирида жуда юксалди, буни эллиплпрнинг ўзлари ҳам эътироф этишган. Бу таъсирлар натижасида шундай давр бошландики Шарқ ва Ғарқ маданиятлари синтези эллинистик маданиятни вужудаг келтирди: Юнон-Бақтрия ва гандар санъати, ис кандария фани, фаюм портретлари бунга мисол бўла олади. Қадимги шарқ бизга барҳаёт бойликларини қолдирди. Булар «Гилгамеш» ва «Маҳобҳорат» достонлари,

Калидаси драмалари ва Чжуанцзининг бой маданияти ўрганиш келажакни кўришда зарур ҳисобланади.

**Мавзуга доир таянч сўзлар ва иборалар.**

Маданият зоналари субьектура, конктркулбтура, ёшлар маданияти, омма маданияти, ижтимоий протез, элитар маданият, ижтимоий-маданий механизм, репрезетативлик, ижтимоий субьектнинг эхтиёжлари.

**Назорат саволлари.**

1. "Субкультура" атамаси нимани англатади.ва мазкур феномен қандай вазифани бажаради?
2. "Контркультура" қачон пайдо бўлади. Ва унимани англатади?
3. Омма маданияти нимани билдиради ва маданиятшуносликларнинг у хақда фикри қандай?
4. Олий элитар маданиятнинг моҳияти нимадан иборат?
5. "Долзарб маданият" нима ва у қандай вазифани бажаради?

**Мавзуга доир адабиётлар**

1. И. А. Каримовнинг Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент.1997.
2. Аҳмедова Э., Габидулин Р., Културология, мировая культура. Тошкент.2001.
3. Рождественский Ю. В. Вдение в культуроведение. М. 1996.
4. Цай А. В. Материальная культура в свете свете современной эстетике. Тошкент. «Фан». 1994.
5. Эркаев А. Духовность-энергия независимости. Тошкент. 1997.
6. Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. Ташкент. «Янги аср авлоди».

# Ватан маданияти

## 6-Маъруза мавзуи: Марказий осиё халқларининг қадимги маданияти.

Маърузанинг мақсад ва вазифалари: Марказий осиёда маданият шакланишининг энг қадимги даврларни кейинги барча тарихий босқичларига таъсирини кўрсатиш;Марказий осиёда вужудга келган қадимги маданиятнинг жаҳон маднитяи тутган ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш; ;Марказий осиёда қадимги маданият ривожланишининг асосий босқичлари ва ўзбекистонда қадимги маданиятнинг ҳар бир босқчини ўзига хос хусуситялари мисолида тасаввур бериш.

Маъруза режаси:

1. Марказий осиёдаги қадимги маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Марказий осиё худудидаги илк давлатлар маданияти .
3. Юнон-Бактрия маданияти миқиёсида шарқ элинистик маданияти.

Марказий Осиё маданияти жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тутади. Унинг ўрта асрлардаги маданиятига бутун дуеё аллақачон муносиб ўрин берган. Хатто бақтрия, Марғиёна, Суғд, Парфия, Фарғона, Хоразм, Чоч халқларининг қадимги маданияти ҳам жаҳон халқларини хайратга солмоқда. Марказий осиё минтқасининг қадимги маданияти ўрганиш ўн йиллар илгари бошланган бўлса тадқиқотчиларнинг бу маданиятининг ўзига хослиги ва бой мазмуни лол қолдирди. Марказий осиё маданияти Ғарб ва шарқнинг буюк маданият элиментларни бир бутунликда уйғунлаштириб ўзига хос индивидуаллик касб этадики, бу хусусият кейинги тарққиёт учун ҳам негиз бўлиб қолади.

Маркзий осиё халқларининг маданиятининг вужудга келиши шароитларини белгилашда даставвал жўғрофий ўрни ва табиий ва табиий воситаларга эътиборни қаратиш керак бўлади.Маданиятшуносликнинг ҳар қандай маданиятнинг ўзига хос алфозни жой манзараси, иқлими, биосфера омилларининг аҳамияти борлигига алоҳида эътибор беради. Марказий осиё минтақасининг табиати турли миллат билан фарқ қилади. Бу ерда серхосил водий ва воҳалар, серсув дарёлар, қақароқ

чўллар, дашту адирлар, Памир ва тангритоғнинг баланд музофатлари билан ёнма-ён жойлашган. Бундай хуссият деҳқончилик, чорвадор, тоғда яшовчи қабила ва халқлар хўжалик  тарзи ва ўзига хос маданиятларнинг шаклланиши учун имкон яратади.

«Қадимги цивилизация» деб номланган рисолада марказий осиё маданиятининг икки хусусияти кўрсатилади: бир тамондан, турли маданиятларнинг ўзаро таъсирида, иккинчи тамондан, қадимги цивилизацияларнинг бошқа ўчоқлари билан яқин алоқада ривожланиши. Бу хусусиятларини батафсил кузатадиган бўлсак марказий осиё маданиятининг шаклланиш жараёлари яққол намаён бўлади.

Марказий осиёнинг серхосил водийси, чўл ва дашти, тоғларида яшовчи аҳолининг турмуш шароитидаги фақрлар тури хўжаликларни эртароқ пайдо бўлиши ўзига хос маданиятлар шаклланишига олиб келади. Бу жараён яқин қўшинчилик муносабатлари асосида содир бўлиб, қабила ва халқларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари тарққиётнинг эртароқ бошланишига имкон яратди. Энг қадимги даврлардан деҳқончилик, чорвачилик ва тоғ овчи қабилалари ўртасида муносабат айрибошлаш Мараксзий осиё халқларининг иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлиб, кейинги даврларда ҳам узоқ сақланиб келди. Турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятидаги фарқланиш билан бирга минтақа халқларининг этник ва тиллардаги яқинлик жуда ҳам уйғунлашиб кетганлигини қадимги Хитой ва Юнон маноаларида ҳам қайд қилинган. Марказий Осиё халқларининг кучли иқтисодий алоқалари, этник ва тил бирлиги уларни бир-биридан айрича яшашига йўл қўймади.

Натижада қадимги Шарқнинг классик маданияти орасида Марказий Осиё қадимгги маданияти ажралиб, ўзига хос кўринишда шаклланади. Дастлаб бу маданиятьга икки хил маданият аралашиб кетди: кўчманчилик ва ибтидоийлик олами ҳамда цивилизация олами;

Маркази йОсиёнинг ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи халқларида анча мунча фарқлар бўлишига қарамасдан илгаридан яқин муносабатлар ўрнатилган.Диний эътиқодлар, урф-одалар, фольклорлар, аҳлоқий меъёрдаги умумийлик маданий

умуийликни шаклланишига олиб келган. Шунинг учун бундан кейин Марказий Осиёнинг яхлит маданиятини ташкил қилувчи турли Субмаданитялар мавжудлиги ҳақида тўхталиш жоиздир: Қадимги маданитялар суб мадникяти (Бақтрия, Суғд, Хоразм, Фарғона, Марғиённинг), дашт кўманчилари-сак, мяссагет, дакеччилар субмаданияти, Памир ва Тангри тоғ қабилаларнинг суб маданияти.

Мараказий Осиё маданиятининг ўзига хослигининг иккинчи жиҳати минтақанинг ўта қулай жўғрофий ўрнашганлиги билан боғлиқ. Минтақа Месопатомия, Хиндистон ва Хитой каби учта буюк шарқ цивилизацияси билан бевосита чагарадош бўлиб ғарб цивилизацияси бешинчи-Греция ва рим билан алоқада ривожланган. Бундай алоқаларнинг муқарарлиги Мараказий осиё маданияти воситачилиги миссиясини бажаришга сабаб бўлиди, яъни иқтисодий соҳаларда энг аввало халқаро совдода ва маданий соҳаларда ҳам марказий Осиё Ғарб ва Шарқ ўртасида боқловчи кўприк вазифасини бажарди. Хусусан марказий осиё худуди орқали буддизм бутун дунёга ёйилди, Хиндистон ва Хитойга эллинистик кўринишлари ўтди, Шарқдан Ғарбга ва Ғарбдан Шарқга маданий бойликлар (билим дунёвий ғоя, кашфиёт, бадиий асарлар) нинг алмашиб туришида Марказий Осиё муҳим воситачи бўлиб хизмат қилди.

Марказий Осиё маданиятининг буюк воситачилик миссияси бошқа маданий қадриятларини янгилаш, ўзлаштириш,маҳорати вақайта ишлаш ккаби жихатларимиз бўлмас эди. Бумаданият қадимданоқ янги ходисаларни ўзлаштирш ва мослаштириш маҳоратига эга бўлди. Гарчи бошқа қадимги шарқ маданиятларидаги каби Марказий осиё маданиятида ҳам анънаналар кенг ўрин эгалласада, айтарли характер касб этмайди, яъники, узликсиз мадният янгиланиш ва тараққиёт жараёнига тўсиқ бўлмайди. Шунингдек, анъаналарнинг мустаҳкам хукмронлиги тарихий вазиятга ҳам тўсқинлик қилганликларини таъкидлаш керак. Минтақа орқали катта босқинчилик юришлар, халқларининг кўчишлари юз берган бўлиб, бу марказий Осиё халқларининг тарихи давомида бир неча бор маданиятни сезиларли ўзгаришлар олиб келди.

Афсуски кўпинча урушлар Маркази Осиё маданиятининг қадимги тараққиёт даврларининг беҳисоб далилларини йўқ қилади. Архиолог қазилма маълумотлар ва ёзма манбаалар мил. авв.1-минг йилик бошларида вужудга келган Марказий Осиёнинг илк давлатлари Суғд, Бақтрия ва хоразм мадаияти ҳақида бироз маълумотлар беради. Мил. авв.нинг илк давлатлари Суғд, Бақтрия ва хоразм мадаияти ҳақида бироз маълумотлар беради. Мил. авв. VIII-VII асрларга оид Афрафсиёб (Самарқанд), Сурхандарё воҳасидаги Қизилтепа, Қашқадарё воҳасидаги Узунқир, Хоразмдаги Қизилқир каби қадимги шаҳарларда ўтказилагн тадқиқотлар мураккаб ижтимои йтузилма ав маданиятнинг юқори ривожланганлигии кўрсатади. Бу шаҳарлар мудофаа деворларини ва суб таъминотдаги иборат кучли ихтехкомтизимига эга бўлиб, ичида хунармандлар мавзеи жойлашган. Айрим шаҳарларда сарой қолдиқларидан қалъалар топилган. Қадимги давлатлар хўжалигининг асосий сооҳаси ҳисобланган деҳқончилик тараққиётининг даражаси ҳақида кўп тармоқли сғориш тизимининг мавжудлиги бунга далилдир. Марказий осиё халқлариннг Қадимги шарқ мамлакатлари билан яқин алоқалар ўрнатган.

Мидия ва Оссуриянинг сиёсий тарихида фаол иштирок этиб, хунармандчилик буюмлари ва хом ашё билан.(ложуварлд, олтин, мис, билан) савдо сотиқ қилинган. Бу ҳақида Оссурия ва Қадимги Юнон ёзма манбаларида гапирилади. Хусусан Бақтриянинг йирик шаҳарлари, кўп сонли аҳолиси ҳақида Бақтрия шоҳи Оксиартнинг афсонавий бойлиги ҳақида Кгесий Книдиский (мил.авв. V-IV асрлар) ёзиб қолдирган.

Кўчманчи массагетларнинг удуми ва турмуш тарзи ҳақида машҳур қадимги Юнонтарихчиси герадот (мил.авв. Vасрда ёзиб қолдирган.Умассагетларнинг ҳарбий қуроллари (амон-ёйи,найза ойболтаси.)олтиндан безаксифатида, мисдан қурол ва совут учун кенг фойдаланишни таъкидлайди. Геродитнинг ёзишича, массагетлар ягона маъбуд қуёшига топиниб,отни қурбонлик қилганлар.

Қадимги Марказий Осиё халқларининг маънавий маданияти ҳақидаги билимларнинг бебаҳо манбаси Авесто ҳисобланибланган. Авесто сўзининг мазмуни умумий изоҳга эга эмас, кўпинча Асосий матн сифатида таржима

қилинди. Авесто дунёнинг дунёнинг энг қадимги динларидан бўлган зардўштийлик тарфдорлари учун муқаддаскалима ҳисобланиб, пайғамбар Зардўшт тўпланганларга ундан ваъз ўқиган. Унингҳаёти даври мил.авв. ўқиган. Унингҳаёти даври мил.авв. IX-VI -VI асрлар атрофида дейилади.Авесто ва унинг бошқа матнларининг тўпланиши кўп асрлар давомида амалга оширилган .Авесто нинг энг қадимги матналаримил.авв..Авесто нинг энг қадимги матналаримил.авв.II мингинчи йилларга тааллуқли.Авестонинг миллодий VII асрга тегишли бўлган тўплами жуда турлича мазмундаги 21 китобидан иборат бўлиб, ўша даврнинг барча билимлари жамланган. Зардуштийлик анъаналарига кўра бу ёдгорлик Эзгулик ва Ёруғлик худоси ахурамазданинг Заратужтра вохийси ҳисобланади. Бироқ унда қадимги мифалогик тасаввурлар, ҳам тасаввурланади. Шунингдек, диний йўл-йўриқ пайғамбар давридан кейин зардуштийликнинг ривожланган эътиқод рамзи юзага келди. Ҳозиргача Авестонинг айрим қисмигина, фақат 4итоби сақланиб қолган:

1. Видевдат-«Девларга қарши ғонунлар», бу китобда асосан зардўшт ва Ахурамазада ўртасида сухбат, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар мазмунида бўлиб, зулмат ва ёвуздик худоси Ах-римани бошқарувчи ёмонлик кучларини қайтариш ҳақида.

2. Виспрат-«ҳамма хукмдор», бу китобда ибодат намозлари тўпланган.

4. Ясна-«ибодат»,Маросим китоби худоларга сиғиниш ва мурожатдан иборат. Яснадаги «Тот»лар номли 17 бобзардўштнинг муқаддас қўшиқларидир.

4. Яшт-«Қадрлаш», «Ҳамду-сано» китоби худоларни шарафловчи қадимги гмнлар ва эзгулик худоларига ёвузликка қарши кураш ёрдам берувчи кучлар ҳақида.

Бундан ташқари «Авесто» мажмуага «кичик авесто» ҳам мансуб, у авесто тилида ёзилган бўлиб, ибодат калималари жойлашган.

Кўпчилик олимлар Зардўшт юксак аҳлоқий идеалдаги ва ишонтирувчи фикрлари билан биринчи хақ пайғамбар эканлигини такидлайдилар. Зардўш таълимотига мувофиқ барча қуруқликнинг ўзгармас ибтидоси Арта бўлиб, «Авесто»да хақиқат, олов руҳ дейилади. Ахурамазда тартибли сақланувчи осмон худоси ёруғлик ва эзгулик ҳисобланган.(охура-хўшайиш,эга,мазда-идрокли,

билимдон). Ахурамазданинг ўғли-Атар (олов), унинг ватани булутлардек қуриган сувлар, унинг макони-худудсиз ёғду. Охурамазда 6 та руҳни-ёрдамчиларнияратди (амеш спента): эзгу ақл, яхши тартиб, лаёқатли қудрат, олижанобмўминлик,соғломлик ва боқийлик. Унга Ахриманинг зумат қўшини-девлар, урушлар тимсоли,очлик, касаллик,адолат ва бошқа ёвуз кучлар қарама-қарши туради. Олам ва барча инсоният ҳаётининг асосида эзгулик ўртасидаги азалий кураш ётади.

Зардўшт таълимотининг улуғлиги шундаки, у ҳар бир кишига танлаш имконини беради. Ҳар ким ҳам ёвузликни йўқ этиш ва эзгуликни хукмрон бўлишида иштирок этиши мумкин, бу ишда барча бир хилда тенгдир. Шу тариқа ерда илгари бўлмаган жаннат-олтин аср тикланади. Унда совуқҳам, жазирама ҳам, қарилик ҳам, ўлим ҳам  бўлмайди. Ёвузлик билан курашда хар кишининг асосий куроли меҳнат бўлган. Зардўштийлик аҳлоқи кишидан камтарин ва ҳалол мева экса, у хақиқат тарқатади. Видевдат китобининг «Дехқончилик фазилати ҳақида» бобидан олинган. Фикр ,сўз ва ишда тақводорлик, ишчанлик,ҳалоллик,холислик юксак аҳлоқнинг асоосий талабалари сифатида кўтарилади. Ясна китобидан зардуштийликнинг эътиқод рамзи ҳақида дейиладики: «Қасам,эзгу фикрни, эзгу сўзни, эзгу фаолият мажбуриятларини бажаришни талаб қилади».

Зардўштийлик биринчи бўлиб, эсхаталогик таълимоти ривожлантириш яратилган,бунга мувофиқ жаҳон тарихи 12 минг йилни ташкил қилади. Бу муддат тугаши билан эзгулик ва ёвузлик кучларини ҳал қилувчи ёвузлик жанг бошланади. Бугун оламни эриган метал оқими ўқ қилади. Бироқ халоскор саошьянт ҳалок бўлган  дунёни ва барча марҳумларни тирилтиради, барча гуноҳкорларни дўзохдан чиқариб Оҳурумазнинг идеал хукмронлигида абадий ҳаёт кечиради. Шу тариқа зардўштийликда биринчи бўлиб охиратдаги жазо, марҳумларнинг тирилиши сўроқ куни ғоялар Доро 1 минг Бехустун ёвузида ва Ксеркснинг Персеполдаги ёзувида ҳам қайд қилинади. Зардўштийлик Марказий Олд Осиё худудларида минг йиллар давомида хукмрон дин бўлиб келди ва шубҳасиз, бу дин христианлик ва ислом каби жаҳон динларининг шаклланишида катта ўрин тутади.

Марказий Осиё цивилизацияси ва маданиятнинг мустақил ривожланиши эрон аҳмонийлари тамонидан биринчи ўирик босқичининг туфайли тўҳтаб қолди. Суғд, Бақтрия, хоразм мил. авв.

VI-IV асрларда аҳмонийлар давлати таркибига кирган. Бу империя таркиби кириши, ягона бошқарув, қонунчилик, тизимининг ўрнатилиши, оромий ёзувнинг умум давлат миқиёсида қўлланилиши.

Марказий Осиё халқларининг маданиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Аҳмонийлар даврида халқаро савдонинг ривожланиши учун қулай шароитнинг вужудга келиши Марказий Осиё шаҳарларининг тараққиётига имкон туғилди. Аҳмонийлар хукмронлигида мамлакатларга сайёхлар ва олмлар бориши мумкин эди. Худди шу даврда Шарқ мамлакатларга Геродит,Демокрит ва бошқалар саёхат қилган. Аҳмонийлар империясидаги йирик шаҳарлар-Суза, Персепол, Менфис, Ниппур, Бобилда турли жойлардан хусусан, Хоразм, Бақтрия, Суғддан чиққан кишилар, сакларнинг харбий аҳолиси яшаган.

Ўз навбатида мил.авв. V асрда Окс дарёсининг ўнг соҳилида Милетлик Юнонларнинг манзилгоҳи ташкил топади. Шу тариқа Аҳмонийлар империяси таркибида Марказий Осиё халқлари форслар, мидияликлар, бобилликлар,мисрликлар, юнонлар, хиндлар билан яқин муносабатда бўлиш маданиятининг ҳам ўзаро таъсирига имкон яратди.

Аҳмонийлар империяси маданияти ҳам кўпгина мамлакат халқлари яратган илмий билимлар, диний эътиқодлар, санъат ютуқларининг синтези ҳисобланади. Бу маданиятга Марказий Осиё халқлари ҳам ўзининг хиссасини қўшган. Зардўштийлик аҳмонийларларнинг давлат дини ва сифатида қабул қилиниши билан бирга Ғарбга ҳам кенг ёйила бошлади. Аҳмонийлар санъатининг Суза ва персиполдаги улкан ёдгорлиги қурилишига Марказий Осиё минтақасидан кўплаб хом ашё келтирилган. Саройлар қурилиши Бақтриядан олтин, Суғддан ложувард ва қимматли тошлар, Хорахмдан феруза олиб борилган. 1877 йилда Тожикистоннинг жанубидан топилган Амударё хазинаси маданий синтезнинг ёрқин мисолидир, Марказий Осиё халқларининг маданият муносабатлари жуда кенгайди, Шунингдек, маданий қадриятнинг бойиши ва турли маданиятларнинг

ўзаро таъсири жараёни эса ўз маданиятларини жуда тез ривожланиши ва бойишига ижобий таъсир кўрсатди.

Аҳмонийлар империяси ва Марказий Осиё ерлари юнон-македонлар тамонидан босиб олинган Марказий Осиё маданиятида эллинизм элиментлари кириб келди. Эллинистик жараён славкийлар давлатидан мустақил бўлган Парфия ва Юнон-Бақтрияда ўзининг юқори ривожи билан ажралиб туради. Юнон Бақтрия давлати юнонллар маҳаллий синтези қисқа вақтда ўзининг ижоби йнатижаларини берди, шарҳарлар сони тез кунларда ўсди, дехқочилик, чорвачилик, айниқса хунармандчилик ривожланиб борди. Маркази йосиё минтақаси буюк ипак йўли бўлиб, ўсган халқаро савдонинг маркази сифатида ўта муҳим ўрин эгаллади. Тавра-пул муносабатларини ўсишида Бақтрия шоҳларининг ўз пулларини зарб қилиши халқааро савдонинг ривожига ижобий таъсир қилиш билан бирга, юксак бадиий даражаси билан ҳам ажралиб туради.

Юнон-Бақтрия давридаги ойхонум (Шим Афғонистон), Саксонахур ва Тахтисангин (Тожикистон ), Далварзин тепа, Ёрқўрғон, Афраси,ёбТолибарзу (Ўзбекистон) каби шаҳарлар қурилди. Юнон харбий манзилгоҳларининг аҳолиси турмуш тарзи ва маданиятлари акс эттирувчи эллинистик услублар Юнон-Бақтрия шарҳарларида очиб ўрганилди. Иншоотлар тош, хом ва пишиқ ғиштдан тикланган. Устунлар коринф усулида ишланган. Сарой ва ибодан мажмуалари, гимназия, театрбинолари очиб текширилганда устунлар аттик базаллтар, япроқлари, палметаллар, чети нашланган черепица-антификслар сингари унсирларин қўлланилишида акс этади.

Марказий осиёнинг антик бадий маданиятнинг муҳим услубий хусусиятини санъатлар синтези ташкил этган: Хайкатарошлик, тасвирий санъат, нақш бунда умумий меъморчилик расамадаги- ва унинг ритмига бўйсинган ҳолад меъморчилик билна яхлитда намаён бўлади. Бу синтез Кушонлар даврида ҳам маҳаллий маданиятда ўз таъсирини сақлаб қолди. Кушонлар даври Маркази йосиё, Афғонистон, Покистон, Хиндистон халқлари тарихидагина эмас балки дунё маданиятининг тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди.Турли халқлар маданияти чатишиши натижасида бу ерда ўзига хос маданият шаклланди, шу

билан бирга кейинги асарлар маданиятининг ўзаро таъсири янги тарихий босқичга қадамқўйди. Эллин маданиятининг анъананалари Кушонлар даврида ижодий жихатидан қайта шшаклланди ва янгича таҳлил қилина болади.

Кушонлар империяси даврида (I-III асрлар) Марказий Осиёда суғорма деҳқончилик, хунармандчилик, шаҳарсозилк, савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқалар равнақ топди. Бунга Кушон-Бақтрия ёзувлари, барҳма ва қаҳарошҳи хинд алифбосидаги ёзувлар, кушон тангалари гувоҳлик берди. Буддизм диннинг расмий даражаси будда ибодатхоналарининг ўша замон санъати билан безатилишида намаён бўлади. Термиз яқинидаги айридомдан топилган ибодатхона ташқи девори пештоқлаорига сарғишроқ тошдан хайкал ўрнатилган. Бино ичида ғиштдан ишланган будда хайкалининг қолдиқлари топилган. Хайкалларнинг ишланиш услуби, кийими мусиқа асбоблари Хиндистон Ўрта Осиё, Юнонистон маданиятларининг ўзаро таъсирида ривожланганлигидан далолат беради. Буни Харазм, Фарғона, Суғд, Парфиядан топилган турли хил буюмлар, маданий обидалар, топилмалари тимсолида ҳам кўрсатиш мумкин. Кушонлар даврида шаҳарлар қурилиши кенг ривожланган. Шаҳарлар қалин деворлар билан ўралиб, ичида арк ва аркнинг атрофида ҳар хил бинолар қад кўтарган Сопол идишлар нихоятда нафис ва жарангдорлиги билан ва хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Амалий санъат кенг тараққий этган. Зеб-зийнат буюмлари ва меҳнат жанг қуроллари ясаш, мато тўқиш ривожланган. Умуман кушонлар даври маданияти Марказий Осиёнинг энг чўққис ҳисобланиб,маълум худуд ва замон билан чегараланмайди. Бу маданият Олд Осиё, Марказий Осиё ва Антик, Хинд маданиятлари ютуқларини ўзида жамлаб, қўллаб шарқ халқларининг ўрта асрдаги маданияти ривожи учун асос бўлди ва жаҳон маданияти ўчмас из қолдирди.

### Мавзуга доир таянч сўзлар ва иборалар.

Маданият ёдгорликлари, зардуштийлик, "Авесто", ёзув, уйғур ёзуви, Урхун-Энасой ёзуви, хал ижоди.

### Назорат саволари

1. Маданий ёдгорликлар нима?
2. Зардуштийликнинг тарихда тутган ўрни.
3. “Авесто” ҳақида гапириб беринг.
4. Ёзувнинг маданий хусусиятларини қандай изоҳлаш мумкин?
5. Тарих маданиятида ёзув маданиятининг ўрни, роли қандай?

**Тест саволари**

1. Марказий Осиёда шаҳар маданияти қачон ривожланди?

   А) 5 минг йил олдин

   Б) 7 минг йил олдин

   С) 4 минг йил олдин

   Д) 2 минг йил олдин

   Е) 1,5 минг йил олдин

2. Марказий Осиёда чорвачилик ва деҳқончилик маданияти қачон пайдо бўлган?

   А) 5-6 минг йил олдин

   Б) 7-8 минг йил олдин

   С) 10-11 минг йил олдин

   Д) 4-5 минг йил олдин

   Е) 2-3 минг йил олдин

**Мавзуга доир адабиётлар**


1. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Тошкент. 1992.
2. Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти. Тошкент. 1992.
3. Беруний қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар Беруний А. Р. танланган асарлар. 1-том. Т. 1968.
4. Исоқов М. М. Халқ даҳосининг қадимги илдидизлари ва илк куртаклари. (“зардуштийлик”, зардуш ва “Авесто” ҳақида) Тил ва адабиёт таълими.1992. № 2.
5. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Тошкент. 1994.

# 7-Маъруза мавзуи: Ўрта асрларда марказий осиё маданияти.

Маърузанинг мақсад ва авзифалари: ўрта асрларда шарқ халқлари маданиятининг ўзига хос хусуситяларини, хусусан, мусулмон шарқида шаклланган мадниятнинг иқтисодий ва ижтимоий омилларини кўрсатиш: мусулмон маданиятининг шаклланишида халифалик таъсири ваунинг тасарруфидан Марказий Осиёдаги феадал давлатларни ажралиб чиқиши мараказий осиёда IX-XII асрларда вужудга келган маданиятнинг ўзига хослигини очиш;

Маъруза режаси:

1. Ўрта асрларда Мусулмон шарқ мадниятининг ўзига хос хусуситялари.
2. Марказий Осиёда ўрта аср давлатлари ва уларнинг маданияти.
3. Меъморчилик ва санъат турлари, илм фан ва диний-аҳлоқий диннинг шаклланиши.

Яқин ва ўрта шарқда араб халифалининг шаклланиш жараёни ислом билан боғлиқ холда келди. Араб халифалиги VIII асрнинг иккинчи ярми IX аср ўрталарида жуда ривожланиб Шарқда Хитйгача, Ғарбда, Испания ҳамда Франциягача бўлган худудида ислом маданияти шаклланди. Тарихда кўчманчи қабилалар маданияти ривожланган давлатларни истило қилганлигини биламиз. Бироқ, улар янги цивилизацияга асос солмаган. Араблар босиб, олган ерларда янги маданият шаклланди. Бу ер юзасидаги бешинчи цивилизациядир.

Аввло ислом мафкураси жамият ва давлатчиликнинг ривожланишида янги ғоя сифатида хизмат қилди. Қуръон ва Хадислар шароит қонун-қоидалар учун асос бўлди. Халифалик таркибига иқтисодий ва маданий тараққиёти турли даражада бўлган кўплаб мамлакат вахалқлар бирлаштирилди. Олиму уломалар қайси халққа мансуб бўлмасин араб тилида ижод қилдилар. Демакки, Ислом маданиятини дастлаб халифалик таркибидаги барча халқларнинг намоёндалари яратган.

Халифалик таркибига кирган, Мовароуннахр, Хоразм ва мавр маданияти сифатида антик даврда  ҳам машҳур эди. Марказий Осиёлик олимлар Дамашк, Кохира, Боғдод, Куфа, Басра каби шаҳарларга бориб илм фан тарққиётига катта хисса қўшди.  Халифалар Мансур, Хурун ар-Рашид, Маъмун даврларида Боғдод иқтисодий ва маданий жихатдан тараққий этган шаҳарлардан эди.Боғдоддаги Байтул хикма (Маъмун академиясида)да турли халқлар олимлари билан бирга Ўрта Осиёдан борган олимлар ҳам иш олиб бордилар.     Хусусан байрамали музофатидаги Мавр шаҳри
VI-VII асрлардаги илм фан, маданият санъат ва хунармандчилик ривожланган шаҳар бўлган. Шойи матолари билан машҳур бўлган араблар унча Шоҳижаҳони (жаҳон шохиси) деб ном берганлар Марв илмий марказга айланиб мадрасалар ва кутубхона қурилди. Шунингдек XI-XII асрларда Мавр Сажуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлатининг марказига айланди.Харун ар-Рашид унинг ўғли алқМаъмун Хуросон ва Мовароуннахр ноиби эди. У Боғдод тахтига ўтиргач (819) йил Марвдан кўчиб кетади ва бир гурух ўрта осиёлик олимларни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади. Муҳаммад Ал-Харазмийга ҳамроҳ бўлиб борган  марказий тахаллусли бир неча риёзиёт, фалаққиёт,  санъаткор ва қомусий билим соҳибларининг ижобий фаолиятининг асосий қисми Марв билан боғлиқ.

Хоразмлик машҳур олим бўлган Муҳаммад ал-Хоразмий Бағдод ал-Маъмун Байтул-хикмага бошлиқ қилиб тайинланди. Бу ерда у ўзининг кўпгина асарларини ёзиб, қатор фанларининг  ривожланишига асос ослган. Боғдод халифалигининг ҳар хил шаҳарларидан, асосан Византиядан келтирилган китоблар тўпланган бўлиб, турли тиллардаги илмий китоблар араб тилига таржима қилинган. Боғдод академиясида шунингдек, Аҳмад Фарғоний, Жавҳарий, Марваридий ал-Хитталий каби Ўрта Осиёлик олимлар фаолият кўрсатган. Айниқса Фаробий ўзининг кўп қиррали ижоди билан фан тараққиётига улкан хисса қўшди. Аристотел ва Юнон фалсафасининг чуқур билганлиги учун Абу Наср Фаоробий Ал муаллим ассоний –иккинчи муаллим ёки Шарқ аристотели деган унвонга сазавор бўлди. Умуман, Боғдод академияси да фаолият кўрсатган олимлар ернинг катталигини аниқлаш билан шуғулланган ва халифаликдаги дастлабки расатхоналарни қурганликлари

билан ўша даврда дунё илмини амалиёт натижалари билан бойитди. Ўрта Осиё ва Араб олимлари ўртасидаги қадимий ҳамкорлик анънаналари ҳозирги даврда ҳам, айниқса Ўзбекистон мустақил бўлгач ривожланиб бормоқда.

IX асрнинг иккинчи ярмида Хуросон ва Мовароуннахр ижтимоий-сиёсий ўзгариб, рааб халифалигидан мустақил бўлган марказлашган феадал давлатлар ташкил топган. IX- XIII асрларда мавжуд бўлган самонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Сажуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатида хўжалик ва савдонинг ривожланиши билан маданият юксак даражада ва ўрта Осиёнинг дунё маданияти тарихида қўшган хиссаси белгилаб берди. Ўрта Осиёда мусулмон маданиятининг шаклланиши жараёнида мусулмон барча мусулмон ўлкалари маданияти ривожида етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Ўрта Осиё ислом маданияти мазмунида янги маданиятни Ислом оламига қайтарди. Ислом дини, адабиёт, табиий фанлардан, тарихнавислик, санъат, фалсафа, хуқуқшунослик, ижтимоий тафаккур каби маданиятнинг барча соҳасида ҳам буюк сиймолар етишиб чиққанлар. Бухоро, Марв, Самарқанд, Термиз, Нафас каби ўз даврининг тараққий этган шаҳарлари ва савдо марказлари сифатида маълум бўлди. Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразмда қишлоқ хўжалиги билан бирга шаҳар ва қишлоқларда хунармандчилик ривожланиб, феодал муносабатлар қарор топди.

Меъморчиликда янги иншоотлар: масжид,мадраса, хамом каби ижтимоий бинолар, саройлар, давлат муассасалари бозору кўприклар қурилди.

Тошкент, Фарғона, Нурота, Ўратепа, Самарқанд атрофидаги тоғлардан конлар очилиб маъданлар қазиб олинди ва қурол-яроқ анжомлари ясалиши туфайли хунармандчилик тараққий этди. Бу эса савдо-сотиқни ривож топишига сабаб бўлди. Хуросан, Хиндистон, Хитой, Буржистон, Волга бўйи, Сибирь худудлари кавон йўллари кенгайиб, савдо тараққий этди.

Мовароуннаҳр ва Хоразм шаҳарларида тўқимачилик, қулолчилик, дегрезлик,заргарлик, шишагарлик каби хунармандчилик соҳаларининг ривожланиши натижасида шаҳарларни умумий қиёфаси тубдан ўзгарди. Сарой-Девонлар, Масжид-мадрасалар, мақбара, намозгоҳ, хонақоҳ, Кавонсарой, устахоналар қад кўтарди. Шаҳарлар арк (ўрда)Шаҳристон (ички шаҳар)деб

аталди. Варабод (ташқи шаҳар) деб аталган, уч қсмини ягона девор билан ўраб олган хунармандчилик марказига айланди. Аркда подшоҳ қароргоҳи марказида Регистон майдони, маҳкамалар, қасрлар, дўконлар ва расталар жойлашган.

IX-X асрларда Бухорода «Байт-чт-риоз» номли тўқимачилик корхонаси, Зандана қишлоқда тўқилган мато ҳамда Самарқандда юқори навли қоғоз ишлаб чиқарилган. Бу даврда ясалган сирли ва нақшинкор сопол идишлар, ранг-баранг шиша буюмлар жуда сифатли бўлган. Ички бозорда «фалс» деб аталган мис чақа,халқаро савдода кумуш танга дирҳамлар муомалада бўлган. Айниқса Самонийларнинг соф кумушдан зарб қилинган «Исмоилий» тангаси
халқаро савдода машҳур бўлган.

IX-XIII аср бошларида Ўрта Осиё моддий маданият, иқтисодий алоқаларнининг ривожланиши натижасида санъатнинг турли соҳалари меъморчилик, ўймакорлик, бадиий хунармандчилик, мусиқа, қўёзма безаш каби соҳалари юксалди.

Ўрта Осиёда сўнггиантик давр меъморчилиги анъаналари араблар босқичи туфайли тўхтаб қолди. Фақат VIII асрлар охиридан халифалик таркибига кирган Мовароуннаҳр меъморчилигида силжиш бошланди. Айниқса марказлашган феодал давлатлар Самонийлар ва Маъмонийлар (Хоразм) ташкил топиши билан шаҳарлар ривожланди. Бухоро, Самарқанд, Қиёт, Термиз, Чоғаниён шундай шаҳарлар жумласига кириб, улар меъморчилиги дастлаб арабларгача бўлган йўналиш бўйича давом этди, лекин IX-X асрларда халифалик маданияти бўйсиндирилган халқлар маданияти ютуқларини ўзлаштириб, умумхалифалик маданияти жихатлари унинг ўзига сингдириб яна қайтарди. Ислом ғоялари мусулмон ибодатхоналарининг тикланишида арабча битикларнинг нақшли декор сифатида қўлланилишида, геометрик шаклларни киритилишида ўз аксини топди. Деҳқонлар қасрлари бу даврга келиб харбий қалъа вазифасини ўтамайдиган балки оддий қаср-қўрғонларга айланди. Масалан Термиздаги Қириққиз қалъаси пештоқли айвонлар қисмлари йўлаклар билан боғланган хоналари бўлган икки қаватли иншоат.

Бухородаги Самонийларнинг мақбараси марказий-гумбазий компазициясига эга бўлиб, суғдион анъаналари билан боғлиқ. Тимдаги араб ота мақбараси эса XI-XII асрлардаги янги меъморчилик услубининг дастлабкиси ҳисобланади.

Пишган ғишт меъморчиликка янги услубий сифат олиб кирди. Таъсвирий санъатни маълум чеклашлар нақшнинг ривожланишига олиб келди. Пишган ғиштни турли шаклларида терилиши геометрик нақш усулининг имкониятларини очди. Ўсимликсимон нақш услублари қонунийлашиб борди. Шунингдек араб битикларининг қўлданилиши билан янги безаш тури элиграфик нақш пайдо бўлди.

Ўрта Осиё XI-XIII аср бошларида Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Сажукийлар, Хоразмшоҳлар давр меъморчилиги гумбахзли-қуббали бинолар қурилиши билан жаҳон меъморчилигида катта ютуққа эга бўлди. Қурилиш ва қулолчиликнинг ривожланиши меъморий безаклар турини кенгайтирди. Турли шаклда йўнилган пишган ғиштни нақшнома тарзда теришдан ташқари сопол ўймакорлиги пайдо бўлди. Геометрик ўсимликсимон эпиграфик нақшлар безакда уйғун равишда ривожланиб борди. Масалан Термиз хукмдорлари саройи ганч ўймакорлиги ва нақшли тасвирий санъат билан безатилган. Бу даврда карвонсаройлар ҳам қад кўтарди.

Навоий-кармана яқинидаги Роботи малик ярим миноралар, пештоқ ва ганч ўймакорлиги билан ажойиб бинодир, шунингдек, диний бинолар масжид, мадраса, мақбаралар қуриш алоҳида аҳамият касб этади. Жоъме умумшаҳар масжиди, намозгоҳ хайитларга мўлжалланган шаҳар ташқарисидаги масжид ва мақама масжидларидир. Бу биноларнинг тизими меъморий хажми ҳам бир-биридан фарқ қилади. Жоъме масжидлари яқинида минора мезана бўлган. IX-X асрларда саройлар ҳам синчдан ва хом ғиштдан қурилган бир пайтда мақбаралар пишган ғи шдан қурилиб, Монументал шаклда,пештоқли гумбазли қилиб қурилган. Мақбара мажмуаида мемориал ансамбиллар қурилди. Термиздаги Хаким ат-термизий, Султон саодат, Самарқандаги Шоҳи Зинда каби мажмуалар шу даврда вужудга келди. X-XII асрлар мониментал меъморчилик матиматик пропорциялаш ва геометрик уйғунлик қоидаларига асос ланган. Математик

билимлар меъморчи ликда мувоффақиятли амалий ўз ифодасини топган. Бу қонуниятлар юзадаги ва текисликда нақш,қурилишда ҳам қўлланилган. Бу даврдаги геометрик нақш безак тарихининг бошқа даврларда хеч қачон бой ва ранг-баранг бўлмаган .Меъморий безакдаги услубийлашган ўсимлик нақши ҳам қатъий геометрик режага асосланган. Эпиграфик харфларни мураккаб даражада қўллаш натижасида безак санъати юксалди. Буни Кармонидаги Мирсаид мақбараси Бухородаги намозгоҳ,Минораи калон, Вовкент ва жарқўрғон миноралари мисолида кузатишимиз мумкин.

Бу дарвда хаттотлик санъати нафақат мехморий нақш сифатида, қўлёзма китобларини кўчириш ҳам ривож топди. Мусиқа санъати тараққий қилиб, янги созлар ихтиро қилинди. Абу Хифз Суғдий найга ўхшаша шоҳрутторли созни яратди. Шунингдек Абу Бакр рубоби, Бунаср, Буамир, Лукарий каби созанда ва хофизалр ижод қилишган. Рудакий, Абу Тойиб Тоҳир шоир бўлиши билан бирга созанда ва хофиз эди. Мусиқа санъати, шеърият ва мусиқашунослик билан узвий шуғулланган. Фаробий ва Ибн Сино мусиқага оид асарлар ёзган.

IX-XII аср маънавий ҳаётида дин муҳим аҳамитяга эга бўлган. Араб имлоси дин ва дунёвий савдодининг асоси эди. Ўрта Осиёда араб тилида савод чиқариб, ўзга тилда асарлар ёзган қомусий олимларимиз Абу Наср Фаробий, Аҳмад Фаробий, Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Муҳаммад Наршаҳий ва бошқалар нафақат мусулмон дунёсига балки жаҳонга машҳур бўлган.

Аҳмад фағоний (861 йил вафот этган)астроном, математик ва географ бўлиб, у боғдодда расадхона қурилишига бошчилик қилди унинг асрлари лотин тилига таржима қилиниб Европа астрономлари учун қўлланма бўлиб қолди.

Муҳаммад Ибн Мусо Хоразмий (783-850) математик, астраном, геграф ва тарихчи бўлган. У алгебра фанига асос солиб "Алгоритм" номли атамасига унинг унинг номи ўз ифодасини топди.

Абу Носир Фаробий (873-950) риёзиёт, фалаққиёт, табобат, мусиқа, мантиқ, фалсафа тилшунослик ва адабиёт соҳаларида 160 дан ортиқ асарлар ёзган. Шарқда аристотел (Арасту)дан кейин "иккинчи муаллим" номи билн шуҳрат топган. Жамият шунослик фанига улкан хиса қўшди.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) фаннинг турли соҳаларини ўрганиб табобат илмининг қадимги алломалари гипократ ва Голен Ўрта аср олими Абу Бакр ал Розий илмий ишларини давомчиси бўлди. У араб тилида 3000 дан зиё асарлар ёзди. Ибн Сино шарқда “Шейҳ ур раис” ғарбда эса Авесенно нолари билан машҳур бўлган.

Абу Райхон Беруний (973-1037) Фалаққиёт, География, Тарих фанларига оид 154 илмий асар ёзди. Ернинг думолоқ шаклда канлигини ва қуёш атрофида айланишини биринчи бўлиб асослади, дунёнинг географик харитасини тузди.

Бу даврда туркий халқларининг қадимги оғзаки адабиёт билан бирга ёзма адабиёт юзага келди. Юсуф Хож Ҳожиб (XI аср) “Қутадғу билиғ” аҳлоқ ва илм Урганчда Абул аббос Маъмун саройида ибн Сино, беруний, матиматик Абу Наср Аррок файласуф Абу саҳл Масиҳий, иштирокида Академия ташкил қилди ва маърифатига оид асар ёзди. Маҳмуд Қошғарий (XI асрда ) «Девони луғати трк» асари туркий халқларнинг тарихи, географияси,этногенезиси, урф одатлари ва маданияти тўғрисида маълумотлар беради ва Аҳмад Югнакий
(XII аср) эса Хибот ул Хақойиқ» асарида маърифарварликни улуғлайди.

Дунёвий фан билан бирга Диний илм ҳам равнақ топди. Буюк мутаффакир Исмоил Бухорий (810-870) ва Исо Термизий (824-894), Бухориддин Марғилоний (1123-1197) лар ислом таълимоти ва такомилига улкан хисса қўшганлар. Исмоил Бухорийнинг «Жомий ас-сашиҳ» асари ислом таълимотида қуръони каримдан кейинги асосий манба ҳисобланади. Шунингдек, бу даврда форсий-дарий адабий тил шаклланади. Абу Мансурнинг насри «Шоҳномаси» га ёзилган муқаддима, номаълум муаллифнинг «Хуқуқ олами» асари, Абу Жафр табарининг «Тарихий табари» китоби қуръонннинг 14 жилдлик тавсифи арабчадан дарий тилига таржима қилинди. Гардезининг «Зайнур аҳбор», Байҳақийнинг 30 жилдлик тарихий асари Мажиддин Аднонинг «траихи мулки туркистон», Муҳаммад Наршахийнинг «Тарихий Бухоро» каби асарлари форс тожик тилига таржима қилинди. Бухорода машҳур шоирлар Рудакий, Дақиқий, Балҳий ижод қилиб шеърият равнақига хисса қўшди.

Ўрта осиё илм фани равнақида мадрасаларнинг ўрни алоҳида аҳамитяга эга. Дастлабки мадраса Бухорода (Хаср) қурилган, Фежак мадарасасидир. Бухорода юнуншунослар учун махсус «Фикх мадрасаси» (XII аср) ҳам қурилган. Мадрасалар Қуръон, Ҳадис, шарият акномалари ўрганилган. Айниқса Қуръоннинг шархи «Тафсир» га алоҳида эътибор берилган. Абу Жафар Табарий тамонидан Қуръоннинг 14 жилдлик тафсири «Тафсири Табарий» изоҳлари ёзилиб у ўз вақтида араб тилидан форс тилига таржима қилинди. Абу Хафс Кабир Бухорийнинг Фикхшунослик хизмати туфайли «Қуббат ул-Ислом» деб аталади.

IX асрда Ироқда пайдо бўлган Тасаввуф илмининг Мовараунnaҳрга ёйилишида Хаким Термизий, Абу Ҳамид Ғаззолий, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолик Ғиждуоний ва аҳмад Яссавийнинг хизмати катта бўлди. Тасаввуф таълимоти асосида инсон камолоти, илоҳий ишқ ва шоҳидлик мартабалари ётади.

XII асрда Туркистонда Яссавия, Хоразмда Кубровия, XIV асрда Бухорода Нақшбандия тариқати пайдо бўлди. Сўфийлик шароит, тариқат, маърифат, хақиқат каби камолот босқичлари бўлиб, инсон фаолиятини мукаммал моҳиятини акс этади.

Тасаввуф ўрта асрларда барча илм-фан, фалсафа ва адабиёт ва санъатнинг моҳиятида ўз аксини топди ва классик маданиятнинг жаҳон миқиёсидаги мезонига айланди.

**Мавзуга доир таянч сўзлар ва иборалар**

Марказий Осиёда уйғониш даври, араб мусулмон маданияти, сўфийлик (тасаввуф), Яссавия, Нақшбандия, Кубровия, тариқатлар.

**Назорат саволлари**

1. Марказий Осиёдаги уйғоништ даврининг ўзига хос жихатлари?
2. «Араб мусулмон маданияти» тушунчасининг мазмунини изиҳлаб беринг.
3. Сўфийлик нима ва унинг асосий йўналишларидан қайсиларини биласиз?
4. Шахснинг маънавий тарбияси учун сўфийликнинг аҳамиятини сўзлаб беринг.

**Тест саволлари**

1. «Тавсир» сўзи нима маънони англатади?

А) таржима қилинг

Б) Хадис тўплаш

С) тиловат қилиш

Д) шархлаш

Е) динни таҳлил қилиш.

2. Марказий Осиёдага Уйғониш даврининг энг йирик, ёрқин вакиллари-олиму-фузоларининг лотинча номларига тўғри келувчи асл номларини аниқланг: Алгоринмис, Алфроганус, Авеццена?

А) Ал-Фаробий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний

Б) Ал-Хоразмий, Ал-Марғилоний, Ал-Мотрудий

С) Ал-Фаробий, Ал-Хоразмий, Ибн-Сино

Д) Ал-Жавхарий, Ал-Фарғоний, Ал-Мотрудий

Е) Ал-Фаробий, Ал-Беруний, Ал-Розий

**Мавзуга доир адабиётлар**

1. И. А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» Тошкент. 1998
2. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Тошкент. 1994.
3. Абдухалиқов С. Маданият тарихи ва унинг асосий масаласи, Тошкент 1998.
4. Аҳмедова Э., Габидулин Р., Културология, мировая культура. Тошкент.2001.
5. Гуревич П.С. Культурология, мировая культура. Тошкент. 2001
6. Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. Ташкент. «Янги аср авлоди »

# 8-Маъруза мавзуи: Темур ва Темурийлар даври маданияти

**(XIV асрнинг иккинчи ярми -XV аср) 2с**.

1. Темур ва Темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий маданиё маиший тараққиёти.
2. Меъморчилик тасвирий санъат ва амалий санъат.
3. Илм фан ва адабиёт.
4. Санъат фасафа дин.

1. Темур ва темурийлар даври Ўрта Осиё маданиятида алоҳида

даврни ташкил қилади. Маданият тарихида классик давр ҳисобланган бу давр хусусан, ўзбек маданиятининг бугунги хуқуқий жойлашувида асос бўлиб хизмат қилади. Аввало, бу давр маданияти Темур асос солган кучли давлатчилик тамоиллари асосида ижтимоий иқтисодий тараққиёт билан боғлиқдир.

Амир Темур Даврида Ўрта Осиёнинг мустақил бир давлат қилиб бирлаштирилиши мамлакатнинг иқтисодий-маданий тарақиётига ижодий таъсир кўрсатади. Илм-фан, адабиёт ва санъат, хунармандчилик ва меъморчилик равноқ топди. Мамлакатлардан кўплаб фан ва санъат аҳилларини, хунарманд меъморчилик ва мксаввирларини тўплади.

Темур марказлашган давлат тузиш дараёнида ишлаб чиқаришга, хусусан қишлоқ хўжалиги алоҳида эътибор берди. Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги сунъий суғоришга бағлиқлигини яхши тушунган Темур Ангор каналини қиздирди ва Муғроб водийсида суғориш ишларини йўлга қўйди. Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарлари оқар сув билан таъминланди. Лалмикор ерларида ариқлар қазилди. Деҳқончиликда донли экинлар, пахта, зиғир, экилган. Бўёқ учун рўян ўсимлиги ва шунингдек пиллчиликда тутлар кўп экилган, узум ва лимонлар етиштирилган.

Улуғбек даврида Бооғи майдонда турли ўсимликлар экилиб, Боғча номли боғ барпо этилди. Темур самарқанд атрофида Бағдод, Султония, Шероз номли

қишлоқлар қурдилар. Темур ва Улуғбек даврида қўйчилик ва йилқичиликка алоҳида эътибор берилган.

Тоғ-кон ишлари йўлга қўйилиб, турли маъданлар қазиб олиниши билан хунармандчилик ривожланди.

Ободончилик, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши иқтисодий ҳаётда муҳим соҳа хунармандчилик, савдо ва тавар пул муносабатларининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Хунармандчилик тармоқлари кўпайиши туфайли шаҳарларда хунармандчилик маҳаллаларнининг сони ортиб, янги бозор расталари, тим ва тоқлар қурилган. Тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик, темирчилик ва бинокорлик соҳалри асосий ўрин тутган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шоҳуҳия, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларида хунармандчилик маҳаллалари қурилиб, савдо марказига айланди. Ип, жун, каноб, толасидан газламалар тўқилган Ипакдан шойи газламалар атла, кимхоб, бонорас, дуҳоба, ҳоро, дебо каби газламалар тўқилди.

XV-асрда метал буюмлари уй рўзғор буюмлари, асбоб-ускиналар, қуролқ-яроғлар кўплаб ишлаб чиқарилган. Самарқанд қуролсизлик марказига айланиб, совутсозлик маҳалласи қурилган. Шаҳарларда мис ва жездан буюмлар ва мис чақалар зарб қилинган. Темур фамони билн уста Иззодин Исфахоний ясаган жез қозон ва шамдон ҳозиргача сақланиб қолган. Мисргар ва Чилангарлар метални тоблаш, сиртига нақш солиш, олтин ва кумуш суви юритиш каби мурккаб ишларни бажарганлар.

Масалан, Бибихоним масжиди элликлари етти хил маъдан қотишмалар тайёрланган. Заргар олтин ва кумуш, жез қотишмаларидан нафис зе-зийнат буюмлари ясаганлар. Олтин кумуш гардишли, қимматбаҳо тошлар қадалган идишлар сиртига нақш ва ёзувлар ишланган.

Кулолчилик сертармоқ соҳа бўлган. XIV-XV асрларда сирли сопол бадиий ранг-баранглида турли соҳаларда ишлатилган. Ва турли буюмлар ясалган. Тоштарошликда нақш, хаттотлик кенг қўлланила бошлади. Бинокорликда ғишт терувчилар, "банно" пештоқ, равнақ ҳамда тоқларга парчи ва чироқ қопловчи падозчилар "устоз" деб аталган.

Самарқандда шишакорлик ривожланиб турли идиш ва буюмлар ясалагн. Қурилишда рангли ойналардан фойдаланган. ЁЁғоч ўймакорлигида нақшли бинолар қурилган ва буюм жихозлар ясалган.

Самарқанд қоғози хатто чет ўлкаларда машҳур бўлган.

Бу даврда хунармандчилик молари ишлаб чиқариладиган корхона бошлиғи "уста" шогирдлар Халфалар бўлган. Хунармандлар шаҳарнинг маданиятли табақасига мансуб бўлган.

Темурийлар давлати Хитой, Хиндистон, Эрон, Русия, волга бўйи, Сибир билан мунтазам савдо-сотиқ алоқалари олиб борилган. Чет давлатлари билан савдо алоқалари ўрнатишда темурийларининг элчилик алоқалари аҳамият касб этган. Темур савдо расталари ва бозорлар йўллар қурдиради., карвон йўлларида кавонсаройларни кўпайтиради. Айниқса Самарқанд, Бухорода бозор чорсу, тим, тоқ, каппон каби савдо хунармандчилик иншоотлари қад ростлади

Шаҳар бўйлаб ўтган кенг кўчанинг икки тамонига дўконлар жойлаштирилган. Самарқанд Бухоро савдо майдонларининг кенгайиши ва ихтисослаштирилган бозорларга эгалиги билан ажралиб турган. Бозор савдо маркази ва хунармандчилик ишлаб чиқариш жойи эди. Шунингдек бозорларда қўлёзма китоблар, ёзув қоғози сотилган, ариза, ёки мактуб ёзувчи мирзалар ҳам ўтирган. Савдо растоси унда сотилувчи товар номи билан аталган. Бозорларда адабиёт, илм-фан ҳақида суҳбатлар бўлган, фармонлар эълон қилинган ва айбдор жазоланган. Турли томошалар шу жойда кўрсатилган, масжид, мадраса, хамом бозорга яқин жойга қурилган.

Темурийлар даврида карвон йўлларида элчилар, чопарлар ва савдо карвонлари учун дам олиш, отлар алмаштириш жойлари қурилган.

XIV-XV аср охирларида Моварауннахрни кўп мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий баъзан сиёсий ва ҳарбий аҳамитяга эга бўлган карвон йўллари боғлаган эди. Бу йўллар бир-биридан иқтисоди, халқ турмуш тарзи, дини, маънавий ва модий маданияти жихатидан фарқланувчи малакатларининг ўзаро алоқасини ривожланишига имкон берди. Карвон йўллари савдо, дипломатик алоқаларнинг амалий вазифасини, айни вақтда мамлакат ва халқларини ўзаро

иқтисодий ва маданий вазифасини, айни вақтда мамлакат ва халқларнинг ўзаро иқтисодий маданий таъсирини мустахкамлашга хизмат қилади.

2. Ўрта Осиё халқ заминида темурийлар даври илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларида камолот босқичига кўтарилди. Темурийлар давлатининг қудрати айниқса меъморчиликда намаён бўлди. Оқсарой пештоқида битилган «Қудратимизни кўрмоқ истасанг-биноларимизга боқ!» деган ёзув Темур давлатининг сиёсий вазифасини ҳам англатар эди. Темур даврида Мовароуннаҳр қурилишида истеҳкомлар, шоҳ кўчалар, меъморий мажмуалар кенг кўллам касб этади. Илк ўрта асрлардаги шаҳарнинг асосий қисми бўлган «Шаҳристон» дан кўлам ва мазмуни билан фарқ қилувчи «Хисор» қурилишини Самарқанд ва шаҳрисабзад кузатиш мумкин. Темур даврида Кеш шаҳри қурилиши якунланди. «Хисор» нинг жануби-ғарбга хукумат саройи Оқсарой ва атрофда робатдир, боғ-роғлар қурилди.

Темур салтанат пайтахти Самарқандни безатишга алоҳида эътибор берди. Шаҳарда «Хисори», қаъа, улуғвор, иншоотлар ва тиллакор саройлар бунёд эттирди. Самарқандга кираверишдаги Кўхак тепалигида Чўпон ота мақбараси Улуғбек даврида қурилган бўлиб, бу иншоотда мутаносиблик, умумий шаклнинг нафислиги, безакларда улуғворлик уйғунлашиб кетган. Темур даврида Самарқанд Афрофсиёбдан жанубда мўғиллар давридаги ички ва ташқи шаҳар ўрнида қурила бошлади ҳамда бу майдон қалъа девори хандак билан ўралган. Шаҳарга олтита дарвозадан кирилган.

Шаҳар маҳаллардан иборат бўлиб, гузарларга бирлашган. Шаҳрда меъморий мажмуалар шаклланиши Темур ва темурийлар даврининг энг катта ютуғи бўлди. Меъморчилик тараққиётнинг янги босқичига кўтарилди., иншоотлар кўлами билан бирга унинг шакли ҳам улканлашди. Бу жараён мухандислар, меъморлар ва наққошлар зиммасига янги вазифаларни қўйди. Темур даврида гумбазлар тузилишида қирралар оралиғи кенгайди. Икки қаватли гумбазлар қуришда ичкаридан ёйсимон қовурғаларга таянган ташқи ташқи гумбазни кўтариб турувчи пой гумбазнинг баландлиги ошди. Улуғбек даврида гумбаз ости тузилмалари янги хиллари ишлаб чиқилди. Аниқ фанлардаги

ютуқлар меъморчилик ёдгорликларида аниқ кўринади (Шоҳизинда, Аҳмад Яссавий, Гўри Амир мақбаралари, бибихоним масжиди, Улуғьек мадрасаси) Уларнинг олд тамони ва ички қиёфаси режаларини тузишда меъморий шаклларнинг умумий уйғунлигини белгиловчи геометрик аниқ ўзаро нисбати бор. Безак ва сайқал ишлари ҳам бино қурилиши жараёнида баравар амалга оширилган.

Темурийлар давригача ва ундан кейин Мовароуннаҳр ва Хуросон меъморчилигида безак ва нақш бу қадар юксалмаган. Темур ва Улуғбек даври меъморчилигида безакда кўп ранглик ва нақшлар хилма-хиллиги кузатилди. Эпиграфик битикларни бинонинг махсус жойларига, хаттотлик санъатини мукаммал эгаллаган усталар олти хил ёзувда ишлаган.

Кушон қатамларида тасвир мазмуи камучрайди. Оқсарой пештоқларида Шер билан Қуёшнинг жуфт тасвири учрайдики, бу размий маънога эга. Темур ва Улуғбек даврида биноичининг безаги ҳам хилма-хил бўлган. Девор ва шифт, хатто гумбаз ҳам нақш билан зийнатилган. Темур даврида қурилган биноларда кўк ва зархал ранглар устун булиб, дабдабали нақшлар ишланган, Улуғбек даврида Хитой чиннисига оқ фондаги кўк нақшлар учрайди.

Бу даврда диний иншоотлар, хукмдор саройлари, аслзодаларнинг қароргоҳлари кўплаб қурилди. Темур Хиндистон юришидан сўнг (1139й) Самарқандда жоъме масжиди қурдирдилар. Унинг рўпарасида Бибихоним мадрасаси ва мақбара бунёд эттирди. Улуғбек Бухоро жоъме масжидини кенгайтириб қайта қуриш ишларини бошлаган, бироқ у XVI асрда қуриб битказилди.

Темур даврида сарой Мулк хоним Гури Амир мажмуасида мадрассалар курилган. Улугбек Самарканд ,бухоро ва Ғиждивонда мадрассалар бунёд этилди. XV асрда мадраса меъморчилиги ўзининг узил кесил қиёфасига эга бўлди. Темурийларнинг икки санъат дурдонаси- Самарқантдаги ва Улуғбек ва Хиротдаги Гавхаршодбегим мадрасалари ягона тизим режаси бўйича курилганлигига карамай бир-биридан фарқ қилади.

Темурийлар давридан қолган мақбара, дин арбоблари ва рухонийлар қабрини ўз ичига олувчи тусиқ- хазира, авлиёлар қадамжолари, дахма алохида гурухни ташкил қилади. Самарқантда Темур даврида Шайх Бурхониддин Сағоржий хилхонаси- Рухобод мақбараси ва Темурийлар хилхонаси- гўри амир. Шунингдек Шохизинда мажмуасида пештоқли мақбаралар қурилди. Улуғбек даврида ижодий изланишлар самараси дахмаларнинг меъморий кўринишига хон тасир ўтказади. Шохизинда мажмуасида саккиз қиррали мақбара ва ҳозиргача Қозизода Румий мақбараси деб келинаётган (Султоннинг онасиучун курилган, асли номаълум) мақбара қурилади. Улуғбек Бухоро, Ғиждувон, Шахрисабз, Термиз, Тошкентда ва ноёб обидалар қурдирган.Аммо қурилиш миқиёси ва безаклар бўйича Самарқанддаги обидалар устунлик қилади. Тошкентда Занги ота мақбараси ва Шойхонтохур мажмуаси, бўлииб Қалдирғочбий мақбараси XV асрнинг биринчи яримига мансуб.

Темур даврида улкан иншоот-Туркистон шахрида Ахмад Яссавий мақбараси барпо қилинди. Бу мақбара мусулмон шарқининг меъморий ёдгорликлари орасида энг ноёбидир.

Қадамжолар меъморчилиги хам ўзига хос тузилишига эга. Темур Бухорода Чашмаи аюп (1380) ёдгорлиги курдиради. Шунингдек, Темур Шахрисабзда зиёрат ва дафн маросимлари учун «ҳазира»- «Дор ус-сиёзат» (1389-1400) хилхонасини қурдирган. Ўғли Жаҳонгир вафот этгач Шахрисабзда (Ҳазрати Имом) мақбарасини қурдирган. Унда Хоразм меморчилиги анъаналарини кўриш мумкун.

Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси меъморий санъатнинг ноёб ёдгорлигидир. Расадхона диаметри 48 метрли айлана шаклида бўлиб, уч қаватлидир.

Темурийлар даврида қурилган саройлар икки хил бўлган. Биринчиси- маъмурий-сиёсий мақсадда бўлиб, қалъа ёки шаҳар ичида қурилган. Иккинчи шаҳар ташқарисидаги боғларда қурилган қароргоҳларда қабул маросим лари ва мажлислар ўтказилган ва хордиқ чиқарилган. Шаҳрисабздаги Оқсарой гумбазининг диаметри 22 метр бўлиб, тоқ равоқлари беқиёс бўлган. Темур ва Улуғбекнинг асосий қароргоҳи Самарқанддаги Кўксарой ва Бўстонсарой

дейилади. Шунингдек шаҳарларда ташқарисида Темур ўн иккита боғ ва саройлар бунёд эттирган.

Улуғбек даври самарқанднинг Регистон майдони шаклланди. «Масжиди Муқаттаъ», 210 гумбазли кўкалдош жоъме масжиди қад кўтарди. Шоҳизиндада айрим мақбаралар, Шаҳрисабзда Кўгумбаз масжиди, «Чилустон» ва «Чиннихона» саройлари унинг даврида қурилди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда Хўжа Аҳрор мадрасаси, Ишратхона, Оқсарой мақбаралари бунёд қилинди.

Амир Темур ва Улуғбек даврида тасвирий санъат турили йўналиш бўйича юксалди. Исломда жонли нарсалар тасвирига сиғинмаслик тасврий санъатда нақшнинг равнақига сабаб бўлди. Ўрта Осиёда араблар босқичи туфайли тўхтаб қолган деворий суратлар ва умуман тасвирий санъат Амир Темур даврида шакл ва мазмунда тикланди. Хатотлик-қўлёзма адабиётининг ажралмас бир қисми ҳисобланган. Миниатюра-тасвирий санъатга аввало нақш сифатида қаралган. Темурийлар даврида тикланган деворий сураъатлар XV асрда яна тўхтаб қолди. Самарқанддаги Темурийлар сарой ва қароргоҳларида қабул маросимлари, жанг воқеалари,ов манзаралари, халқ байрамлари тасвири туширилган деворий суръатлар бўлган. Темур ўғиллари ва набаралари, аёллари ва канизаклари тасвири бу деворий суръатларда акс эттирилган Улуғбек даврида ҳам деворий суръатлар мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, услубий жихатдан миниатюра жанрига яқин бўлган. Бу даврда қайта кўчирилган Абдураҳмон ас-Сўфийнинг (X аср) фалаққиётга оид асарига ишланган бир суръатда Андромеда юлдузлар туркими Чочлик аёл қиёфасида тасвирланади. Самарқанд расадхонасида эса тўққиз фалок кўриниши, етти-гардиш, етти юлдуз-ёритгич, даража вақт бўлимлари, ерюзининг етти иқлими тасвирланган.

Темурдаврида қурилган. Ширинбека опа, Бибихоним, Туман опа обидалари, наққошлик ва хаттотлик билан бирга тасвирий лавҳалар ҳам мавжуд бўлган. Ширинбека опа мақбарасида тасвир кўп рангларда, қолган ички бино деворлари оқ ва мовий ранг табиат манзаралари тасвирланган.

Хаттотлик санъати тараққиётига XV асрда анъанавий насхи, куфий, деворий хатлари билан бирга пештоқларни безовчи сусл ва тезкор-насталик ноёб қўлёзма асарлар кўчириладиган махсус устахоналар китобчиликнинг равнақига ижобий таъсир кўрсатди.

Амир тТемур даврида Самарқандда миниатюра рассомчилик мактаби ташкил топди. Туркия ва Берлан кутубхоналарида сақланаётган кўчирма-хомаки миниатюра нусхалари XIV-XV асрларга оид бўлиб, уларда алоҳида шахслар, дарахтлар, гуллар, кичик компазициялар, нақшларда чизиқлар уйғунлиги харакатлар аниқлиги, қиёфаларининг ўз ўрнида жойлаштирилиши билан ажралиб туради.

Тарихий шахсларнинг қиёфалари ҳам миниатюраларда акс этган. Амир Темур қиёфаси тириклик вақтида акс этган миниатюралар ҳали топилмаган. Асл холатига яқин суръатлар "Зафарнома" нинг дастлабки кўчирилган нусхаларида учрайди. Унинг бир мунча ёрқинроқ қиёфаси Хиротда (1467 й.) кўчирилган "Зафарнома" да келтирилади. Дастлаб Мирак наққош бошланган ва Беҳзод якунланган ушбу миниатюра бо копазицияси ва сержило бўёқларнинг уйғунлиги адралиб туради.

Миниатюра рассомчигининг тараққиёти дадабиётининг равнақи ва ривожи билан боғлиқ бўлган. Мусаввирлар Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, сўнгра Жомий ва Навоий асарларига расмлар ишланган. XIV асрда "Жомеъ ут-таворих", "Тарихи рашидий" каби тарихий асарларга ҳам миниатюралар ишланган. Бу анъаналар Темурийлар даврида ҳам давом эттирилиб, "Зафарнома" ва "Темурнома" асарларида жанг лавхалари тасвирланган. Айрим холларда диний асарларга ҳам Макка ва Мадина тасвири туширилган. Бадиий асарларнинг баъзиларида Муҳаммад пайғамбарнинг (юзи ниқобда) одамлар орасида турган холати ва меърожга чиқишларига оид лавҳалар учрайди.

XV аср миниатюраларнинг аксариятида шарқ шеъриятининг қаҳрамонлари- Лайли ва Мажнун, Хусров ва Ширин, Рустам жанг лавҳалари тасвирланган. Умумман миниатюра санъати Ироқ, Эрон, хуросон, Мавороуннаҳр ва Хиндистонгача худудларида бир даврга хос бадиий- эстетик ходиса эди. Бу

ходиса Темурийлар билан боғлиқ бўлиб, темурийларнинг Боғдод, Шероз, Табриз, Ҳирот, Самарқанд, Деҳли каби марказларида бир неча миниатюралар мактаблари вужудга келди.

Самарқанд миниатюра мактаби XIV-XV асрнинг биринчи ярмида қарор топган бўлиб, турли туркумда яратилган бу миниатюраларда Шарқий Туркистон санъатига хос бўлган Туркий образларда хитой рассомчилиги таъсири сезилиб туради.

Самарқанддаги сарой мусаввирлари Абул Хайя ва унинг шогирдлари Шайх Маҳмуд Таҳлилий, Пир Аҳмад боғи Шомолий, Муҳаммад Бин, Муҳаммадшоҳ, дарвеш мансурлар ишлаган темурийлар даврига хос ов-шикор мавзуида яратилган. 1420 йилдан кейин Бойсунқир Мирзо Хиротдан Хаттотлик ва наққошлик устахонаси ташкил қилгач бу рассомларнинг айримлари Хиротга кўчиб ўтди. Абул Хайя тарихий асарларда ишланган миниатюраларда Амир Темур ва Темурийларнинг қиёфалари акс этса, бадиий асарларга ишлаган расмларида ҳам улар турли холатларда тасвирланган. Халил султон даврида ишланган айрим минитюралар график тарзда, бадиий жихатдан ўзига хос "сиёхи қалам" услубида ишлаган Темур ҳаётлик даврида унинг сарой деворларида шоҳ ва Шахзодалар бор бўйида тасвирланиб, хақиқий партирет жанри камолиддин Бекзод шакллантирди. Умуман Темур ва Темурийларнинг қиёфалари тасвирланган кўплаб миниатюралар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Уларнинг аксарият расм чизилагн давр ёки рассом, жой мактаб кўрсатилмаган. Бироқ бу миниатюраларда нур сочиб турган қуёшсимон шернинг боши тасвирланган туғ-Темурнинг герби-унингсаройи пештоқида, Халил Султон ва Улуғбек зарб қилган тангаларда учрайди. Шунингдек табиат тасвирида тўқ яшил ва жигарранг кўплиги, кийимлар туркий миллатига хос бўлганлигидан бу миниатюралар Самарқанд миниатюрачилиги мактабига мансуб дейиш мумкин. Чунки, Хирот ва Шероз миниатюралари қаҳрамонларининг дейиш бошқачароқдир.

Самарқанд мактаби миниатюралари вакилликлари композицияси яратиш ва манзара тасвирида маҳоратлидирлар.

Улуғбек даврида машҳур бўлган хаттот ва мусаввир асли Обивардлик Султон Али Бовердий миниатюралари рангларининг ёрқинлиги билан ўзига хосдир ва уни кўрсатилади. Самарқанд мактабига хос бўлган 18 та миниатюра Низомийнинг "Хамса" асарига ва 49 та миниатюра "шоҳнома" асарига ишланган ҳозир Туркия кутубхонасида сақланади. Улуғбек даврида ас-Сўфийнинг "Силжимас юлдузлар рўйхати" асарига ишланган миниатюраларда хариталар қизил ва қора доиралар билан катта ва кичик юлдузларнинг жойлашиши кўрсатилган бўлиб, график тарзда ранг бермай, қора сиёхда чизилган. Юлдуз туркуми оддий халқ вакили қиёфасида тасвир этилди. Шарқ миниатюрачилигида оддий халқ ҳаёти темурийлар даврида пайдо бўлган. Масалан "Самарқанд масжидини қуриш", "Искандар деворини бунёд этиш", "кўчманчилар турмуши", Жамшиднинг оддий халққа хунар ўргатиш мавзуида миниатюралар бўнига мисолдир.

Темурийлар даврида маданиятнинг юксалиши бадиий хунармандчиликнинг турли шаклларида намоён бўлди. бадиий хунармандчилик асосан меъморчилик билан боғлиқ бўлмай, кошнкорлик кулолчилиги, ёғоч ва тош ўймакорлиги билан ҳам боғлиқ эди. Қабр тошларга қисман ўсимликсимон, геометрик назмларда битилган. Қабртош Сағана ёки Суна шаклида бўлиб, бўз рангли мармардан, айрим холларда ўта ноёб тошлардан тантана идишлар ишланган. Ёғоч ўймакорлигида Гўри амирда, Шоҳи Зинда, Яссавий мақбаралари, эшиклари, шунингдек, Хvасрга оид уй устунлари нақшлар билан ишланган. Темур ва улуғбек даврларида метал ўймакорлиги тараққий этади. Буюм ва идишлар олтинсимон бронза, латун, қизил мисдан ишланган. Нақшлар ўйиб, бўрма усулда, қимматбаҳо тонналик қозон бронза қўйиш санъатининг энг юксак наъмунасидир.

Амалий санъатнинг кулолчилик тури учун яшил, зангори тусдаги ёрқин сир устига содда ўсимликнома нақшларни қора бўёқлар билан туширишга уюрма гуллар ишланиши, бу даврда пайдо бўлган оппоқ идишларга сир устидан кобалът ёрдамида накш берилиши янгилик эди. Сопло буюмлардаги нақшлар мўйқаламда чизилган. Олдинги асрларда сопол буюмларига чизиқ нақшлар чизилган,

темурийлар даврига мансуб чиккисимон сопол буюмларда кулол рассом турил темурийлар даврининг амалий санъат даражасига кўтарилди.

Амир Темур илм-фан ривожи учун ғамхўрлик қилиши туфайли Самарқанд дунёнинг маъруфий марказига айланди. Машҳур олимлар Самарқандга келди. Масалан Қозизода Румий, табиб Хусамиддин Керманий фалаққиётшунос мавлона Аҳмад, Улуғбек даврида турли мамлакатлардан келган 100 дан ортиқ олимлар илмий ижодий фаолият кўрсатганлар. Темур ва Темурийлар замонида табиий гуманитар фанлар асосида буюк олимлар етишиб чиқди ва жаҳон фанига муносиб ҳисса қўшди. Фалаққиётшунос фанида Улуғбек, Қозизода, Румий, Ғийсиддин Жамшид ва Али Қушчилар яниг кашфиётлар қилди. Тарих илмида Шарофиддин Али Яздий, хофизи Абрў, Абду раззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий ва бошқалар қимматли асарлар яратди. Бадиий ижод ва тилшуносликда Жомий, Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий, Атоулло Хусайний, Кошифий сингари ижодкорлар юксак санъат асарлари билан машҳур бўлди.

Мирзо улуғбек даврида Самарқандда биринчи Академияга саос солинди, ер қуррасини ўлчаш ва фалаққиёт шунослик жадвалларини тузиш ишлари аамлга оширилди. Самарқанд расадхонасининг қурилиши улкан маданий воқеа бўлиб, жихози ва илмий ютуқлари жиҳатидан унга тенг келадиган расадхона йўқ эди. Расадхона улуғбек математика, геометрия, фалаққиётшуносликда чуқур билимлар соҳиби эди. Али Қушчи, Муҳаммад Ҳавофийлар унинг севимли шогирдлари бўлган.

Мирзо улуғбек «зич» асарида VIII-XI асрларга бошланган фалаққиёт илмига оид анъанани давом эттирб, юқори даражага кўтарилди. Математикага доир «Бирдаража синуси ҳақида» , фалаққиётшуносликка оид «Рисолаи Улуғбек» ва мушқа ҳақида «Мусиқа илми ҳақида рисола» каби асарлар ёзди. Улуғбек Самарқанд ва Бухоро, Ғиждивонда мадрасалар қурдирилиб, таълим ишларига раҳбарлик қилди.

Темур ва темурийлар даврида ҳалқ оғзаки ижоди намуналари яратилди. Адабиёт бадиий услуб жихатдан такомиллашди, адабиётшунослик ва

тилшуносликка оид илмий асарлар яратилди. Ўзбек таржима адабиёти вужудга келди.

Бу даврда етук ижодкорлар Қутб, Сайфи Саройи, хайдар Хоразмий, Дурбек, Амирий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ ва бошқалар яшаб ижод қилди. Айниқса ўзбек ёзма адабиётининг дунёвий кўламини Навоийнинг ижоди камолот босқичига кўтарди.

Илм фан ва адабиётнинг ривожи китобат санъати, янги қўлёзма асарларини кўчириб ёзиш, хаттотлик, мусаввирлик, лавҳа чизиш, муравозлик каби санъаткор тараққиётига ҳам ижобий таъсир қилди. Нафис китоб ва хаттотлик XVI-XV асрларда янги тараққиёт босқичларига кўтарилди. Хаттот Мир Али Табризий (1330-1402) настаълиқ хатини кашф қилди. Бу усул Хиротда Султон Али Машхадий бошчилигида юксак босқичига кўтарилади ва Абдураҳмон Хоразмий, Султон Али Хандон, Мир Али Қалқалам, Ҳалвоий, Рафиқий каби хаттотлар, мусаввирлар етишиб чиқди. Самарқанд ва хиротда Темурийларнинг сарой кутубхоналари ташкил этилди. Бу кутубхоналар хунармандчилик корхонаси ҳисобланган, уларда қўлёзма асарларни тўплаш ва сақлаш ишлари бажарилди.

XVI-XV асрлар Ўрта Осиё халқларининг мусиқа санъати тараққиётида ҳам янги босқич бўлди. Янги куй ва қўшиқлар, чолғу асбоблари ва мусиқа санъатига назариясига доир асарлар яратилди. Маҳоратли сазондалар, бастакорлар ва хофизлар етишди. Абдуқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхий, Хусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Аҳмад Қонуний, Юсуф Андижоний кабилар шулар жумласидандир. Улуғбек , Жомий, Навоий ва Биноийлар мусиқа илмига оид асарлар ёзиб янги куйлар ижод қилди. IX-XII асрларда шаклланган 12 мақом бир даврда такомиллашди. Шунингдек кенг оммога мўлжалланган театрлашган тамошалар халқ сайрларида масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, дарбозлар ўз санъатини намоиш қилган.

Темур ва темурийлар даври маънавий ҳаётида диний фалсафа катта ўрин тутади. Сўфийлик тариқатида Нақшбандийлик ривожланиб, барча ижтимоий маънавий соҳаларга ўзтаъсирини кўрсатди. Баҳовуддин Нақшбандий бу

тариқатни бойтиб, балогардон мартабасига эга бўлган каромат соҳиби эди. XV асрда Нақшбандия тариқатининг давомчиси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордир. Самарқандга еклган Хожа Аҳрор валининг темурийлар ўзларига пир деб биладилар. Хожа Ахрор Нақшбандия Хожагон тариқатининг йўналишини белгилаган ва ижтимоий фаолиятдан ташқари ижодкорлик илми билан ҳам шуғулланиб бир нечта сарлар ёзган.

Ўрта Осиёда Темур ва темурийлар даврида маданият ривожланди ва камол топди. XIV-XV асрлардаги Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий тараққиётнинг тамал тожини буюк соҳибқирон Амир Темур қўйган эди.

## Мавзуга доир таянч сўзлар ва иборалар

Уйғониш даврининг чўққиси, Амир Темурнинг маънавий дунёси, Темурийлар даври маданияти, тарихий фанлар.

## Назорат саволлари

1. Темурийлар давридаги маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Амир Темур шахснинг Мовароуннахр маданияти ривожиги қўшган хиссаси.
3. Амир Темурнинг маънавий тамойиллаб ҳақида беринг
4. Темурийларнинг маданият ривожига қўшган хиссасини таърифлаб беринг

## Тест саволлар

1. Амир Темурнинг сиёсатида нима устун бўлган?

   А) Бағрикенглик

   Б) саховат

   С) Диёнат

   Д) олийжаноблик

   Е) Адолат

2. Амир Темурга «Хофиз-улҚуръон» деб ном берилишининг Сабаби нима?

   А) Қуръонни таржима қила олиши

   Б) Қуръонни ёддан билиши

С) Қуръонни чиройли тиловат қилиши

Д) Қуръонни шархлай олиши

Е) Қуръонни ёдлашга ўрганиши

**Мавзуга доир адабиётлар**


1. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Тош. 1996.
2. Темур ва Улуғбек даври тарихи. Тошкент. 1996.
3. Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти. Тошкент. 1992.
4. Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. Тошкент. 1996
5. Умаров Э., Абдуллаев М., хакимов Э. Культурология. Ташкент «Яниг аср авлоди».


## 9-Маъруза мавзуи: XVII-XX асрлар Ўзбекистон маданий тараққиёти

1. Марказий Осиёда мустақил хонликларнинг вужудга келиши ва маданиятининг аҳволи.
2. Мустақил хонликлар ва амирликнинг ўзаро маданий таъсири ва алоқалари.
3. Марказий Осиё маданиятига рус ва дунё маданиятинингтаъсири.

Марказий Осиёда Темурийлар даврида маданият.

Аштархонийлар даражаси билан дунёга машҳур бўлди. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври (XVI-XVIII асарлар)да мамлакат феадализмининг мураккабжараёнларини бошдан кечирди.

XVI асрда хунармандчиликнинг ривожланиши транзит ва ички савдонинг кенгайишига ёрдам беради. Бу даврда хунармандчиликнинг 60 дан ортиқ тури мавжуд эди. Марказий Осиё, Хиндистон, Эрон, Балх, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ ва дипломатик алоқада бўлди. XVI-XVI асарларда Мавараунннахрда илм фан анча ривожланиб борди. Адабиёт, Трих, Меъморчилик ва тасвирий санъат ўзига хос ривоюланиш босқичини босиб борди. Хасан Бухорий Нисорий (1566) йилнинг "Мазаккир ул-ахбоб" ва Мутрибийнинг (1604) Тазкиратош шуаро номли адабиёт анталогияси бунинг яққол ифодасидир. Бу

қомусий анталогияда 100 дан ортиқ адабиёт арбобларини ижод ва таржимаи холлари ўрин олган. Мамлакатда хунар ва савдо ишларининг ривожланиши илм ахлини ижтимоий кенгайишига таъсир кўрсатди. Мутаффакир зайниддин Восифий 1512 йил Самарқандда бўлган базм мушоираларда косиб, шоирлар, савдогарлар ва оддий кишиларнинг маркаларида фаол қатнашиб турганлигини баён қилади. Уларнинг аксарият шеър ёзиб турганлиги ўша давр табақаларининг маданий жихатдан юксак савияда эканлигидан далолат беради. Бу даврининг ўзига хос хусусияти шундаки кўплаб адабий ва тарихий асарлар ўзбек тилида ёзилагн муаллифи номаълум (нурратнома) Муҳаммад солиҳнинг Шайбонинома асарлари ўзбек тилда ёзилган. Бундан ташқари машҳур тарихчи Шарофиддин Алияздийнинг тарихий асарлари хусусан "Зафарнома"си улуғбекка бағишланган "Мунтахаби Жомеъ ва таворихи шохи" деган асарлар ўзбек тилаг ўгирилди. Шайбоийлар даврида фаннинг қатор тармоқлари ривож топди. 1693 йилда Амин Аҳмад Розий "Хафт Иқлим" етти иқлим жўғрофий биологияга оид луғат тузди. Мутрибийнинг дунё харитаси иллова қилинди. Мусиқа илмига оид Бухоролик Навкабий асари ҳам 16 аср бу санъат ривожидан дарак беради. Бундан ташқари хаттотлик санъатини ривожига катта хисса қўшган Султон Али Машадий МИр Али Хирвий, Маҳмуд али Шикобий каби хуснихат усталари ҳам ижод қилинган. 1586 йилда дарвеш Муҳаммад Бухорий каллиграфия санъати назариясиги оид асар ёзган. Шунингдек кўплаб қўлёзмалар миниатюралар ва суръатлар билан безатилган. Тарихий ва адабий асарлардан "Фатхнома" тарихи Абулхайрихоний Новоийнинг асарлари шулар жумласидандир. Миниатюраларда Марказий Осиё моддий маданияти акс эттрилган. Жалолиддин Юсуф келди Муҳаммад ва бошқалар рассомчилик санъатига улкан хисса қўшади.

Хонликлар даврида Қурилиш иншоотлари турлари янада такомиллашади. Кўплаб жамоат бинолари қурилади. Монуменал биноларнинг тарихи киэфаси ўзгаради. Бухоро шаҳри баланлиги 10 метрли девор билан ўралиб, шаҳар давозалари қурилади. Йирик бинолар қуришда (миср араб мадрасаси, Хўжа Зайниддин хонкаси) халқ меъморчилиги анъаналаридан фойдаланилди, шаҳар ташқарисида монементал бинолар қурилди. Ҳовлилар тўрт тамондан айвон

хужралар билан ўралди. Бухоро ва Тоҳкентдаги Кўкалдош мадрасаси бунга гувоҳлик беради. Биноларни безашда майда ўсимлик нақшли парчинлар ишлатилди, деворларга гул бериш темурийлар давридаги усуллар ривожлантирди, қабр тошлари ясашда юксак бадиий даражада тошларга ёзувларни ўйиб ёзиш ривожланди. (Шайбонийхонла қабр тоши ва Чулдухтаронда Абу Саид қабрига қўйилган тошлари)

Марказий осиёда хонликлари ва амирлик ўртасида низолар бўлиб турсада маълум даражада деҳқончилик, хунармандчилик, совдо сотиқ давом топди. Фан адабиёти санъатнинг ривожланиши кўпроё сарой доирасида ҳам диний ҳам амирликдаги сиёсий воқеалар солномасини ифодалайди. Ўша давр руҳи акс этганлиги билан тарихи аҳамиятга эга. Муҳаммад Ёқубнинг «Гулшан-улмулк», Муҳаммад Мир Олимнинг «Тарихи амир Насрулло», Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шарифнинг «тарихи амир хайдар», Муҳаммда Хакимжон Тўранинг «Мунтахабут-таворих», каби асарла диққатга созовордир. Қўқон адабий мухити кўплаб шоир ва шоиралар ижоди билан бойийди. Қўқон умархоннингўзи «амирий» тахиллуси билан ўзбек тилида ғазаллар ёзган унинг рафиқаси Моҳларойим «Нодира» тахаллуси билан форс тожик тилида «Макнуна», «Комила» тахаллуслари билан шеърлар ёзган. Эри умархон вафот этгач Нодира давлат ишларига аралашиб,мамлакат хўжалигини яхшилаш маданий ҳаётини ривожлантириш бўйича муҳим тадбирларни амалга оширади. Қўқонда Мадрасалар, карвонсаройлар, расталар, йўллар қурдиради. У ўз ат рофига увайси Махзуна каби қобилиятли ижод аҳлини тўплади.

Бу даврда Фазлий Намангоний Мушриф, Мушфикий каби шоирлар ижод қилган. Мушфикий Бухоро амири Абдуллахон саройида «Маликуш-шуаро» унвонига эга бўлшган бўлса, бўлса Фазлий Намангоний Қўқон шоирларига бошчилик қилган, Умархониннг топшириғи билн Фазлий ва Мушриф тамонидан «Мажмуат-ушшшоира» тўплами тзилади. Бу даврда Қўқонда Худоёрхоннинг сарой арки, Хивада турили обидаларни қурдирди. Тахминан XVII асрда яшаб ижод қилган шоиралардан бири Турди Фарғоний ҳақида маълумот берувчи асосий мана шоирнинг ўз асаридир. У юз уруғнинг оқсоқолларидан бири

сифатида Абдулазизхон саройида эътиборли кишилардан бири бўлган, кейин саройдан четлаштирилган. XVIII аср охирида туғилган шоир Муҳаммад оғир аҳволда яшаб, саройда аскарлик қилган. Махмур қийинчиликда Хапалак 1844 йтлда вафот этган. Унинг шеъралири ичида хапалак хажвий асари мавжуд. XVIII аср охири XIX аср бошларида Фарғона Муҳаммад Шариф Гулханий тахаллуси билан  танилиб ажойиб лирик шеърлар,  масаллари ёзди. Унинг «Булбулмаасл» аасри қаҳрамонлари  қушлар бўлиб, шоир улар орқали сарой кирдикорларининг фош этади. Яна бир қўқонлик шоир Ғозий ҳам  асарларида задагон ва рухонийлар фош қилади. XIX асрнинг 30 йилларида Шаҳрисабзда шоир хиромий хинд, Форс адабиётида машҳур бўлган «Чор Дарвеш» ва «Тўтинома» хокояларини ўзбек тилга таржима қилади. Халқ достонлари «Юсуф ва Зулайхо», «тоҳир ва Зуҳра», «Бўз ўғлон», «Юсуф ва Аҳмад» ва бошқа асарлар вужудга еклди. Шаҳар халқ ҳаётидан хикочя қилувчи лавҳаларни ўйнаб, томоша кўрсататар, бошлар ва сарой аҳлини очкўзлигини фош этиб, устидан кулар эди.

Бу даврда Марказий Осиё икки турдаги мактаб мавжуд эди: куйи мактаб ва олий мадраса. Бошланғич мактаб савод ўргатилар ва диний матндлар ёдланар эди. Мадрасада ҳам илоҳият ўқитилар шунингдек араб тили сарфу нахфи, нотиқлик санъати, алжаб ва хандаса асослари  ўргатилган. Бундан ташқари Хофиз, Бедил, навоий асарлари ўқитилган.

Ўша давр шоирлари, фан арбоблари мусиқани чуқур тушунганлар. Мусиқа санъатини ривожига улкан хисса қўшган Мавлоно Муҳаммадин Муганний, Мавлоно Кавкабий. Хўжа Муҳаммад, Ризо Самарқандийнинг номлари бизгача етиб келган.

Бу даврдаги меъморчилик ёдгорликлари хажми ва пардозининг жимжимадорлиги  билан ажралиб туради. Шердор мадрсасининг олд пештоқида рангин кошинлар  билан чекилган бир жуфт шер тасвирланган. Тиллакори мадрасасининг номи «тилла билан пардозланган» деган маънони биладиради. Деворлардаги ажойиб нақши нигорлар ва ички деворлардаги тўкис тилла безаклар жуда нафис ишланган.

XVII аср охирларидан хива хонлигида таъмирлаш ва шаҳарсозлик ишлари авж олади. Оллақулихон мадарсаси, Рохмонкуи иноқ саройи хажм жихатидан анча махобатли қурилган. Қўқон хонлиги меъморчилигида рангқбаранглик ва ёрқинлик, радоздаги кошинларнинг ёрқин товланиши каби хусусиятлар айниқса Худоёрхон саройида яққол намоён бўлади.

XVIII аср охири XIX аср бошларида меъморчилик хажм жихатидан ихчам бинолар, гохо безак-пардозлардан холлилиги билан кўзга ташланади. Хонликлар ва Амирликларда меъморчилик қурилишида ва безакда ўзига хослик ҳам сезилади. Фарғона уйлари кенгковоул ва айвонли, гулдор токчали, ўйма ганчли шифтлари накши нигорли қилиб қурилса, Самарқанд ваБухоро уйлари учун чиройли кўринишдаги устунли айвон, гирих ва Исломий нақшлари туширилган девор ва ганч ўймакорлиги хосдир. Хива уйлари ташқи ва ички шаклда қурилиб айвони ичкарига қараган, устунларига ўйма нақшлар чекилган, мураккабшаклдаги гуллар билан безалган.

XIX аср бошларида меҳнат каш халқнинг турммуш маданияти паст даражада эди. Хонликларни ўзаро урушлари хўжалик ва маданий ҳаёти издан чиқарилади. Бу ҳол Чор Россиянинг хонликлари босиб олишини осонлаштирди. Россияда сармоялар саноатнинг ўсиши янги бозор савдосига ва хом ашё манбаларига бўлган талабни оширди. Россия марказий осиёнинг босиб олгач, маҳаллий аҳоли рус ва Россиянинг бошқа халқлари билан алоқа ўрнатишга мажбур бўлди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги техникалари кириб кела бошлади. Ўз ўрнида Россия ва Европа маданияти элементлари кририб келди. Рус тизим мактаблари очилди. Типография ва литографиянинг пайдо бўлиши маданий ҳаётда катта воқеа бўлди. Аввал рус тилида, сўнгра маҳаллий тилларда газета, журнал ва китоблар чоп этила бошлади.

XIX асрнинг 80 йилларида А. С. Пушкин ва И.А. Крилов асарлари илк бор ўзбекчага таржима қилинди. 1880 йилда Тошкентда жамоат кутубзонаси очилди. 1870 йилда расадхона ва кимёгарлик тажрибахонасига асос солинди. Илмий жамиятлар тузилди, тарихий ва археологии музейлар очилди.

Бу пайтда келиб, Туркистон буржуазияси орасида жадидчилик харакатлари кенг тарқалди. Жадидлар янги усулдаги мактаблар тузиш дастурини ола сурдилар, бу мактабларда асосан туркий тил, адабиёт ва дунёвий фанлар ўқитилган. Катта шаҳарларда жадидлар бирлашмаси ташкил қилинади. Тошкент, Бухоро ва Самарқанд газеталар жадидлар халқни маърифатга чақирадилар.

## 10-Мавзу: Миллий истиқлол ғояси ва Ўзбекистонда маданий тараққиёти

### Маъруза режаси:

1. Маърифий-маънавий ислохатлар-жамият тараққиётининг устивор йўналиши сифатида.
2. Таълим ривожининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ҳозирги босқичда маданий ҳаёт.

Ҳар қандай жамият тараққиёти, ўша жамиятда яшаётган фуқаролар маънавият, турмуш тарзи, уларнинг моддий ижтимоий эхтиёжлари қай даражада қондирилишига боғлиқ.

Шунинг учун бу масалаларни ҳал этишда, Ўзбекистоннинг реал ҳаётида ўзгаришлар юз бермокда.

Ўзбек халқининг миллий давлатчилик тарихида, маърифий маънавий ишларга эътибори бизга маълум. Бу узоқ тарихий анъаналарга мустақиллик йилларининг дастлабки кунларидан алоҳида эътибор берилмоқда. Таталитар тузим шароитида маданиятнинг асосий вазифаси жамитя кишиларнинг коммунистик мафкура ва соҳта ғояларга эътиқодини мустаҳкамлашга қаратилган. Ҳозирги кунда эса унинг мақсади тудан ўзгарди.

Улар нималардан кўринади:

1. Ўзбекистонда маънавият ишларини амалга ошириш учун бутун масъулиятни хокимликлар, вазирликлар, идоралар ташкилотларнинг биринчи раҳбарларига юклатилди. Бу ҳам жуда катта ижтимоий аҳамият касб этади.
2. Маънавиятни юксак миллатгина, унинг келажаги буюк бўлади.

.3. Маънавият ва маърифат жамият ҳаётида поклантирувчи кучдир. Лекин ҳамон учраб турсада, мустабид тузимда қолган миллатлардан фуқоролар онгини поклаш лозим.

4. Ўзбекистон жамияти маънавиятнинг энг муқаддас мақсадларидан бири ўтмиш тарихий, маданий, миллий аҳлоқий мафкуравий, ижтимоий-сиёсий қадриятларга асосланиш.

5. Президентимиз И. А. Каримов қайд этганидек, халқимиз фаслида маънавий-мафкуравий ишларни олиб бориш улар онгига сингдириш.

Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёти босқичида маънавий омиллар, миллатлараро муносабат ҳам тубдан ўзгарди.

Шунинг учун Ўзбекистон хукумати маданиятдаги миллийлик ва байналминалчилик нисбатини сақлашга муҳим вазифа сифатида эътибор бермоқда. 130 дан ортиқ миллатга эга юртимиз ҳар бир фуқорани химоялашдолзарб вазифадир.

Шу ўринда 1989 йилда маданият ишлари вазирлиги хузурида республика миллатлараро маданий марказ ташкил этилди. 1992 йилда хукумат қарори билан республика Байналминал маданий маркази ташкил этилди.Марказнинг бош вазифаси, миллий маданий марказларга амалий услубий ёрдам кўрсатиш, уларнинг миллий анъана урф одатларини тиклаш, маданий марказлар билан алоқаларни яқинлаштиришдан иборат.

1994 йил 23-апрель президентимиз И. А. Каримов фармони билан Республика маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ташкил этилди.

Собиқ иттифоқ, тугатилиши билан коммунистик мафкура ҳам барҳам топди. Унинг аччиқ сабоқларидан халқимиз хабардор. Шунинг учун мафкура-яккахоним ролини ўйнамасликни хуқуқий пойдеворини яратилди.

1996 йил 9 сентябрда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш тўғрисида президентимиз фармони эълон қилинди.

Фармон асосан 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь «ўқитувчилар ва мураббийлар» куни деб эълон қилинди. «Маъанавият» нашриёти ташкил қилинди.

Марказ қошида «Олтин мерос» халқаро ҳайрия жамғармаси тасис этилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 9,5 мингга яқин умумтаълим мактаблар, гимназиялар, академик лицейлар, колежлар, 65 та олий ўқув юртлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Сўнгги йилларда миллий мактаблар тизимига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда 2,5 мингдан ортиқ ўқувчисига эга бўлган 50 га яқин қирим-татар мактаби, 130 ўқувчигага эга бўлган 7 та немича мактаби, 2400 га яқин ўқувчисига эга бўлган 24 та корес мактаби, қурдилар, яхудийлар мактаблари ишлаб турибди.

Бундан ташқари 9 мингдан ортиқ қозоқ фарзандлари,
3 мингдан ортиқ тожик, 1 мингдан ортиқ қирғиз ва 1,5 мингдан ортиқ туркман фарзандлари ўз она юртларида таълим-тарбия олмоқдалар.

**Мавзуга доир таянч сўзлар ва иборалар**

Маърифатчилик, идрок, иймон-эътиқод, инсонни ишончи, иймони, санъат, шеърият, билим, жадидчилик, жадидчилик

**Назорат саволлари**

1. «Маърифатфарварлик» тушунчасини изоҳлаб беринг?
2. Мустамлакачилик даврида миллий маънавият ва маъарифатнинг аҳволи қандай эди?
3. Маърифатфарвар Абай Қўқонбоевнинг ижоди ҳақида гапириб беринг.
4. Жадидчиликнинг маданий ходиса сифатида изоҳлаб беринг.

**Тест саволлари**

1. «Тарбия биз уучн ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё фалокат масаласидир» деган хикматли сўзлар ким тамонидан айтилган?

   А) А. Қодирий

   Б) А. Фитрат

   С) А. Авлоний

   Д) М. Бехбудий

   Е) Х.Х. Ниёзий

2. «Танобчилар», «Вексель», «Авлиё», Баччаґар , «Сиёсатнома» сатирик асарлар кимнинг ижод қаламига мансуб?

А) Х. Х. Ниёзий

Б) А. Қодирий

С) Муқумий

Д) М. Бехбудий

Е) А. Авлоний

**Мавзуга доир адабиётлар**


1. И. А. Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. 1994.
2. Абдухалиқов С. Маданият тарихи ва унингасосий масаласи. Тошкент. 1998.
3. Алимова Д. Рашидова Д. Бехбудий и его политические воззрения. Ташкент.2000.
4. Умаров Э. Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. Ташкент. «Янги аср авлоди».
5. Эркаев А. Духовность-энергия независимости. Ташкент. 1997.


**М У Н Д А Р И Ж А**


1. Кириш.........................................................................................................2

2. Маданиятшунослик предмети......................................................................3

3. Маданият ривожланишининг умумий қонуниятлари..................................13

4. Маданий ва маърифий мерос........................................................................ 21

5. Архаик (ибтидоий) маданият........................................................................ 30

6. Шарқ уйғониш даврининг ўзига хос хусусиятлари..................................... 41

7. Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти......................................53

8. Ўрта асрларда Марказий Осиё маданияти....................................................63

9. Темур ва Темурийлар даври маданияти........................................................72

10. XVII-XX асрларда Ўзбекистон маданий тараққиёти...................................85

11.Миллий истиқлол ғояси ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт....................90

## Муаллифлар ҳақида маълумот

1. Дилбар Абдухамтовна Рахимбоева фалсафа фанлари номзоди, доцент.
Наманган давлат униқерситети “Фалсафа” кафедраси.
Манзил: Наманган шахар Оромгох массиви, Афросиёб кўча № 5 уй.
Уй телефони 2-37-35-77. хизмат телефони 2-26-39-53.

2. Абдарахмат Мамадалиевич Отамирзаев Наманган давлат университети “Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси. Манзил: Норин тумани Норинкапа қишлоғи дўстлик кўчаси 33 уй.